Хисор-Кўкшаал ёриғига ёндош келувчи Танхоздарё, Хазарнов ва Оксувдарё ёриқлари яқинида жойлашган Хисорак сув омборининг яқин ҳудудида ер қобиғидаги ҳаракатлар қуйидагича ривожланган. Чўнқирликларнинг шимолий ҳошиясида, шимоли-шарқ йўналишидаги чизикли структуралар кўплаб шимоли-шарқ йўналишида ривожланган дарзлар билан ифодаланган. Улар баъзида қадимий палеозой структура планидан меъросланган ҳаракатлар изини ҳам ифодалайди. Агар ушбу ҳудудда 2013-2014 йилларда магнитудаси 2-3 дан ортиқ зилзилаларнинг тарқалиш таснифига эътибор берсак, барча локал структуралар катта струкуралардаги магнитудаси 5 дан ортиқ зилзилалар жойлашуви билан мос келишини визуал ажратиш мумкин бўлади. Амалда эса замонавий асимметрик кўтарилишларнинг бўйлама зонаси ва ёнма-ён жойлашган чуқурликлар Бойсун тоғ ҳудудидан шимолга ўтганда тўртта кўндаланг поғоналарга бўлиниб кетган ва бу ҳолат бошқа тадқиқотларда ҳам тасдиқланган. Кўндаланг қатламланишлар кўтарилмаларнинг на фақат баландликлар фарқида намоён бўляпти, уларга яна зонанинг чўзилиб-ётиш ҳолатининг синиш жараёнларидаги ўзгаришларида ҳам яққол кўринди. Бошқа сўз билан айтганда, кўндаланг қатламланишларни поғонали (флексурали) ёрилиб бузилиш деб аниқлаштириш мумкин.

Палеосейсмологик маълумотларга асосланиб бу узелнинг шимоли-ғарбий кўтарилмасини Қашқадарё ва Шинга сув айиргичи билан боғлиқ бўлган сейсмик фаолликка эга ҳудуд деб олиш мумкин. Чунки унга $K=8-11$ энергетик классдаги кўплаб зилзилалар маркази тўғри келган, жумладан чуқурлиги 30-35 км. тарихий зилзилалар ҳам мавжуд. Бу узел атрофида турли йўналган қатламланишлар туташган бўлиб $K=8-12$ энергетик классдаги зилзилалар марказлари зичлашган. Сейсмик ҳолат схемасида ушбу узел сейсмик фаолликнинг $A_{10} \geq 0,2$ бўлган контурига жойлашди.

Ҳудуднинг мураккаб тузилган районларида рельефда яққол намоён бўлган ёриқлар кесишувлари, айниқса кўтариб сурилишлар кўп. Юкланишлар таъсирида ҳудуд атрофидаги тоғ жинсларининг ρ - зичликлари ўртача 0,8-1,3% га ошгани кузатилди. Сув омбор тўғони ва унинг яқинида ўрнатилган доимий ишловчи ўлчов асбоблари кўрсаткичлари бўйича ҳаракат миқдорлари ҳам ўртача 0,6-1,7 мм.га ошгани аниқланди. Ҳаракат йўналишлари кесишган жойлардаги қатламланишларнинг мураккаблашиб бориши уларнинг кўп ҳоларда юқори зичликдаги дарзланишлар билан ифодаланганини ва бўйлама ва кўдаланг йўналишлардаги ёриқларда сейсмогенетик ҳаракатлар маҳаллий сейсмик узилишлар домида ўзгариши мумкинлигини яққол кўрсатди.

ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ТЎҒРИСИДА

**М.Асқаров,
Ўз Р ФА Тарих институти**

Бугунги кунда Ўзбекистон этнографияси бўйича яратилган хорижий ва маҳаллий нашрлар сони салмоқлидир. Ўзбекистон этнографиясининг турли аспектларини ўз ишларида Э.Олворт, С. Абашин, А. Лаура, А. Холид, Ш. Акбарзода, Ш. Акинер, Б. Пенати, В. Фиерман, Д. Абрамзон, П. Финке, М. Фумагали, Р. Ханкс, Б. Хиерман, А. Илхамов, М. Камп, М. Аткин, И. Балдауф, М. Барбиери, Бхат Моҳд Аслам, Ю. Брегель, Л. Катедрал, Н. Кобберт, Д. Кандиёти, Ш. Келлер, С. Кендзиор, Н. Коч, М. Ларуэль, Т. Левин, Б. Манз, Н. Мегоран, Д. Нортроп, Х. Паксой, П. Светлана, И. Савин, А. Сенгупта, И. Шахин, В.Шнирельман, П.Шозимов, М.Слобин, М.Тезкан, Н.Тукер, М. Узман, И. Йилмаз, С. Акйиздыз, З. Рассел, О. Горшунова, Б. Петрик, Н. Снесарев, В.

Тишков, В. Бушков, Н. Басилов, С. Губаева, А. Аристов каби хорижий тарихчи ва этнографлар; К. Шониёзов, А. Асқаров, Д. Алимова, И. Джабборов, А. Дониёров, А. Аширов, З. Арифханова, Б. Бобожонов, Т. Ходжайов, Г. Ходжайова, Ш. Камолитдин, Т. Салимов, Т. Дадабоев, Р. Султанова, В. Хан, Р. Назаров, М. Пайзиева, Н.Азимова, Г. Зуннунова, Р. Абдуллаев, А.Саримсоқов, А. Маликов ва б. маҳаллий тадқиқотчилар ўрганишган.

Хорижий тилдаги нашрлар кўпайиб боргани сари уларнинг ҳаққонийлиги ва холислигини, ўзбек халқининг этногенези, этник тарихи, маънавий ва моддий маданияти, анъана ва урф-одатлари, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва кўплаб бошқа жиҳатларини қай даражада объектив ёритилгани, ўзбек халқининг дунё цивилизацияси ғазнасига қўшган улуши муносиб кўрсатиб берилмаётганини доимий равишда мониторинг қилиб боришга эҳтиёж янада ортиб, унинг долзарблигини белгилаб бермоқда. Шу сабабли, бугунги кунда Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббуслари билан амалга оширилаётган янада ривожланишнинг Ҳаракатлар стратегияси бу тадқиқотларда асос бўла олади.

Шубҳасиз, ҳозирги кунда Ўзбекистон этнографиясига бўлган қизиқиш жуда юқориликча қолмоқда, бу эса ўз навбатида Республикамизда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Фанлар Академиясини замон билан ҳамнафас тарзда узлуксиз ривожлантириб бориш, турли тилларда мавзу юзасидан бемалол рақобатга кириша оладиган, ҳаққоний ва холисона тарихни ҳимоя қила оладиган мутахассисларга талабни ошириб боради. Бугунги кунда мустақиллигимиз ва суверенитетимизни мустаҳкамлаш, республикамизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, юртимиз ва халқимиз ўтмиши, этногенези ва этник тарихи, маданияти борасида мамлакатимизда олиб борилаётган тадқиқотлар, илмий изланишлар, фундаментал тадқиқотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказишда бошқа йўналишлар қаторида Тарих ва тарихшуносликнинг ўрни беъқиёсдир.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЧИЛАРИ ИЖОДИ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТИ

Ж.Асқарова

ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти.

Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги аксарият жанрлар ижро маҳорати билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир жанрни ижрочилик ва ижодкорлик нуқтаи назаридан ўрганиш мумкин. Ўзбек фольклорчилигида оғзаки ижоддаги ижрочиликнинг ўзига хослиги ҳақида кўплаб ишлар қилинган бўлса-да, хусусан халқ эртакчиси репертуари ва эртак ижроси анъаналарини ўрганиш борасида умумий илмий назарий хулосалар чиқарилмаган.

Ижрочилик халқ оғзаки ижоди тараққиётида турлича зоҳир бўлади. Фольклор оғзаки ижод экан, у фақат ижродагина ўзини тўлақонли намойиш этади.

Эртак бевосита ижрочилик ҳамда бадихагўйлик нисбатининг тенг воқе бўлиши асосида ривожланган.

Эртак қайта-қайта айтилгандагина унинг умрбоқийлиги таъминланади. Бу борада бугунги кунда номлари бизга номаълум бўлган минглаб халқ эртакчиларининг хизматлари беқиёсдир. Хўш, эртакчи ким ва биз уларнинг қайси бирлари ҳақида биламиз?

Эпик репертуар даражаси, ўзининг яратувчилик ва уни барқарор анъаналар доирасида ижро этишига қараб эртакчиларни 2 турга бўлиш мумкин:

А) ижодкор-бадихагўй, яъни профессионал эртакчилар;

Б) ижрочи эртакчилар.

Профессионал эртакчиларда ижро маҳорати элементлари тўлалигича намоён бўлади. Турли ифодавий воситалар – мимика, юз, қўл ва тана ҳаракатларидан тўла фойдаланадилар.

Ижрочи эртакчиларда бироз индивидуаллик шаклланган бўлади. Уларда профессионал эртакчи репертуарига таклид қилиш кузатилади.

Профессионал эртакчи овоз, мимика ва тана ҳаракатларининг ифодавийлигига эришиш орқали томошабин диққатини ўзига қаратиши, эртакнинг ғоясини жонли, рухий тетиклик ва эстетик завқ-шавқ ва ҳиссиёт билан бошқаларга юқтириш, аудитория билан узвий мулоқот қила билиш каби маҳорат элементларини эгаллаганлиги билан ижрочи эртакчилардан фарқ қилади.

Профессионал халқ эртакчиларидан бири Абдуғофур Шукуров репертуари ўзига хос хусусиятга эга. Бу ўзига хослик унинг репертуари фақат сеҳрли эртаклардан иборат эканлиги билан белгиланади. Унинг репертуаридаги айрим эртакларнинг асоси китобий манбаларга бориб тақалади. Бироқ бундай сюжетлар кўп вақтлар оғзаки ҳолда эртакчилар доирасида кенг тарқалиши, бир неча авлодлар томонидан қайта-қайта айтилиши туфайли ўзининг дастлабки манбалари – қисса ва ҳикоятдан узоқлашиб структура жихатдан эртак жанрига тўла бўйсунган.

“Кулса – гул, йиғласа - дур” тўплами А.Шукуров эртакларидан тузилган. Бироқ бунга эртакчи репертуаридаги барча эртаклар эмас, 17 та сеҳрли-фантастик эртаклар киритилган, холос¹.

Яна бир халқ эртакчи сифатида тан олинган Нурали Нурмат ўғли 16 ёшдан бошлаб халқ ўртасида эртакчи бўлиб танилган. У жуда кўп эртак биларди. Нурали Нурмат ўғлидан ёзиб олинган эртакларнинг аксарий қисми маиший, реалистик эртаклардир. Унинг эртакларидаги қаҳрамонлар сеҳрли эртак қаҳрамонлари каби тилсимлар очмайдилар, дев ва ялмоғизлар билан курашмайдилар, балки реал турмушда ва ҳаёт кечиришдаги тенгсизликлар устида кураш олиб борадилар, ақл ва тадбирлар орқали социал душманлари билан курашадилар. Халқнинг зулмга қарши курашини, турмуш тажрибаси асосида ўсган фикр, ақл бойлигини донишманд деҳқонлар, косиблар, умуман халқ вакиллари образлари орқали гавдалантиради².

1980-90 йилларда нашр этилган “Оймомода аждарҳо”, “Қора дев”, “Илон пари”, “Сеҳрли қиз”, “Тулиқаҳқаҳ”, “ёнар дарё”, “Само тулпори”, “Лайлак келди, ёз бўлди” каби тўпламлардаги эртаклар профессионал эртакчилар томонидан ёзиб олинган.

Бундан ташқари, М.Муродовнинг “Сарчашмадан томчилар”, “Ҳаётбахш хаёллар” каби тадқиқотларида эртакчи шахси, эртак айтиш жараёни ва у билан боғлиқ иримлар, эртак поэтикаси, эртакнинг жонли анъаналарда яшаш жараёни ва эртакчилик санъати бўйича илмий аҳамиятли фикрлар айтилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзМЭ, 2002 й. 4-жилд, 81-бет.
2. “Кулса – гул, йиғласа - дур” эртаклар тўплами. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.
3. Саидмурод Паноҳ ўғли. Фольклор архиви. Инв. № - (қўшимча вариант).
4. М.Муродов “Ижод дурдоналарини излаб...” -Т.:Фан, 1967. 66-бет.

FIREDEC: НОВОЕ ПОКОЛЕНИЕ АЛГОРИТМОВ ЦИФРОВОГО АНАЛИЗА ДАННЫХ АСТРОНОМИЧЕСКИХ НАБЛЮДЕНИЙ ГРАВИТАЦИОННО-ЛИНЗИРОВАННЫХ СИСТЕМ

**И.М.Асфандияров,
Астрономический институт АН РУз**

Интенсивное развитие цифровой техники и приборов для астрономических наблюдений, таких как новое поколение высокочувствительных ПЗС камер, дают

¹ “Кулса – гул, йиғласа - дур” эртаклар тўплами. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.

² Саидмурод Паноҳ ўғли. Фольклор архиви. Инв.№ - (қўшимча вариант).

возможность получения огромного массива цифровых данных передаваемых напрямую с телескопа на компьютер. Это в свою очередь требует развития и создания специализированного астрономического программного обеспечения для скоростной и эффективной обработки большого объема данных и получения достоверных научных результатов.

Одним из таких создаваемых уникальных астрономических программных продуктов является пакет программ Firedec (Finite resolution image deconvolution algorithm), создаваемый в рамках международного проекта COSMOGRAIL (COSmological Monitoring GRAvitational Lenses) в котором также участвует Майданакская обсерватория АН РУз, предоставляя качественные наблюдения ряда гравитационно-линзированных объектов.

Усовершенствованный алгоритм Firedec включает лучшую регуляризацию пиксельного канала изображения, основанную на методе вейвлет фильтрации с мульти масштабным анализом, и лучшее контролируемое разделение точечного источника и окружения источника. Кроме того, метод имеет возможность одновременной деконволюции множества отдельных кадров одного и того же объекта, полученных на разных инструментах и инструментах с различными параметрами ФРТ (Функции Рассеянной Точки – т.е. изображения звезд). В программе введено общее геометрическое преобразование между отдельными изображениями. Это преобразование позволяет комбинировать изображения без необходимости их интерполяции.

Анализ работы алгоритма на смоделированных изображениях показал, что алгоритм может выполнить дифференциальную фотометрию при интенсивных фоновых шумах и надежную астрометрию в плотных звездных полях для очень узких смещений точечных источников с высоким контрастом. Это было также проверено по моделям на ограниченных ФРТ со сложной дифракцией, таких как изображения с космических телескопов (КТХ, JWST), и с больших наземных телескопов (ELT и TMT) планируемые к работе адаптивной оптикой (АО).

Список литературы:

1. Magain, P., Courbin, F., & Sohy, S. 1998, ApJ, 494, 472
2. N. Cantale, F. Courbin, M. Tewes;1, P. Jablonka; and G. Meylan, 2016 A&A in press.
3. Magain, P., Letawe, G., Courbin, F., et al. 2005, Nature, 437, 381.

НОРМАТИВНАЯ БАЗА ДЛЯ ЛАБОРАТОРИИ ПО СЕРТИФИКАЦИИ ФОТОВОЛЬТАИЧЕСКИХ МОДУЛЕЙ

**Ж.З.Ахатов, А.У.Камолиддинов, А.И.Миролимов,
Международный институт солнечной энергии**

Испытательная лаборатория по сертификации фотовольтаических модулей организуется с целью создания условий для реализации прав потребителей на получение полной и достоверной информации о фотовольтаических модулях (ФЭМ), для осуществления их правильного выбора и обеспечения качества и безопасности при эксплуатации. При проведении испытаний испытательная лаборатория должна обеспечивать беспристрастность в работе с заявителем, независимость при принятии решений, обладать неприкосновенностью, если она является частью исследовательского института или компании, или клиентов, а также обладать технической компетентностью. Одним из важных свойств сертификационной лаборатории является ее техническая компетентность. Техническая компетентность испытательной лаборатории определяется принятием базовых стандартов и испытаний на их основе, необходимых средств измерений, и контроля; помещений с соответствующими условиями окружающей среды; наличием в ней квалифицированного персонала, документированных рабочих процессов; нормативно-

методических документов испытаний и др. [1]. Рассмотрим нормативную базу испытательной лаборатории по сертификации ФЭМ. Организация деятельности лаборатории по сертификации и контроль качества ФЭМ осуществляются согласно базовым стандартам МЭК. Эти стандарты распространяются на кристаллические и поликристаллические, а также тонкопленочные фотовольтаические модули и устанавливают общие требования к безопасности при установке, приемке, испытаниях и методах контроля работоспособности при продолжительной эксплуатации. Стандарты распространяются также, в части требований к методам контроля и требований безопасности к функционированию модулей при различных условиях окружающей среды. Ниже приведены базовые стандарты и перекрестные стандарты, которые необходимо принять и для успешного получения, в первую очередь, национальной аккредитации. Основные стандарты и их ссылочные стандарты имеются в наличии в нормативной базе МИСЭ.

Следует отметить, в настоящее время Технический комитет МЭК ТК 82 «Солнечные фотовольтаические энергосистемы» (IEC TC 82 - Solar photovoltaic energy systems), в 2015-2016 г.г. проводит обновление вышеуказанных стандартов. Например, стандарт IEC-61215 и стандарт IEC-61646 объединяется в общий стандарт IEC-61215. При этом изменена не только форма стандарта, но и их содержание (процедура проведения испытаний, диапазон измерений, а также требования к оборудованию). Ожидается, что базовые стандарты по ФЭМ будут опубликованы техническим комитетом TC 82 в середине 2018 г. В стандартах IEC-61215 и IEC-61646 представлена оценка конструкции и утверждение по образцу фотовольтаических модулей на основе теллурида кадмия (CdTe), а также тонкопленочных модулей на основе селенида меди-индия-галлия (copper indium gallium selenide - CIGS- Cu(In,Ga)Se_2) и селенида меди-индия (copper indium selenide - CIS- Cu(In)Se_2). Для кристаллического и мульткристаллического кремния предусмотрены отдельные нормативные стандарты, а также стандарты на основе аморфного кремния.

Литература:

1. Steven M. Spivak and F. Cecil Brenner «Standardization Essentials: Principles and Practice», CRC Press, ISBN-10: 0824789180, 2001, 320 p.

РАЗРАБОТКА НАЦИОНАЛЬНЫХ СТАНДАРТОВ ПО ИСПЫТАНИЮ ФОТОЭЛЕКТРИЧЕСКИХ МОДУЛЕЙ ПРИ МИСЭ

**Ж.З.Ахадов, С.А.Мирзаев, Ф.Р.Эгамова,
Международный институт солнечной энергии**

Базируясь на мировом опыте, Правительство Узбекистана приняло ряд решений об особом внимании к развитию в стране солнечной энергетики и, в первую очередь, технологии получения электроэнергии с помощью фотоэлектрических преобразователей (модулей), что обусловлено наличием у Узбекистана большого «солнечного» потенциала. Задачи, стоящие перед промышленностью, сформулированы в Указе Президента № УП-4512 «О мерах по дальнейшему развитию альтернативных источников энергии» от 1 марта 2013 года. Также, в республике запланировано строительство ряда крупных 100МВт фотоэлектрических станций в различных регионах страны, которые являются первоначальной базой развития солнечной энергетики в Узбекистане. По оценкам для строительства одной 100 МВт ФЭС требуются импортировать в Узбекистан около 400 тысяч фотоэлектрических модулей (ФЭМ), что требует создания инструмента для проверки качества ФЭМ. Кроме того, планируется организация производства ФЭМ, реализация которых на первом этапе ориентирована на местный рынок с последующим выходом на Центрально-азиатский регион в области солнечной индустрии.

Масштаб вышеназванных проектов требует наличия в Узбекистане постоянно функционирующего специализированного инструмента для оценки качества модулей, как импортируемых в страну, так и производимых в самой стране. Таким инструментом и является Лаборатория по Сертификации фотоэлектрических модулей. Для полной сертификации фотоэлектрических модулей по международным стандартам необходимо провести более 130 тестовых испытаний на самом современном оборудовании. В настоящий момент в Центральной Азии отсутствует подобная лаборатория. Наличие функционирующей в Узбекистане сертификационной лаборатории будет одной из главных предпосылок для успешного импорта/экспорта модулей, являясь, к тому же, отличной базой для обеспечения и совершенствования метрологического обеспечения, независимости и уверенности Узбекистана в вопросах метрологии и калибровки компонентов солнечных станций, путем соответствующей подготовки национальных кадров. Кроме того, следует подчеркнуть, что о необходимости организации Лаборатории по сертификации солнечных фотовольтаических модулей непосредственно отмечено в руководящих документах (ПП-1929 от 01.03.2013, УП-4512 от 01.03.2013., ПКМ №265 от 25 сентября 2013 года). Поэтому, создание национальной лаборатории по сертификации фотовольтаических модулей в Международном институте солнечной энергии (МИСЭ) станет первым этапом для осуществления последующего шага, заключающегося в превращении ее в признанный центр мирового уровня. В рамках данного направления в 2017 г. закончена реконструкция здания МИСЭ. Первый этаж здания подготовлен под лаборатории для испытания фотоэлектрических модулей с учетом международных требований. Разработан комплекс научно-технической документации лаборатории по проведению сертификационных испытаний фотовольтаических солнечных модулей (общ. 264 страниц).

Литература:

Постановлении Президента РУз «О создании Международного института солнечной энергии» №1929 от 1 марта 2013 года.

О ФАУНЕ БОГОМОЛОВЫХ (MANTODAE) НАСЕКОМЫХ УЗБЕКИСТАНА.

А.Г.Ахмедов,

Институт зоологии АН РУз

Богомолы – древняя группа насекомых. Это теплолюбивые насекомые обитающие в местах с теплым и жарким климатом. Хищники - засадники. Данные по фауне богомолов Узбекистана весьма неполные и разорванные. Большая часть работ по фауне богомолов Средней Азии была сделана по соседним с Узбекистаном Республикам, в особенности по Таджикистану и Казахстану. Есть некоторые данные по Туркмении. В результате обработки литературных данных и собственных сборов в 2017 году для территории Узбекистана автором было выделено 10 видов богомолов.

Таблица №1

Видовой состав, встречаемость и жизненные формы богомолов Узбекистана

Название вида	Жизненная форма	Обнаружение
<i>Mantis religiosa</i> (Linne 1758)	Фитофильный засадник	+
<i>Hierodula tenuidentata</i> . (Saussure, 1869)	Фитофильный засадник	+
<i>Bolivaria brachiptera</i> (Pallas, 1773)	Фитофильный засадник	+
<i>Armene pussilla</i> (Eversmann, 1854)	Геофильный засадник	+
<i>Iris polystictica</i> (Fisher-Waidheim, 1846)	Фитофильный засадник	+
<i>Empusa pennicornis</i> (Pallas, 1773)	Фитофильный засадник	+
<i>Severinia turcomaniae</i> (Saussure, 1872)	Фитофильный засадник	+

<i>Oxyotespis wagneri</i> (Kittary 1849)	Фитофильный засадник	л
<i>Rivetina nana</i> (Mistshenko 1967)	Геофильный засадник	л
<i>Rivetina deserta</i> (Mistshenko 1967)	Геофильный засадник	л

Где + - отмечены виды собранные автором, л – виды известные из Узбекистана только по литературным данным.

Не исключено, что в ходе дальнейшей работы список видов обитающих на территории Узбекистана увеличиться.

Богомоловых обитающих в Узбекистане можно разделить на две группы это фитофильные -засадники и геофильные - засадники. Основное их отличие их состоит в том, что фитофильные-засадники тесно связаны с растительностью, на которой поджидают свою добычу. Геофильные засадники являются эпигеобионтами, они не привязаны к растительности и активно передвигаются по поверхности почвы в поисках пищи.

МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Ж.З.Ахмедов,

Ўзбекистон тарихи давлат музейи

Музей – бой тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий-маърифий маскандир. Музейлар тарихи, яъни ижтимоий-маънавий ва маърифий вазифалари ҳамда музей иши назарияси ва услубияти масалалари жамламаси, уни ўрганадиган фан тармоғи ҳисобланади. Дарҳақиқат, турли хил туркум ашёлар жамланган музейлар – Ўзбекистоннинг ижтимоий ва маданий ҳаётида, унинг тараққиёт босқичларида катта роль ўйнайди. Айни пайтда халқимизни, чет эллик сайёҳлар ҳамда ёшларни она Ватанига меҳр-мурувват руҳида тарбиялайди, аждодлар мероси билан фахрланиш ҳиссини уйғотади. Мамлакат музейлари ҳар бир ташриф буюрувчида илмий, маданий-маънавий, тарихий, бадиий мерос билан ошно бўлишларини таъминлашда, таъкидлаш жоизки, ОАВ алоҳида ўрни бор. Деярли кўплаб ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий нашрларимизда музейлар фаолияти тўғрисида материаллар берилди, ойнай жаҳоннинг ҳамма каналларида бу соҳанинг у ёхуд бу жиҳатлари намойиш этилади, илғор анъаналар музейлар манбалари асосида ифода қилинади. Масалан, телерадиоканаллар орқали ҳам эфирга узатилаётган маданият-санъат афишаларида музейлардаги янги кўرғазмалар, маънавий-маърифий тадбирлар, ташкил этилаётган экспозицияларнинг мавзуи, мазмуни, намойиш вақти тўғрисидаги маълумотлар музей томошабини ташрифини кўпайтиришга замин яратади. Шунингдек, ҳозирги глобаллашув даврида замонавий илм-фан ҳамда янги технологияларнинг ривожлана бориши, халқимизнинг интернет орқали виртуал билим олиши натижаси ўлароқ ўтмиш ва келажакнинг жонли гувоҳи ва олтин занжири ҳисобланмиш музейлар абадий билимлар манбаи саналади. Музейларнинг илмий-амалий фаолияти, янги кўрғазмалари, бой фонди, маънавий-маърифий тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар телерадиоканаллар, газета ва журналларда, интернет сайтлари орқали ёритилиб борилади. Маълумки, музейлардаги янги тадбирлар, кўрғазмалар тўғрисидаги маълумотлар ходимлар томонидан тайёрланган пресс-релизлар орқали журналистларга тақдим этилади. Пресс-релиз ўша кунги тадбирлар тўғрисида маълумот берувчи бирламчи манба ҳисобланади.

Айни пайтда шундай маълумотлар бериш учун музейлар ҳақида бирмунча маълумотга эга бўлишимиз керак. Мамлакатда тўртта йирик – Самарқанд, Бухоро,

Хива ва Шаҳрисабз музей кўриқхоналари ҳамда учта йирик бадий музей фаолият кўрсатади. Чунончи, Ўзбекистон давлат санъат музейи – тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, халқ хунармандчилиги асарлари, нодир тангалар, зардўзлик, кулолчилик намуналари каби 50 мингдан ортиқ бебаҳо бойликни ўзида жамлаган гўзаллик масканидир¹. Ўзбекистон халқ амалий санъати музейида эса кулолчилик, майда пластика, миллий матолар ва каштачилик санъати намуналарининг бой тўплами йиғилган. Айтиш жоизки музей биносининг ўзи ажойиб меъморий-декоратив санъат намунаси бўлиб, унда ганч ва ёғоч ўймакорлиги, наққошлик ва мозаика санъати ўз аксини топган. И.В.Савицкий номидаги Қорақолпоғистон Республикаси Давлат санъат музейи Ўзбекистондаги бой санъат қонақоналаридан биридир. Мутахассисларнинг фикрига кўра, рус рассомларининг Нукусдаги коллекцияси аҳамияти ва миқёси нуқтаи назаридан Санкт – Петербургдаги машҳур Рус музейидан кейин дунёда иккинчи ўринда туради. Музей фондида 84 мингдан зиёд тасвирий санъат асарлари мавжуд². Шунингдек мамлакатда ягона Ўзбекистон давлат табиат музейи 140 йилдирки, халққа хизмат қилади. Унинг фондларида 1,5 млн.га яқин табиатшунослик, география, геология, биология, зоология, анатомия, экология, оология, палеонтология ва энтомологияга оид коллекциялар мавжуд³. Чунончи, етакчи музейлардан Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, Халқаро тинчлик ва бирдамлик музейи, Олимпия шон-шуҳрати музейи, Термиз археология музейи ва бошқа музейлар халқимизни, айниқса ёшларни ватанпарлик, тарихий хотирага садоқат, ўзликни англаш, қадриятларни қадрлаш руҳида тарбиялашда улкан роль ўйнамоқда.

Музейларнинг географик жиҳатдан мутаносиб жойлашганлиги ҳам аҳолининг мозийга (тарихимизга) бўлган эҳтироми ва эътирофини тарбиялашда айна муддаодир. Шу боис ҳам турли тадбирларда музейлар экспозициясидан фойдаланилган ҳолда экскурсиялар, давра суҳбатлари, адабий кечалар, Мустақиллик, Наврўз, Хотира ва қадрлаш, Устоз ва мураббийлар, Бахт қомуси кунларига бағишланган кўргазмалар ташкил қилинади. Мазкур тадбирлар ўша кунни телевидение кўрсатувларида намойиш этилади, даврий босма нашрларда хабарлар берилади. Бизнингча, бу борада журналистларнинг музей, маданият, санъат тўғрисидаги билимларини ошириб бориш, хусусан улар учун музейда клублар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, биринчи ўринда клубнинг концепциясини ишлаб чиқиш талаб этилади. Концепция қуйидаги мақсад ва вазифаларни қамраб олган бўлиши лозим:

- музейларнинг ОАВлар билан ишлаши натижасида музей ўзининг ижобий имиджини сақлаб қолади;

- маҳаллий аҳоли ўртасида музейнинг маданий ҳаёти ва коллекциялари тўғрисидаги маълумотларни кенг тарғиб қилади;

- аҳоли ўртасида маданий ҳаётга бўлган қизиқишнинг орта бориши ўларок, жамиятда санъат журналистикасининг кенгроқ йўналишда шаклланишига имкон яратилади.

Таъкидлаш жоизки, музейларнинг ОАВлар билан ишлаш концепциясининг вазифалари қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

1. ОАВ ходимлари билан ҳаммуаллифликда ишлаш томошабинга музей тўғрисидаги маълумотларни кўпроқ ва тўғри қабул қилишида замин яратади;

2. Мамлакат телерадиокомпаниялари орқали ҳамкорлик артефактлари: фильмлар, роликлар, акциялар ва ҳ.к.ларни кенгроқ тарғиб қилиш аҳолига музей тўғрисидаги янгиликларни тез етказиш ва сифатли маълумотларга эга бўлишни таъминлайди;

3. Музейлар тўғрисида ёритилган мавжуд ва янги маълумотларни қанчалик тўғри эканлигини мониторинг қилиб бориш лозим;

¹ Иброҳимова Н. Ҳайрат олами // Мозийдан садо. 1999. № 1-2. – Б. 78.

² Бобоназарова М. Бир коллекция тарихи // Мозийдан садо. 1999. № 1-2. – Б. 50.

³ Каримов З. Ўзбекистон табиат музейи // Мозийдан садо. 2012. № 2. – Б. 5.

4. Музейнинг махсус янгиликлари жамламасини интернет порталига узатиш орқали яхлит манбасини яратиш айтиш мумкин;

5. Дарҳақиқат, журналистлар клуби концепцияси асосида ишлаб чиқилган вазифаларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши, музейларнинг маркетинг борасидаги йўлини ҳам тўлиқ белгилайди.

Умуман, журналистлар клуби аъзоси икки ойда бир мартаба улар билан музей иши, музей фонди, музейдаги илмий лойиҳаларнинг бажарилиши, томошабинларнинг ташрифи, кўргазма ва ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар тўғрисида суҳбатлашиб, фикр алмашиши музейнинг ОАВларда тўғри ёритилишини таъминлайди. Телерадиоканаллар билан ўзаро ҳамкорлик натижасида музей ўзининг рекламасини вақти-вақти билан эфирга узатиб бориш имкониятига эга бўлади. Музейшуносларнинг ОАВ ходимлари билан бирга иш олиб бориши аҳоли орасида маданий меросга қизиқиш, улар тўғрисида қимматли маълумотлар олиш ва юртимиздаги турли ихтисосликдаги музейларга ташрифнинг кўпайишига имкон беради. ОАВ ходимлари билан пресс-конференциялар, пресс-экскурсиялар, давра суҳбатлари орқали музей янгиликлари билан суҳбатлашиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ОАВ музейлар фаолиятида катта роль ўйнайди, таълим-тарбия, айниқса ёшларнинг Ватан равнақи йўлидаги фаолиятига катта таъсир кўрсатади, уларнинг жипслашуви, мамлакат истикболи учун фидоийлик кўрсатиши, маънавий, миллий ҳамда ғоявий-мафкуравий қатъияти янада фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ўзини намоён қилаверади.

КЛОНИРОВАНИЕ РЕКОМБИНАНТНЫХ ПЛАЗМИД pPIC3,5-GFP И pPIC9-GFP, КОДИРУЮЩИЕ РЕКОМБИНАНТНЫЙ GFP (ЗЕЛЁНЫЙ ФЛУОРЕСЦЕНТНЫЙ БЕЛОК) В ДРОЖЖАХ *PICHA PASTORIS*

**О.Н. Аширов, Ж.М. Абдурахманов, Ш.Ш. Хасанов, Ф.Б. Эшбоев,
А.А. Махнев, С.А. Сасмаков, Ш.С. Азимова,**

Институт химии растительных веществ им. акад. С.Ю.Юнусова АН РУз,

Одной из прогрессивных систем экспрессии, позволяющих получить рекомбинантные белки является дрожжевая система *Pichia pastoris*. Преимуществами данной системы экспрессии являются: накопление значительной биомассы при культивировании на недорогих питательных средах, отсутствие эндотоксинов и пирогенов, более высокий уровень синтеза рекомбинантных белков и способность синтезировать рекомбинантный белок в питательную среду. Система экспрессии *Pichia pastoris* позволила выпустить на рынок более чем 70 белковых продуктов для терапевтического и промышленного использования [1].

Целью данного исследования являлся конструирование рекомбинантных плазмид pPIC3,5-GFP и pPIC9-GFP, кодирующие белок GFP (зелёный флуоресцентный белок) в дрожжах *Pichia pastoris*, с последующим использованием их в качестве «моделей» для исследования уровня экспрессии различных белков в *Pichia pastoris*. Рекомбинантные плазмидные ДНК созданы на основе трансферных векторов pPIC3.5 (7751 п.н.) и pPIC9 (8023 п.н.), содержащие нуклеотидные последовательности генома *Pichia pastoris*, в том числе промотора *AOX1*, *HIS4* и др. Кроме того, pPIC9 дополнительно содержит сигнальные последовательности альфа-фактора (249 п.н.) для секреции экспрессируемого белка в питательную среду. Для клонирования, в соответствии с физической картой векторы были последовательно обработаны рестриктазами *BamHI*, *XhoI* и *EcoRI*. В результате проведенных работ были получены фрагменты векторов с комплементарными "липкими" концами. кДНК GFP гена, размером 716 п.н. амплифицировали методом ПЦР с помощью специфических праймеров, используя в качестве матрицы вектор pVm-vc-USDS-EGFP.

После лигирования фрагментов с применением ДНК-лигазы фага T4, данные конструкции были трансформированы в клетки *E. coli* NEB-5α. Выявление рекомбинантных клонов проводили методом ПЦР и рестриктоного анализа. Полученные рекомбинантные плазмиды могут быть использованы для исследования уровня синтеза гетерологичных белков в дрожжевой системе экспрессии *Pichia pastoris*.

Литература:

1. <http://www.pichia.com/science-center/commercialized-products/>

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМГА ОИД СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши)

М.С. Азимбаев

ЎЗР ФА Тарих институти

1867 йил Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топгач, империя маъмурлари олдида ўлка худудида асрлар давомида фаолият юритиб келган анъанавий таълим тизимини тугатиш ёки ўз манфаатларига бўйсиндириш вазифаси юзага келган. Мазкур мақсадларни “инкор қилиш” сиёсати асосида амалга ошириш режа қилинган бўлса-да, амалда эса, мусулмон мактаб ва мадрасалар фаолиятига тизимли равишда аралашиб борилди. Шундай бўлса-да Туркистон генерал-губернатори маъмурларининг режаси империя тугагунга қадар амалга ошмади.

Мустамлакачилик даврида анъанавий таълимнинг маҳаллий аҳоли учун аҳамияти ва унга нисбатан давлат сиёсати даражасидаги муносабат натижасида, мактаб ва мадрасалар ҳамиша тадқиқотчилар диққат-эътиборида бўлишига сабаб бўлган. Бу даврда катта миқдорда илмий ва илмий-оммабоп ишлар яратилган бўлиб, уларнинг айримлари ўрганилаётган мавзу учун манбавий аҳамият эга ҳисобланади¹. Мазкур адабиётлар XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ва унга туташ бўлган худудларда маъмурий-бошқарув ва таълим тизимида соҳаларида фаолият юритган ҳамда тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳлари томонидан ёзилганлиги, ўлкадаги анъанавий таълимга оид статистик маълумотларни мавжудлиги ва империя таълим сиёсати оид тарихий далиллар келтирилганлиги билан илмий қийматга эга. Бироқ, ушбу тадқиқотлар ўзининг ғоявий мазмунига кўра мустамлакачилик сиёсатига мос бўлиб, уларда мактаб ва мадрасалар диний мутассиблик ўчоғи ҳамда империя сиёсатига зид бўлган таълим-тарбия берувчи маскан сифатида баҳоланган.

¹Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане (1874-1889). – Санкт-Петербург, 1889. – С. 666; Граменицкий С.М. К вопросу об инородческом образовании в России. – Ташкент, 1908; Ўша муаллиф. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. – Ташкент, 1896; Керенский Ф.М. Медресе в Туркестанском крае. – СПб.: Б.И., 1892. – 37 с; Ўша муаллиф. Мусульманские училища Туркестанского края // Журнал Министерства народного просвещения. – Санкт-Петербург, 1874. Часть CLXXVI. С. 32; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Т., 1912. – С. 520; Остроумов Н.П. Исторический очерк народного образования в городах и укреплениях Сыр-Дарьинской линии и Туркестанской области до учреждения Туркестанского генерал-губернаторства с 1860 г. по 1867 г. – Ташкент, 1881; Ўша муаллиф. К истории народного образования в Туркестанском крае. Личные воспоминания. – Ташкент, 1895; Ўша муаллиф. К вопросу о государственном языке в инородческих школах Туркестанского края // Туркестанский сборник. – Т. 477. – Ташкент, 1908. – С. 2-4; Пашино П.И. Туркестанский край 1866 году. Путевые заметки. – Санкт-Петербург, 1868. – С. 176; Наливкин В.П. Что дает Средне-Азиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях? – СПб.: Б.И., 1900. – 480 с; Ўша муаллиф. Положение вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганской области. Том III. – Новый-Маргелан, 1904. – С. 1-56; Ўша муаллиф. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент: Тип. А.Л. Кирснера, 1913. – 144 с; Ўша муаллиф. Сведения о состоянии туземных медресе Сырдарьинской области в 1890-91 учебном году. – Ташкент: Б.И., 1916. – 16 с; Пален К.К. Отчет по ревизии учебного дела Туркестанского края. – СПб.: Сенатская типография, 1910. – 270 с; Бобровников Н.А. Русско-туземные училища, мектебы и медресе в Средней Азии. – СПб.: Б.И., 1913. – 90 с; Кун А.Л. Вакуфы // Туркестанские ведомости. 1872. – № 21; Лыкошин Н.С. Пол жизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – Петроград: Литография В.А. Бероз, 1916. – 415 с; Емельянов Н. Численность вакфов Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том. 461. – С. 3-6; Миропиев М.А. О положении русских инородцев. – СПб., 1901. С. 515.

Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида жойлашган мактаб ва мадрасалар қонуний жиҳатдан 1876 йилдан бошлаб Ўқув муассасалари бошқармаси ихтиёрига топширилгач, маъориф соҳаси вакиллари томонидан турли газета ва журналларда ушбу таълим масканлар ҳақида салбий тавсифлар бера бошладилар. Жумладан, уларни империя манфаатларига зарарли эканлиги таъкидланиб, энг тез фурсатда мазкур мактаблар устидан кучли назоратни ўрнатиш ва рус тилини жорий этиш зарурияти ҳақида огоҳлантирадилар. Бироқ, кучли назорат ўрнатилгач, маъориф соҳаси вакиллари метрополияда чоп этиладиган журналларда анъанавий таълим муассасаларда энди ички келишмовчилик мавжуд деб, жар солишади.

Хусусан, Туркистон ўқув муассасалари бошқармасида узоқ йил фаолият олиб борган Н.П. Остроумов “Мадрасы в Туркестанском крае”¹ номли мақоласида Туркистон ўлкасидаги мадрасаларнинг ички ҳаётида ҳамон тартибсизликлар мавжудлигини таъкидлаб. Марғилон уезди Бурмиш қишлоғида жойлашган мадрасанинг катта мудариси ўқув бошқармага шу мадрасанинг мутаввалии 565 рублнинг 315 рубилини ўзининг шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборгани ҳақида устидан шикоят қилгани ва бошқа шу каби мисолларни келтириб ўтгади.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, маъориф соҳаси вакиллариининг марказий нашрларда анъанавий мактаблар ҳақидаги мақолалари доимий характерга эга бўлмаган. Ва хатто бири қолганларини инкор этган ҳоллари ҳам бўлган. Жумладан, Туркистон ўқув муассасалари бошқармаси бош инспектори Ф. Керенский ўзининг Халқ маъориф вазирлиги журналида 1892 йилда нашр қилган мақоласининг кириш қисмида “Туркистон ўлкасини империяга қўшиб олинганига салкам чорак асрдан ошди. Энди у ердаги мусулмон мактаблари билан танишиш ва улар билан шуғулланиш вақти келди”² деб, таъкидлаган. Бу ўз навбатида, худди ўша журналда Туркистон ўқув муассасалари бошқармасининг биринчи бош инспектори А.Л. Куннинг (И.Т. тахаллуси остида) 1874 йилда нашр қилган “Мусульманские училища Туркестанского края”³ мақоласини ва бошқа муаллифлар ишларини очикдан-очик инкор этиш эди.

Мазкур давр тадқиқотлари таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу ишларда анъанавий мактаблар фаолияти, молиялаштирилиши ва ўлка маъмуриятининг унга нисбатан муносабати мустамлакачилик сиёсати руҳида ёзилган. Ушбу тадқиқотларни манбавий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, холислик ва тарихийлик жиҳатдан қайта ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ КАРТОШКА ЛИНИЯЛАРНИ ЯРАТИШДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ
Ф.И.Бабаджанова, Х.А.Убайдуллаева, Ш.Х.Маматқулова, З.Т.Буриев
ЎЗРФА Геномика ва биоинформатика маркази**

Мамлакатимизда картошкачиликни ривожлантириш дастурига кўра, сермахсул навлардан ва юқори сифатли уруғликдан фойдаланиш билан бир қаторда картошкачиликда фан ва техника ютуқларини кўллаб, ҳосилдорлиги юқори, зараркунанда ва ҳашаротларга, турли нокулай омилларга чидамли бўлган навларни яратиш олимларимиз олдида турган асосий вазифа ҳисобланади. Бизнинг геномика ва биоинформатика марказида ген-нокаут технологияси жорий этилди. Ушбу технология организмнинг белгиланган генлар фаоллигини бошқариш имкониятини яратади. Натижада генлари “ўчирилган”, яъни нокаут қилинган организм вужудга

¹ Остроумов Н.П. Мадрасы в Туркестанском крае // Журнал Министерства Народного Просвещения. Новая серия. 1907. Часть VII. СПб. – С. 49.

² Керенский Ф. Медресе Туркестанского края // Журнал Министерства Народного Просвещения. 1892. Часть ССLXXXIV. СПб. – С. 18.

³ И.Т. Мусульманские училища Туркестанского края // Журнал Министерства Народного Просвещения. 1874. Часть CLXXVI. СПб. – С. 1-34.

келади. Гени ўчирилган организмлар, нуклеотид кетма-кетлиги маълум бўлган генларнинг функциясини аниқлашга ёрдам беради. Бу технологиянинг афзаллиги шундан иборатки, анъанавий селекция усулида янги нав яратиш учун 15-20 йил талаб этилади. Мазкур технология асосида эса қисқа муддатларда янги биотехнологик навлар яратилади.

Ушбу технологияда картошкани қатор агрономик хусусиятлари (ҳосилдорлик, эртапишарлик кабилар)ни яхшилаб қисқа муддатларда янги биотехнологик навларни яратишга қаратилган бўлиб, картошканинг ягона хужайраси ўсимлик ривожланишини бошқарадиган дерижёр генлардан бири бўлган қизил нур рецептори *PHU*Вгенини фаолиятини сусайтирувчи (ген-нокаут) генетик конструкция билан трансформацияланди ва ягона хужайрадан тўла ўсимлик олинди. Олинган ген-нокаут картошка линиялар микроқаламчаларга бўлиб микро ва макро элементларни ўз ичига олган озуқа муҳитида *in vitro* шароитида ўстирилди. Микрокўпайтиришнинг якуний маҳсули микротуганаклар ҳисобланади. Уруғлик картошка етиштиришда микротуганаклардан фойдаланиш бир қанча афзалликларга эга. Картошкани анъанавий усуллар билан кўпайтириш унча қийин бўлмасада, бу экин тури вирусли касалликларга кўпроқ даражада чалинади. Шу боис, вирусдан ҳоли экин материалларини олиш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш борасидаги вазифаларга мувофиқ марказимизда инновацион ген-нокаут технологияси асосида янги картошка линиялари олинди ва ушбу технология асосида янги картошка навларини олиш услублари жорий этилди. Келажакда инновацион ғояларни ва технологияларни янада кенгайтириш қисқасида самара берадиган технологияларни амалиётга қўллаш бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир.

SIRDARYO DARYOSI VA JANUBIY MIRZACHO'L KANALINING GIDROLOGIK REJIMI VA SUV TA'MINOTIDAGI AYRIM MUAMMOLAR

A.A. Baratov,

O`zR FA Seysmologiya insituti

Ўзбекистонда қишлоқ xo'jaligining rivojlanishi sug'orma dehqonchilikka asoslangan. Shu tufayli respublikamizda yer resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish va qishloq xo'jaligi ekin maydonlari mahsuldorligini oshirishda suv resurslarining o'rni juda muhimdir. Aniqroq aytadigan bo'lsak, suv resurslaridan oqilona foydalanish, bu borada tejamkor usullarni hayotga tatbiq etish mamlakatimizda agrar sohani rivojlantirishning yagona yo'lidir.

Shu maqsadda biz Sirdaryo daryosi va Janubiy Mirzacho'l kanalining gidrologik rejimi va suv ta'minotidagi ayrim muammolarni o'rganib chiqdik va quyidagi natijalar olindi.

1. Sirdaryo havzasi daryolari gidrologik rejimini o'rganish bo'yicha quyidagi natijalar olindi:

-daryolar suv sarflarining yillararo o'zgarishi oxirgi 2017 yillargacha bo'lgan ma'lumotlar asosida o'rganildi. Unda Sirdaryo Kal qishlog'i gidrologik posti va Janubiy Mirzacho'l kanalida kuzatilgan suv sarflarining yillararo o'zgarish grafiklari chizildi va tahlil qilindi;

2. Daryo oqimining yil davomida taqsimlanishi aniqlandi, olingan natijalarga ko'ra kam suvli sentyabr oyi 212 m³/s ni, dekabr oyi esa 605 m³/s va o'rtacha suvli iyun oyiga esa 447 m³/s to'g'ri keldi.

-Sirdaryo yillik oqimining o'zgaruvchanligini baholandi, bunda Cv hisoblanib topildi va Cv=0,256 teng ekanligini ko'rdik.

3. Janubiy Mirzacho`l kanali gidrologik rejimini o`rganish bo'yicha quyidagi natijalar hisobga olindi:

-Sirdaryodan suv oladigan Janubiy Mirzacho`l kanali va uning suv rejimi o`rganildi. Unga ko`ra olingan ma`lumotlar 1976-2017 yillar oralig`ida suv sarfining eng kichik qiymati 92,1 m³/s ni, eng katta qiymati 156 m³/s ni tashkil etdi.

4. Janubiy Mirzacho`l kanali oqimining yil davomida taqsimlanishi o`rganildi va quyidagi natijalar olindi:

-kanal oqimining yil davomida taqsimlanishi aniqlandi, olingan natijalarga ko`ra kam suvli senyabr oyi 91 m³/s ni, iyul oyi esa 285 m³/s va o`rtacha suvli may oyiga esa 155 m³/s to`g`ri keldi.

5. Kanal oqimining o`zgaruvchanligi statistik baholash ishlari olib borildi bunda dastlab aniqlandi. So`ngida esa Janubiy Mirzacho`l kanali ta`minlanish egri chizig`i chizildi.

ЖИВОПИСЬ САМАРКАНДА В КОНТЕКСТЕ ПРОБЛЕМ ФОРМИРОВАНИЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА УЗБЕКИСТАНА

Ш. Барнаева,
Свободный соискатель.

С обретением независимости в искусствоведении Узбекистана актуализировались вопросы пересмотра и обновления прошлых методологических подходов и установок, эстетических ориентаций. Огромное значение в контексте идей национальной независимости обрело историческое и культурное наследие Узбекистана, которое необходимо изучать. Это так же относится к актуализации обновленного подхода и пересмотра прежних взглядов на развитие искусства Узбекистана конца XIX и 40-х годов XX века. В частности, требуют более объективного изучения процессы формирования изобразительного искусства, происходившие в художественной среде Самарканда в конце XIX и в начале XX вв., исследование творчества ведущих художников, определивших пути развития живописи республики в дальнейшем.

Инновационная идея диссертации заключается в том, что впервые исследуются процессы формирования и развития живописи Самарканда, раскрывается специфика основных тенденций живописи конца XIX века 40-х годов XX. На основе архивных изысканий раскрывается деятельность Самаркандского художественного училища (техникума), формирование художественных ассоциаций и групп. Новое также в том, что впервые живопись Самарканда показана как историческая целостность во взаимодействии общих и локальных тенденций, общих и местных стилевых проявлений на примере наиболее талантливых художников города.

За прошедшие годы проблемам живописи, которая лидирует в общем развитии искусства Узбекистана, в искусствоведении республики накопилась большая историография, сложились определенная теоретическая база. Однако нужно особо отметить что, непосредственно о самаркандских художниках в монографическом плане не издано до настоящего времени обобщающего труда. Значительный материал о становлении и развитии живописи нашего региона можно найти в труде В. Чепелева¹. В «Художественно-критических этюдах»² Такташ Р.Х пишет о художественных процессах, протекавших в изобразительном искусстве Узбекистана в 1920-1980 гг., во взаимосвязи с характером общественного развития Узбекистана в то время. Одним из весьма важных источников о генезисе, формировании изобразительного искусства, ее развитии в Центральной Азии, и в особенности в Узбекистане является, труд Академика Академии ХУз, доктора искусствоведения Н.Ахмедовой «Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог».³

¹Чепелев В. Искусство советского Узбекистана. Л.: 1935

²Такташ Р.Х. Художественно-критические этюды.: «Фан», 1992

³Ахмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. Т., 2004.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲАТЛАР МАСАЛАСИГА ОИД

Г. А. Бегмуратова к.и.х.

ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими

Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти.

Бугунги кунда таълим соҳаси жамиятимизнинг энг долзарб ва нозик жабҳаларидан бири ҳисобланади. Бу борада олиб борилаётган бир қатор ислохотлар, шу хусусдан ёшлар тарбияси ва уларнинг фаолиятига оид давлат сиёсати куннинг муҳим, кечиктириб бўлмас вазифаси сифатида аҳамият касб этмоқда. Демак, бу масала ўз-ўзидан юртимиздаги таълим тизими билан боғлиқ бир қатор муамоларга жиддий эътибор берилишини тақоза этади.

Ижтимоий-сиёсий тузумнинг алмашиши даврида иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг янгиланишига, ижтимоий тафаккурнинг ўзгариши, атрофдаги воқеа ва ҳодисаларнинг янгича талқин этила бошлашига мувофиқ халқ оғзаки ижодига ҳам муносабатлар ўзгаради. Айниқса мустақиллик йилларида миллий кадриятлар ва халқ анъаналарининг тикланиши фольклор асарларига илмий қизиқишни кучайтди. Чунки, фольклор материали қадим даврларда шаклланиб, халқнинг онгига сингиб кетган тушунчаларини халқ онгининг туб-тубидан суғуриб олиб, унинг қайта маънавий янгиланишида бой бадиий восита ҳисобланади. Дунё ҳамжамиятлигидаги таълим соҳасидаги тажрибалар шуни кўрсатадики, фольклор, халқ оғзаки ижоди миллат маънавиятида, унинг баркамоллигида катта аҳамиятга эга. Қадимги Буюк Рим империяси ва антик грек маданияти даврларида-ёқ фольклорнинг ҳар бир жанри мактабларда алоҳида фан сифатида ўрганилган. Бу тажрибани бугунги кунда миллатимизнинг маънавий янгиланиш палласи даврида таълим соҳасида синаб кўриш вақти келди. Бизнингча, бугунги кундаги таълим жарёнларида бўладиган ислохотлар қаторида, фольклор фани умумий ўрта таълим мактабларидан (5-синфдан) бошлаб, алоҳида дарс (предмет) сифатида ўтилишини амалда тадбиқ этиш зарур. Фаннинг аниқ **мақсад ва вазифаларини** куйидагича белгилаб кўрсатиш мумкин:

- халқимизнинг асрлар мобайнида кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, бугунги авлодга етказган миллий маданий меросларимизни чуқур ўргатиш;

- халқ оғзаки ижодида ифодаланган ватанни севиш, фидойилик, мардлик, озодлик ва эркинлик, меҳнатсеварлик, вафодорлик, эзгулик каби мангулик ғояларни фарзандларимиз онгига сингдириш;

- халқ доналигидаги миллий сўз бойлигимиз хазинасидан кундаликли турмушимизда унумли фойдаланиб сўзлик таркибимизни яна да такомиллаштириш;

- фарзандларимизнинг нутқ маданияти, эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантириш. Мана, шундай бир нечта мақсад ва вазифаларни бошчиликка олиб «Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандарти» даги ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштиришдаги компетенцияларига мувофиқлаштириб янги дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар яратишда илмий муассасалар ходимлари ва педагог ходимларнинг жалб қилиниши мақсадга мувофиқдир.

ПРОДОЛЬНЫЕ КОЛЕБАНИЯ ПОДЗЕМНЫХ СООРУЖЕНИЙ ПРИ НЕЛИНЕЙНОМ ВЗАИМОДЕЙСТВИИ С ГРУНТОМ

Д.А.Бекмирзаев PhD., с.н.с.

Институт механики и сейсмостойкости сооружений
имени М.Т. Уразбаева АН РУз,

Главной проблемой теории сейсродинамики подземных трубопроводов стал вопрос моделирования взаимодействия в системе «труба – грунт». Имеются отдельные работы, в которых предлагаются различные законы взаимодействия сооружения с

грунтом, учитывающие параметры, характеризующие процесс контактного взаимодействия твердых деформируемых тел с грунтом [1-6]. Основными параметрами, определяющими напряженное состояние систем жизнеобеспечения (подземных трубопроводов) при статических нагружениях, являются коэффициенты взаимодействия этих сооружений с окружающим грунтом.

Взаимодействие подземного трубопровода с грунтом – комплексная проблема [1-4]. Во время землетрясения, нелинейное поведение грунта является сложным. Зависимость касательного усилия τ_a на контакте поверхности сооружения с грунтом от величины относительного смещения $u - u_0$ и скорости относительного смещения $\dot{u} - \dot{u}_0$ в общем виде запишется как

$$\tau_a = k_x(u - u_0)[1 - \omega(u - u_0)] + \mu(\dot{u} - \dot{u}_0)[1 - \bar{\omega}(\dot{u} - \dot{u}_0)] + \dots, \quad (1)$$

где $k_x, \mu, \omega, \bar{\omega}$ – параметры, характеризующие упругие, вязкие и пластические свойства взаимодействия с грунтом, зависящие от характеристик грунта, сооружения и вида нагружения и определяемые экспериментально; $\omega(u - u_0)$ – можно принять как функцию пластичности А.А. Ильюшина, характеризующую нелинейные свойства взаимодействия.

Однако в случае динамических (в частности, сейсмических) воздействий, характеризующихся быстрой сменой нагружения – разгрузки, более существенной оказывается составляющая, учитывающая упруго-пластические свойства взаимодействия

$$\tau_a = k_x(u - u_0)[1 - \omega(u - u_0)]. \quad (2)$$

Здесь τ_a – касательное напряжение, u – абсолютное перемещение трубы, u_0 – закон движения грунта при землетрясении.

В случае билинейного закона взаимодействия для функции пластичности $\omega(u - u_0)$ имеем:

в стадии нагрузки

$$\omega(u - u_0) = 0 \text{ при } u - u_0 \leq u_s,$$

$$\omega(u - u_0) = \tilde{\lambda} \left(1 - \frac{u_s}{u - u_0} \right) \text{ при } u_s \leq u - u_0 \leq u_p,$$

в стадии разгрузки

$$\omega(u - u_0) = \tilde{\lambda} \frac{u_p - u_s}{u - u_0} \text{ при } u - u_0 \geq u_p,$$

где $\tilde{\lambda} = (k_x - k'_x)/k_x$, k_x, k'_x – коэффициенты мгновенного сдвига соответственно в упругой и пластической стадиях взаимодействия, u_s, u_p – перемещения трубопровода относительно грунта в начале пластической нагрузки и разгрузки соответственно [2].

Если учитываем касательное напряжение (2), то дифференциальное уравнение колебаний подземного трубопровода примет вид [2-6]

В связи с развитием технологий получения наноматериалов для строительной индустрии необходимо изучение влияния введенных наночастиц на характеристики силикатных систем. Изменение характеристик достигается в результате варьирования количества и химического состава наночастиц либо за счет одновременного использования комбинации наночастиц с разным химическим составом. При исследованиях по активации обычно главной задачей является повышение механической прочности затвердевшего цементного камня и раствора, интенсификация их твердения или сокращение расхода цемента без снижения заданной прочности материала. Иногда активацию применяют, когда необходимо улучшить физические свойства и качество растворов. Известно, что потенциальные возможности портландцемента и его разновидностей, оцениваемые по прочности цементного камня при сжатии в пределах, 150 - 200 МПа, на практике реализуются на уровне не более 50%. Наночастицы, обладающие большой удельной поверхностью (до 1000 м²/г), отличаются химической активностью. Они могут действовать как центры, ускоряющие реакции гидратации и как нанонаполнители, повышая плотность цемента и уменьшая пористость. Добавление нанодисперсного оксида кремния в количестве 3-6 массового процента по отношению к цементу приводит к значительному повышению прочности образцов при сжатии: до 76,6–89,4 %. Наночастицы SiO₂ проявляют свойство повышать прочность цемента, водонепроницаемость, иммобилизацию Са, продлевать срок эксплуатации. Дополнительно, наночастицы SiO₂ ускоряют реакции гидратации трехкальцевого силиката и компонентов цементного замеса. За счет влияния поверхности наночастиц диоксида кремния увеличивается скорость гидратации цемента

и происходит направленное формирование упорядоченных надмолекулярных структур гидратов силиката кальция, структурирующих цементную матрицу и повышающих ее прочность. Результаты могут быть использованы в строительных технологиях для структурирования цементных материалов и улучшения их характеристик: прочности, плотности, водонепроницаемости, морозостойкости.

КЕЛАЖАК АВЛОД ОНГИДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ (КИТОБ МУЗЕЙИ МИСОЛИДА)

**Л.Жабборова, Ф.Тургунова,
К.Бехзод номидаги МРДИ.**

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, китобхонликни ривожлантиришга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-4789-сонли фармойиши каби қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Айни вақтда ўтказилган кузатиш ва таҳлиллар бу соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар борлиги ва уларни кенг кўламда ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, халқимиз, аввало, ёшларнинг болаликдан бошлаб китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Мазкур мақолада китоб музейи ташкил этиш орқали халқимиз, аввало, келажак авлодни китоб ўқишга бўлган қизиқишини шакллантириш таклиф этилади.

Ҳозирга қадар мазкур музей юртимиздаги бирор шаҳарда ташкил этилмаганлиги сабабли “Китоб музейи”нинг таъсис этилиши ва унда китобнинг яратилиш тарихи ва китоб чоп этиш ускуна-жихозлари мужассам қилиб қўйилса фуқароларимизда катта қизиқиш уйғотар эди. Балки китоб музейи нега керак, ахир мамлакатимизда кўплаб кутубхоналар борку деган савол туғилиши мумкин. Тўғри мамлакатимизда кўплаб кутубхоналар мавжуд. Айниқса, Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ва унинг негизида музей фаолият юритаётган кесимида олиб борилаётган бир қатор ишлар таҳсинга лойиқ. Аммо кутубхона ичида ташкил этилган музей асосан 16 ёшдан катталар учун мўлжалланган бўлиб, унда ноёб китоблар намойиш этилади. Таклиф этилаётган китоб музейи аудиторияси эса нафақат барча ёшдаги ташриф буюрувчилар балки имконияти чекланган фуқароларни ҳам ўз ичига қамраб олиши кўзда тутилган. Бу орқали халқимиз, айниқса келажак авлодда китобхонлик маданиятини янада ривожлантириш, китобга бўлган муносабатни яхшилаш, оқ билан қора, яхшилик билан ёмонлик, вайронкорлик билан бунёдкорлик ғояларининг фарқини онгли равишда англантишга ёрдам бериш ва бу орқали барчада китобларга бўлган муносабат ўзгариши, яхшиланишига олиб келади.

ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИЛАР ТАВСИФИ

**Х.С.Жуманазаров,
ЎЗР ФА Тарих институти**

Халқ табобати касалликни олдини олиш ва даволашга қаратилган тадбир бўлиб, тарихан узоқ шаклланиш даврига эга. Халқ табобати айрим этнохудудий омиллар таъсирида дунё халқлари мисолида турлича кўринишда, усулда ва шаклда учраса ҳам, у учта муҳим асосга таянади: яъни ташхис қўйиш, дори тайёрлаш ва даволаш.

Ўзбекларнинг табобат анъаналари ҳам юқоридаги уч омилга таянсада, ташхис қўйиш усулларини, даволаш йўлларини, доривор хом-ашёларни туркумлашда маҳаллий анъана ва урф-одатларни таъсирини кўриш мумкин. Айниқса, доришуносликка эътибор қаратилса, уларни номланиши, таркиби, тайёрлаш босқичлари ва қўллаш жараёнларида иқлим, худуднинг ўзига хос табиати каби фарқли жиҳатларни қайд этиш жоиз.

ЖССТнинг¹ маълумотига кўра дунё аҳолисининг 90% табиий дори воситаларидан фойдаланади. Натижада, сўнгги йилларда табобат анъаналари ва табиий дориларга бўлган қизиқиш ортди. Шу асосда, халқ табобатида қўлланиладиган дориларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

- **дорининг таркибига қараб:** *туркона* (содда, таркиби бир жинсли маҳсулотдан иборат бўлиб, тайёрлашда махсус ошхона талаб қилмайди) ва *мураккаб* дорилар (қайнатмалар, дамламалар, маъжунлар, хабдорилар, суртадиган дорилар, шарбатлар, кукундорилар, қўйиб боғланадиган дори);

- **қўлланилиши усулига қараб:** истеъмол қилинадиган (кулча, хаб, бўтқа дори), суртиладиган (малҳам), сингдириладиган (шиёфлар);

- **дориларнинг кўринишига қараб:** қаттиқ кўринишда (хаб), суюқ кўринишда (дамлама, қайнатма), кукун ҳолатида (толқон).

Кўпроқ уй шароитида тайёрланадиган дори-дармонлар сирасига дамлама, қайнатма, суртма, малҳам, обзан, жомча (ванночка), бўқтирма, бозиллатма (компресс), кукун кўринишидадир². Уйда кўпроқ содда дориларнинг тайёрланишининг сабаби, маҳсулотлар эркин савдода мавжуд ва тайёрлашда махсус жиҳозлар талаб қилинмайди. Мураккаб турдаги дориларни тайёрлаш махсус билим ва шароит талаб қилгани учун бугунги кунда ҳам уларни фақат табиблар тайёрлайди. Айрим дориларни тайёр бўлиши жуда узоқ, масалан, “подшоҳлар маъжуни”. У 20 йилда тайёр бўлади, 40 йилгача кучаяди, 60 йилдан сўнг кучи пасаяди. Қадимда, подшоҳлар қариганда фойдаланиш учун ёш табибга шундай дори тайёрлашни буюрган. Ёки, бу маъжунни табибнинг отаси тайёрлайди ва ўғли ундан фойдаланади³. Дориларнинг тайёрлаш босиқчи, муддати, таркиби ва қандай касалликларга даво бўлиш хусусиятларига қараб айримлари мунтазам, айримлари аҳён-аҳёнда ишлатилади.

Мураккаб дориларни тайёрлаш табибдан махсус жиҳоз, ошхона вақатта тажрибани талаб қилади. Табибларнинг дориларни такомиллаштириш йўлида четдан келадиган хом-ашёлар ўрнини маҳаллий воситалар билан тўлдириши бир номдаги дориларни бир қанча табиблар номи билан аталадиган турлари пайдо қилди. Масалан, маъжунни 160дан ортиқ тури бор. Тадқиқотлар жараёнида аксарият табибларнинг дори тайёрлаш учун ошхоналари мавжудлигини гувоҳи бўлдик: масалан, Бухорода А. Кенжаев, Самарқандда С. Абдуллаев, Наманганда “Шарқ табобати” маркази ва х.к.

Республикада тиббиёт, фармокологияни тараққий этиши ва халқ табобатига расмий мақом берилмагани доригарликда ҳам айрим муаммоларни юзага келтирмоқда. Масалан, айрим гиёҳларни ўлкада йўқлиги, импорт гиёҳларнинг қимматлилиги ва х.к. Бу эса, табиий дорилар нархининг кескин ошишига ва халқ орасида, “Табобат усуллари ва воситалари тиббиётга нисбатан арзон” – деган тушунчани йўқолишига олиб келмоқда.

KABUL-SHAHS AS THE MAIN OPPONENTS AGAINST THE ARABIAN CONQUEST IN THE KABUL VALLEY (ON BASIS OF MATERIALS OF ISLAMIC MANUSCRIPTS)

**F. Djumaniyazova,
Tashkent State Oriental Study Institute**

¹Стратегия ВОЗ в области народной медицины 2002-2005 гг. –Женева: Penata Kerr Design, 2001, p.7.

²Набиев М. Чотқол неъматлари. – Тошкент: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – Б. 15

³ Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти Нарпай тумани Қорасийроқ кишлоғи. 2016 йил.


As is known, the last of major successes of the Arabs in the east was their subjugation of such semi-independent areas as Kabul and Kandahar, and their annexation to the Caliphate. For long time the Kabul-shahs were the main political power in the region, which represented a great impediment hindering the Arabian armies in their conquest of the region. The Caliphate started actions to conquer the Pamir- Hindu Kush region since the middle of the 7th century and in the middle of the 8th century Tocharistan, Badakhshan and Southern Khurasan had been subdued already, but Kabulistan remained independent still. The Kabul-shahs whose descent lineage is related to the Ashina clan - the ruling clan of the Turkic Kaganate - posed a great danger to the Arabian domination in the region. Thus, one of the Arabian authors the Caliph ibn Hayyat (d. 240 anno Hegirae) in his work "History" stated that in 46/666 the Turkis and Kabul-shah won the victory over the Arabs in the Kabul Valley and drove them away from Kabul

The Caliphate only attained great success in the beginning of the 9th century, in the period when Kabul-shah's independence had been eliminated for a while. As far as it concerns those events, of special interest is a fragment from the writing of Abu-l-Walid Muhammad al-Azraki "Chronicles of the city of Mecca" which represents an explanatory inscription to the throne of the Kabul-shah, preserved in the treasury of Ka'bah (Саба, Кааба,). The inscription contains interesting data concerning the events of 812-817 that took place in the region. In particular, it reads about subjugation of the Kabul-shah to the Arabs and his adoption of Islam, about doubling of taxes levied from Kabul and Kandahar provinces, about military actions of the Arabs against Tibet and the Turkis in Semirechie, etc. The discussed fragment allows us to say that during that period the Arabs conducted their military actions in two directions - Tibetan and Ferghana-Shash ones. Despite the accomplishments of the Arabs, the power of Kabul-shahs in the region had remained even later. Although the data of the written sources also allow us to speak about the passing of power from hand of Turkic Kabul-shahs to hand of the Indian Brahmins in 843, nevertheless, political independence of Kabul continued. Only in 870, after Yakub ibn Lays, the Seistan emir, conquered Kabul, its political independence ceased to exist and the local dynasty of the shahs of Kabul disappeared from the historical arena.

**SiO₂ НАНОЗАРРАЧАЛАРИ АСОСИДАГИ НАНОСУЮҚЛИНИ ДИНАМИК
ҚОВУШҚОҚЛИГИНИНГ НАНОЗАРРАЧАЛАР КОНЦЕНТРАЦИЯСИГА
БОҒЛИҚЛИГИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ
Т.И. Жўраев, Э.Т Жўраев, Д.У Туропова, Х.Х.Саидов,
ЎЗР ФА, "Физика қуёш" ИИЧБ, Физика техника институти**

Наносуюқликларни иситиш ва совутиш учун ишлатилиши саноатнинг турли сохалари учун катта аҳамият касб етмоқда. Ананавий суюқликлар билан солиштирганда наносуюқликлар иссиқлик узатиш тезлиги оширади ва шунингдек, оптик хусусиятлари, термик хусусиятлари ва қуёш тизимларининг ишлаш самарадорлиги оширишга хизмат қилади. Наносуюқликлар хусусиятлари борасидаги тадқиқотлар (1-100 нм) Choi томонидан биринчилардан бўлиб ўтказилган ва шу асосида наносуюқлик атамасини кириб келишига улкан ҳисса қўшилган [1]. Шу тажриба ва тадқиқотларга таянган ҳолда SiO₂ нанозаррачалари асосидаги наносуюқликни динамик қовушқоқлигининг нанозаррачалар концентрациясига боғлиқлигини ва хусусиятларини ўрганиш тадқиқотини олиб бордик ва бунинг натижасида қуйидагича натижалар олинди (расм а-в). Наносуюқликни динамик қовушқоқлигини ўрганишдан олдин бизга наносуюқлик таёрлаш усуллари ва жараёни билан яқиндан таниш бўлиш талаб этилади. Бунга қўра биз олдинги тадқиқотларимизда икки поғонали метод ёрдамида 0,5-3% ли SiO₂ заррачалари асосидаги наносуюқлик олишни амалий тадбиқини кўрдик

[2].Тадқиқот 7-40 нм ўлчамдаги нанозаррачаларни 0,5-3% миқдорда қўшилган наносуюқликлар учун олиб борилган.



Юқоридаги тадқиқот натижаларидан қуйидагича хулоса қилиш мумкин яъни нанозаррачанинг наносуюқликдаги концентрацияси ортиши билан наносуюқликни динамик ковшоқлик коэффициенти ортади ва температура ортиши билан камаяди албатта.

Адабиётлар:

1. Choi S.Enhancing thermal conductivity of fluids with nanoparticles. Developments and Applications of Non-Newtonian Flows, *ASME FED, Vol. 231/MD-66* 1995.99-105;

2.Ж.Ахатов., С.Мирзаев., Zhiyong. Wu., С.Теляев., Т.Жураев, Э.Жураев. Исследование теплофизических свойств наножидкостей на основе наночастиц SiO₂ для использования в качестве теплоносителя в солнечных тепловых преобразователях. *Гелиотехника*. 2017; №4: pp 35-48.

ҚУЁШ ИССИҚЛИК ҚУРИЛМАЛАРИДА ИССИҚЛИК АККУМУЛЯТОРИ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИЛУВЧИ ФАЗАВИЙ ЎЗГАРУВЧАН МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ИССИҚЛИК РЕЖИМЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ Т.И. Жўраев, Э.Т. Жўраев, Д.У. Туропова, Ҳ.Ҳ.Саидов ЎЗР ФА “Физика қуёш” ИИЧБ, Физика техника институти

Энергияга муҳтожлик ошиб бориши ҳисобга олган ҳолда, экологик хавфсиз энергия манбаларини ривожлантиришга эҳтиёж сезилади. Доимий ва турғун бўлмаган қуёш энергиясидан олинадиган иссиқликни йиғиб, маълум бир нуктада қайта узатишга мўлжалланган тизимларни яратиш ва тадқиқ этиш юқори даражадаги вазифага айланади. Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омил – буунинг доимий ва турғун эмаслиги ҳамда қуёш энергиясини ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишнинг бир-бирига номутаносиблиги бўлиб, бу муаммоларни ечими сифатида иссиқликнинг аккумуляцияси кўрсатилади.

Иссиқлик аккумуляторлари билан жиҳозланган тизимларнинг асосий вазифаси вақт давомида ишлаб чиқарилган ва ишлатилмаган энергияни аккумуляция қилиш (йиғиб қўйиш) ҳисобланади ва бундай тизимларнинг бир қанча афзалликлари мавжуд: энергияни йиғиб қўйиш натижасида фойдаланиш индекси пик натижага етганда бир қисм энергия сарфини қоплаш; талаб қилинадиган иссиқлик қувватини камайтириш ва бунинг натижасида иссиқлик энергияси манбаларига сарфланадиган капитални иқтисод қилиш.

Фазавий ўзгарувчан материаллардан иссиқлик аккумуляторлари сифатида фойдаланиш юқори самарадорлиги билан ажралиб туради ва икки –органик ва ноорганик турларга бўлинади. Анализ натижалари иссиқлик аккумуляторлари сифатида ёғли кислоталар, парафинлар, гидрат тузлар ва металл боғланмаларидан фойдаланиш истиболли эканлигини кўрсатади.

Қуйидаги жадвалда иссиқлик аккумуляторлари сифатида фойдаланилган баъзи материалларнинг 1 ГЖ энергияни аккумуляция қилишдаги параметрлари келтирилган.

№	Иссиқликакумуляторлари	Масса, кг	Ҳажм, м ³
1	Сув	23866	23,9
2	Парафин	4794	5,27
3	Глаубер тузи	3723	2,55

Фазавий ўзгарувчан материалларни маълум бир қурилма учун танлашда қатор талабларга жавоб бериши керак.

Адабиётлар:

1. Ж.С.Ахатов, А.С.Халимов, Э.Т.Жураев, Д.У. Туропова. Влияние динамической вентиляции на тепловой баланс солнечной теплицы с аккумулярованием тепла. Международная конференция «Фундаментальные и прикладные вопросы физики» 13-14 июня 2017г. ст.24-31.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАР:

ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Д. М.Жамолова,

ЎзФА Тарих институти

Ўзбек халқи миллий маънавиятининг ажралмас қисми ҳисобланган тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар халқимизнинг узок йиллик қадриятлари ва анъаналарини ўзида акс эттиради. Аммо ҳозирги кунда оилавий тадбирларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўйиш, ўзини кўз-кўз қилиш, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби иллатлар кўзга ташланмоқда. Бундай тадбирларни ўтказишда халқимиз дунёқараши ва миллий анъаналарига мутлақо ёт бўлган одатларнинг ўйлаб топилаётгани ва кириб келаётганлиги ачинарлидир. Бу каби одатлар халқимиз маънавияти ва турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан 100 йил олдинги тарихимизга назар ташласак, Бухоро амирлигида ҳам дабдабали тўйлар ва маросимларни тугатиш кун тартибиде турган муҳим ижтимоий вазифалардан бири бўлганлигига гувоҳ бўламиз. XX аср бошларида Бухоро амирлигида тўйлар ғоятда ҳашамдор бўлиб, одатда 7-8 кун давом этган, ҳар куни 6-7 хил овқат пиширилиб, таклиф қилинган меҳмонларга кетиш чоғида 800 граммдан 16 килограммгача қанд бериш ва чопон кийдириш одат тусига кирган. Бундан ташқари, никоҳ ва суннат тўйларида кўпқарилар ташкил қилинган.

Бу даврда оилавий маросимлардаги исрофгарчиликлар ва янги ўйлаб топилган одатлар нафақат Туркистон ва Бухоро жаҳидлари томонидан балки уламолар томонидан ҳам кескин танқид қилинди. Бухоро амирлигида юқори лавозимларда фаолият юритган муфти Домла Икромнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари фикримиз далилидир. Унинг *“Ийқозу-н-ноимийн ва иълуму-л-жоҳилийн”* (*“Уйқудагиларни уйғотиш ва жоҳилларга билдириш”*)¹ асарида оилавий маросимлардан тўй, “Биби Сешанба” ва аза маросимлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади².

Асарда кўтарилган яна бир муҳим масала **Хотинларнинг аза маросимлари** бўлиб, халқ томонидан “йигирма”, “қирк”, ва “йил”³ деб номланган. Бу одатларнинг махсус тартиблари бўлиб, уларни ҳеч ким ўзгартирмайди. Домла Икром бу расм-

¹ Бу асар халқ орасида “Дар баёни бидъаоти машхура” (“Машхур бидъатлар баёни”) номи билан танилади.

² Бу китоб 1912 йилда нашр қилинган бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида² сақланмоқда. Асар кириш, 2 боб ва хулосадан иборат бўлиб, биринчи боб “Одамлар орасида машхур бўлган, харом қилинган лаззатлар баёнида”; иккинчи боб эса “Замоннинг ўзгариши сабабли харом қилинган ишлар баёнида” деб номланади.

³ Инсон вафот қилгандан сўнг ўтказиладиган маросимлар ҳақида гап кетмоқда. Исломдан аввалги замонларга бориб тақаладиган бу хилдаги маросимлар – “қирк” инсон ўлганининг қирқинчи ёки ундан камроқ куни, “йигирма” эса йигирманчи ёки ундан камроқ куни, “йил” эса бир йилдан сўнг ёки ундан олдин ўтказиладиган маросимга айтилади. Бу маросимларни ўтказиш ҳозиргача туркий халқлар орасида жорий бўлиб келмоқда.

русмлар ислом динида мавжуд эмаслигини Қуръон оятлари орқали исботлаб, аёлларнинг бу ишларини қоралайди¹.

Иқтисодий чиқимлар ва исрофгарчиликдан иборат бўлган бу маросимлар ҳокимлар томонидан тўхталиши лозимлигини таъкидлаб, давлат лавозимларида хизмат қилувчи мансабдорлар бундай тadbирларни ўтказишда халққа шахсий намуна кўрсатишлари кераклигини уқтиради.

Хулоса қилиб айтганда, Муфти домла Икромнинг *“Ифоз ал ноимин ва эълom ал жоҳилин”* асари эса халқ орасида “Дар баёни бидъоти машхура” (“Машхур бидъатлар баёни”) номи билан танилди ва оилавий маросимларга кириб келаётган айрим янгиликларга чек қўйилди. Бухоро амири Олимхон серхаражат тўйлар оилаларни иқтисодий фалокат ёқасига олиб келишини англаган ҳолда, бундай тўйларни бартараф этиш бўйича қатъий талабларни ишлаб чиқди. Натижада тўй кунлари қискартирилди, бир хил овқат пишириш белгилаб қўйилди, чопон кийдиришлар кескин камайди, қанд таркатиш тўхтатилди ҳамда кўпкарилар ўтказилмай қўйилди.

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Жураева Нилуфар Элибаевна

**Тошкент вилояти Ангрэн шаҳри Педагогика ва хизмат кўрсатиш КХК
«Она тили ва адабиёти» фани ўқитувчиси.**

Тилшунослик инсон тилини ўрганадиган мустақил фандир. Бу фан тилнинг бошқа ҳодисалар ичида тутган ўрни, тузилиши ва тилнинг тараққий этиш қонуниятлари ҳақидаги, умуман тил ҳақидаги асосий тушунчаларни ўрганади. Талабаларни тилшунослик фанида қўлланиладиган атамалар, тушунчалар тизими билан таништиради. Бу курс умумий тилшуносликнинг дастлабки босқичи бўлиб, мураккаб тил ҳодисаларини тўғри тушунишга, маълум бир тил ҳамда қардош тил гуруҳларини бир-бирига таққослаб, маълум тил ҳодисаларини, луғат таркибини, фонетик тизими ва грамматик қурилишини илмий асосда чуқур ўрганиш учун назарий ҳамда амалий жиҳатдан замин яратиб беради. Тилшунослик асослари фанининг предмети бўлган тил ижтимоий ҳодиса бўлганлиги учун бу фан ҳам ижтимоий фанлар қаторига киради.

Тилшунослик фанининг предметини, тилнинг табиатини ва моҳиятини турлича тушуниш фан тараққиёти тарихида турли илмий мактаблар ва оқимларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Буларга натурализм, психологизм, логисизм, социологизм, “Ёш грамматикачилар” мактаби, структурализм кабиларни кўрсатиш мумкин.

Шунга кўра тилшунослик фанининг предмети тушунчаси тарихий ривожланиб турадиган категориядир. Масалан, Фердинанд де Соссюр гача бўлган тилшуносликда



¹ Мулла Икром. *“Ийқозу-н-ноимийн ва иълomu-л-жоҳилийн”*. – Б. 69.

нутқ аъзоларининг тузилиши, товушларнинг хусусиятлари, тафаккур, тилнинг ривожланиши масалалари атрофлича ўрганилган. Кейинчалик эса тилшуносликнинг социолингвистика, психолингвистика, этнолингвистика каби тармоқлари юзага келди. Тилшунослик фанининг асосий муаммоларидан бири тилнинг ушбу фан предмети сифатидаги таърифидир. Тилшунослик тарихида тилни турлича таърифлаш фаннинг предмети турлича тасаввур қилишга сабаб бўлган.

Швейцар олими Фердинанд де Соссюр тилнинг мураккаб ҳодиса эканлигини англаган ҳолда, янги, мукамал ва аниқ шаклланган умумий тилшунослик назариясини яратди. Унинг илмий ғояси тилнинг мураккаб, зиддиятларга бой, кўп томонлама ҳодиса эканлигига асосланади

Фердинанд де Соссюр фикрича, тил алоқа қуроли, фикрни ифодалайдиган воситадир.

Ҳозирги даврда тилшунослик фанининг ривожланиб бораётганлиги фаннинг доираси тобора кенгайиб, янгидан янги тармоқлари шаклланаётганида кўринади. Ва уч асосий тармоққа бўлинади: экстралингвистика, интралингвистика, компаративистика.



Экстралингвистика тилни ижимоий ҳодиса сифатида ўрганиб, социолингвистика ва менталингвистикани ўзида бирлаштиради. Социолингвистика тилнинг табиати ва ижтимоий вазифасини, менталингвистика тил ва тафаккур, тил мазмун томонининг нутқ фаолияти, матн ва нутқий вазият билан алоқасини ўрганади.

Интралингвистика тилнинг ички системасини, унинг бирликлари ва категорияларини, тил системаси ва структурасини ўрганади. Фонология, лексикология ва грамматика унинг асосий бўлимлари саналади.

Компаративистика қиёсий-тарихий тилшунослик сифатида ҳинд-европа тилларининг фонетикаси ва морфологиясини қиёсий ўрганиш асосида пайдо бўлди. Бу тармоқ қиёсий-тарихий тилшунослик, ареал лингвистика, типологияни ўз ичига олади.

Умуман олганда, тил кишилиқ жамиятининг маҳсули бўлиб, жамиятга хизмат қилади. Тилнинг ижтимоий табиати унинг айрим шахсда эмас, балки жамиятда мавжудлигини тақозо этади. Тилнинг тақдири жамият тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Инсоннинг бутун ҳаёти тил билан боғлиқ бўлиб, тил ёрдамида кишилар объектив борлиқни ўрганадилар ва ўзаро фикр алмашадилар. Тил жамият фаолиятининг барча соҳаларига ва жамият аъзоларининг ҳаммасига тенг хизмат қилади. Шунинг учун ҳам тил синфий характерга эга эмас. Шундай экан, глобал ахборот алмашинув даврида тилнинг софлигини таъминлаш, шу орқали уни қуролга айланишига йўл қўймаслик дунё ҳамжамятининг глобал муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Унинг ечими эса, фақатгина илм-билим орқали ҳал этилиши барчамизга сабоқ бўлмоғи лозим. Зеро, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва бу кунни байрам сифатида нишонлаш ҳам айнан фикримиз ифодасидир.

МИСРДА ЗАМОНАВИЙ МАТБУОТ ИШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ш.И.Икромов,

ЎзР ФА Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари
бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ

Мисрда замонавий матбуот иши XVIII асрдан бошланади. Миср матбуотига Наполеон Бонапарт асос солган дейиш мумкин, у мамлакатда ўз мустамлакачилик мақсадларини самарали амалга ошириш йўлида матбаа ишини йўлга қўйган. Наполеоннинг қарори билан 1798 йил 29 августда Joseph Fourier томонидан ташкил қилинган *Courrier de l'Égypte* газетаси Миср матбуот тарихидаги биринчи газета бўлди. Газетанинг олдида турган асосий вазифа Мисрда Француз имиджини мустаҳкамлаш ва мамлакатда Европа маданиятини тарғиб қилишдан иборат эди.

Орадан бир қанча фурсат ўтиб Мисрда миллий матбуотни шакллантириш ишлари бошланди. Муҳаммад Алининг ислохотлари ва модернизация сиёсати шароитида миллий матбуотни ташкил қилиш масаласи вужудга келган. 1828 йил Муҳаммад Алининг қарори билан араб тилида *Al-Waqā'i' al-Misriyya* (الوقائع المصرية) (Миср тўплами) газетаси чоп этилган. Газета ахборотнома шаклида бўлиб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим масалаларини ёритиб борган¹.

XIX аср охирига келиб Мисрда матбаа ишлари фаоллашиб кетди. Дунё ҳамжамиятига фаол тарзда интеграциялашувни бошлаётган Мисрда матбуот давлат ҳомийлиги остида жуда тез ривожлана бошлади. 1924 йилдан 1952 йилгача бўлган даврдаги ҳисоботларга кўра, Мисрда 237 та маҳаллий газеталар мавжуд бўлган. Уларнинг асосий қисми инглиз тилида бўлса-да, араб тилидаги газеталарнинг ҳам салмоғи катта эди. Улар орасида Мисрнинг рамзларидан бирига айланган, араб оламида энг нуфузли газета сифатида эътироф этиладиган Ал-Аҳрамнинг (الأهرام) ўрни каттадир.

Al-Ahram (Пирамида) Қоҳирада нашр қилинадиган кунлик газета узоқ йиллар давомида нуфузи энг юқори бўлган газета ҳисобланган. Мазкур газетача 1875 йилда Александрия шаҳрида Ливан христианларидан бўлган ака-ука Salīm va Bishārah Тақлалар асос солган. У дунё ҳақида мисрликларга ва мисрликлар ҳақида дунёга маълумотлар тарқатган. Кейинчалик у мамлакат сиёсий жараёнларига таъсир кўрсата олувчи сиёсий кучлардан бирига айланди.

Британия мустамлакаси даврида Миср матбуоти янада ривожлана бошлади. 1923-1939 йилларда мамлакатда матбуотнинг нуфузи ошди унинг сиёсий ҳаётидаги ўрни мустаҳкамланди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида у Яқин Шарқдаги ҳарбий ҳаракатларни ёритиб боровчи бош марказ вазифасини бажарди.² Бугунги кунга келиб Мисрда 500 га яқин босма нашрлар, 42 та миллий радиоккомпания ва 100 га яқин телекомпаниялар мавжуд ва улар нафақат Миср балки бутун араб дунёсида ўз ўрнига эгадир.

ИККИ ЎЛЧОВЛИ ЭВОЛЮЦИОН АЛГЕБРАЛАР ВА УЛАРНИНГ ИДЕМПОТЕНТЛАРИГА МОС ЭВОЛЮЦИОН АЛГЕБРАЛАРНИНГ ИЗОМОРФЛИГИ

А.Н.Имомкулов,

Математика институти

Эволюцион алгебралар ноассоциатив алгебраларнинг бир синфи бўлиб, ундаги кўпайтма амали бошқа алгебраларникидан кўра, умуман олганда, содда кўринишга эга. Бундай алгебраларда шундай базис мавжудки, бу базиснинг ҳар қандай икки бир

¹Ami Ayalon. The press in the arab middle east: a history. Oxford University Press. Oxford. 1995. P.244.

²Barrie Gunter, Roger Dickinson. News Media in the Arab World: A Study of 10 Arab and Muslim. Bloomsbury Publishing USA, 6 июн. 2013.

бирига тенг бўлмаган элементларининг кўпайтмаси нолга тенг. Демак, эволюцион алгебрага мос структуравий константалар матрицаси квадрат матрица бўлади.

Ихтиёрий эволюцион алгебра E нинг матрицаси (a_{ij}) бўлса, бу матрицага мос ночизикли (квадратик) оператор F қуйидагича қурилади:

$$F : x'_k = \sum_{i=1}^n a_{ik} x_i^2$$

Бу оператор ночизикли бўлгани сабабли унинг хоссаларини ўрганиш қийин. F операторнинг кўзгалмас нуқталари тўплами $Fix(F)$ бўлсин (равшанки, бу тўплам E нинг идемпотент элементлари тўплamidир). Бу тўпламнинг ҳар бир элементи $p = (p_1; p_2; \dots; p_n)$ учун якобиан $J_F(p)$ аниқланади [1] ва бу матрица ёрдамида эволюцион алгебра E_p қурилади. Демак, битта эволюцион алгебра E га бир нечта ($Fix(F)$ нинг элементлари сонича) эволюцион алгебралар мос қўйилади ва улар қандай ҳолларда берилган эволюцион алгебра билан изоморф бўлиш шартлари олинади. Қуйида битта хусусий ҳолатни келтириб ўтамыз:

$n = 2$ ва $a_{21} = 0$ (қолган структурал константалар нолдан фарқли) бўлсин. Бу ҳолатда F операторнинг кўзгалмас нуқталари $(0;0), \left(0; \frac{1}{a_{22}}\right), \left(\frac{1}{a_{11}}; \frac{a_{11} + \sqrt{a_{11}^2 - 4a_{22}a_{12}}}{2a_{11}a_{22}}\right)$ ва $\left(\frac{1}{a_{11}}; \frac{a_{11} - \sqrt{a_{11}^2 - 4a_{22}a_{12}}}{2a_{11}a_{22}}\right)$ бўлади.

Бу кўзгалмас нуқталарга мос қурилган эволюцион алгебраларни мос равишда E_0, E_1, E_2, E_3 деб белгилаймиз.

Теорема. $a_{21} = 0$ ва $p = (p_1; p_2) \in Fix(F)$ бўлсин. У ҳолда E эволюцион алгебра

i) E_1 эволюцион алгебрага изоморф эмас

ii) E_2 ва E_3 эволюцион алгебраларга изоморф бўлиши учун $\left(\frac{p_1}{p_2}\right)^2 = \left(\frac{a_{22}}{a_{11}}\right)^3$

шартни қаноатлантириши зарур ва етарли. Қолган ҳолатлар учун ҳам юқоридагига ўхшаш шартлар топилган.

Адабиётлар:

U. A. Rozikov, M. V. Velasco, “A discrete-time dynamical system and an evolution algebra of mosquito population”, arXiv:1803.01503v1.

ТАРИХ ДАРСЛАРИДА «САНАЛАРНИ ТАҚҚОСЛАШ» ҲАМ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ ҲАММАНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

А.Ф.Исмаилов,

ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислохотларнинг моҳияти ва натижаларини, миллий, ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш, демократик, фуқаролик жамият қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнларини ва ёшларда илмий дунёқарашни, сиёсий маданиятни тарбиялашда, жамиятда ўз ўрнини тўғри белгилашга Ўзбекистон тарихи кўмаклашади. Бу эса тарих фанини ўқитишга замонавий ёндашув асосида шакллантирилади.

Бу масалага, 2016 йил 7 декабр куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24

йиллигига бағишланган тадбирда сўзлаган нутқида ёшлар тарбиясига алоҳида тўхталиб, унда «Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига кулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой тарихига таянамиз»¹ –деб ёшларга эътиборни кучайтиришга қаратилган даъватларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз фуқаролари, айниқса, ёшларининг тарихий хотирани тиклаш борасида олиб бораётган ишлари ҳар қандай таҳсинга сазовор. Таълим муассасаларида ўқитиладиган «Ўзбекистон тарихи» фани тарих таълимининг хронология ва моҳият нуқтаи назаридан мураккаб масалаларини ўзида акс эттирганлиги сабабли ўқувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштирилиши ҳамма вақт ҳам осон кечмайди. Ҳозирги кунда ўқувчининг дарсни ўзлаштириш даражасига у билан мустақил фикрлашини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Мустақил фикрлашни шакллантиришга оид машғулот жараёнида «ўқитувчи ўз дарсида ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилувчи усуллардан фойдаланиб шундай шарт-шароитларни таркиб топтириши лозимки, натижада ўқувчи учун дастлаб нейтрал бўлган объект қутилмаганда субъектив хусусият касб этсин»². Албатта, «...барча ўқув фанлари ўқитувчилари матн устида ишлаш фаолияти усуллари ва стратегиясини эгаллаган бўлишлари керак. Ўқув фанини ўқитиш хилма-хил ўқув материали, ранг-баранг ва турли-туман жанрдаги матнлар орқали ўқиш ва ёзув стратегиясига ўргатишни ўз ичига олиши лозимки, бу нарса ўқув-билув, ижодий (креатив), танқидий ва коммуникатив фаолиятни фаоллаштиради ва шу билан бирга таълим жараёнининг бир бутунлигини таъминлайди»³.

Ўқитувчининг дарсни қандай ташкил этиши «ўқувчининг мустақил фикрлай олишга бўлган эҳтиёжидан, яъни таълим жараёнида янги вазиятни вужудга келтира олиш қобилияти, масалан, топшириқни олиш ҳамда уни ечишга йўл топишида намоён бўлади»⁴. Ўқув материали мазмуни аввал ўқитувчи томонидан ижодий қайта ишланади ва ўқувчини қизиқтирадиган, унинг шахсий тажрибасига мос келадиган, уни фикрлашга ундайдиган жиҳатлар белгиланади. «Бир қарашда зерикарли туюлувчи математик ёки географик маълумотлар агар ўқувчи шахсига бевосита тааллуқли бўлса, унинг ҳаётий ва шахсий тажрибаларига мувофиқ келса, у ҳолда аҳамиятли хусусият касб этади. Ушбу ҳолатда ўқув вазиятлари шахс учун аҳамиятли вазиятга, ўқув ахборотлари ўқувчи учун муҳим ҳодисага айланади. Ўқувчи ўзини ушбу ҳодисанинг ижодкори деб ҳисоблай бошлайди»⁵.

Маълумки, тарих дарсларининг асосий мазмуни саналарда ифодаланади, яъни саналар ҳар қандай воқеани, хронологик кетма-кетликни аниқлашда, таққослаш ва солиштириш билан ўрганишда асосий ўрин тутаяди. Ҳозирги кунда тарих дарсларида ўқувчиларнинг кўпчилиги саналарни эслаб қолиш билан боғлиқ муаммони ўртага ташлайди. Бу ҳолат ўқувчининг тўлалигича мустақил фикрлашига тўсқинлик қилмоқда. Тарихий саналарни махсус жадвалли ўйинлар асосида ташкил этиш ўқувчиларда эслаб қолиш ва мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиради. Шундай экан ҳозирги замон таълими, биздан саналар устида ҳам алоҳида ўйинлар асосида иш юритишни талаб қилмоқда.

¹ «Маърифат», 2016 йил 8 декабр, № 98.4-бет.

² Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Тошкент, 2006. 100-б.

³ Сметанникова Н.Н. Учиться читать, чтобы учиться, читая // Приложение №2 // Дети и библиотеки в меняющейся медиасреде: Приложение к журналу «Школьная библиотека». Серия 1. Вып. 3-4. Москва, 2004. С. 316-318.

⁴ Мулладжанова Р. «Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатлари тарихини ўқитишнинг методик асослари (XIX асрнинг II ярми – XX асрнинг бошлари). Диссертация иши. 46-б.

⁵ Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Тошкент, 2006. 100-б.

Тарих дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда замон руҳига мос ўйин усулларини татбиқ этиш яхши самара беради.

Ўйин технологияси намуна асосида амалга оширилади. Дарс жараёнида ўқувчиларга «Ким тез ва аниқ бажарди?» каби савол билан биргаликда уларни рағбатлантириш кераклиги таъкидлаб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман олганда тарих дарсларининг шу йўсинда ташкил этилиши, ўқувчиларда кўникма ва малака ҳосил қилиш, тарихимизни холис ва ҳаққоний ўргатиш, тарихимизга бўлган ҳурмат ҳиссини кучайтириш, танқидий ва мустақил фикрлаш, маълумотларни таққослаш ва умумийлаштира олиш имкониятини шакллантиради.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ М.Ё.Исроилов

Соҳибқирон Амир Темур буюк давлат арбоби, бунёдкор шахс, илм-фан ҳомийси ва буюк саркарда бўлган. У жуда катта ҳудудни ўз ичига олган давлатни идора этишда кучли ва кўп сонли кўшинга таянади. Соҳибқирон ўз қўл остига бирлаштирган мамлакатларда адолат ўрнатишга, адолатли бошқарув асосида ўша давр қонунларини жорий қилишга, шариат асосида фаровон ҳаётни қарор топтиришга интилди.

Шу боис Соҳибқирон Амир Темур “Темур тузуклар” асарида қудратли давлат қуриш, миллатни бирлаштириш ва халқ фаровонлигини таъминлаш учун қуйидаги қоидаларга амал қилди: “Салтанатим ишларини мурса-ю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка олардим. Дўсту душман билан мурса-ю мадора қилдим”. У ўз давлатининг асосларини таъминлашда янги усуллар ва йўл йўриқлардан фойдаланди ва давлатнинг мустаҳкам асосини яратиш учун жамият ривожини ва барча ижтимоий табақалар манфаатларини ҳисобга олиш кераклигини тушуниб етган эди. Унинг тарихдаги хизмати яна шундан иборатки, у давлатчиликнинг бошқарув тизими, ички ва ташқи сиёсатнинг тартиб-қоидалари, ҳуқуқий асосларини янги тарихий шароитда мукамал даражада такомиллаштирди. Давлат бошқарувининг Амир Темур даврида тубдан ислоҳ қилиниши 27 давлатни бирлаштирган, кучли марказлашган буюк давлатга асос солишда муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда дунё давлатлари демократиянинг асосий принциплари деб тан олган: қонунийлик, ошкоралик, тенглик, ижтимоий адолат принципларига Амир Темур даврида тўла тўқис амал қилинган. Бундан шундай хулоса чиқадики, биз бугунда аجدодларимиз орзу қилган демократик анъаналарга содиқ қолган ҳолда, Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган барча қоидаларни устувор деб билган ҳолда, аجدодларимизнинг давлат бошқарувидаги тажрибаларидан унумли фойдаланган ҳолда демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик давлати бунёд қилмоқдамиз. Мустақиллик шарофати билан ҳозирда давлат бошқаруви ва миллий қонунчилигимизда Соҳибқирон Амир Темур даври тажрибаларидан унумли фойдаланмоқдамиз. Бугунги глобаллашув жараёнида Ватанимиз тараққиёти учун аجدодларимиз қолдирган бой меросларни чуқур, қунт билан ўрганиш лозимлигини кўрсатмоқда. Аждодларимизнинг тажрибасига таяниш, тарихдан тегишли хулоса чиқариш ва ҳаққоний ва холисона ёритилган тарихимизни келажак авлодга етказиш биз ёшларнинг олдидаги муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз.

О СОЗДАНИИ КАТАЛОГА НА ОСНОВЕ ОБРАБОТКИ ОЦИФРОВАННЫХ АСТРОПЛАСТИНОК АСТРОНОМИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА АН РУЗ

К.Йулдошев,

М.н.с. Астрономического института Ан РУз

В рамках выполнения данной работы получен каталог экваториальных координат α , δ (эпоха 1984.97 г.) и B -величин 13 413 268 звезд и галактик для Китабской части программы ФОН [1]. Идея программы "Фотографический обзор неба" (ФОН), как инициатива Главной астрономической обсерватории Национальной Академии Наук Украины (МАО НАСУ, Киев) была реализована в обсерваториях бывшего Советского Союза, таких как Голосеево, Звенигород, Душанбе, Абастумани, Зеленчук и Китаб на однотипных астрографах (с диаметром объектива 40 см и фокусным расстоянием 200 см или 300 см) производства фирмы «Карл Цейсс» [2]. Пластинки экспонированы на двух трубах телескопа ДАЦ (Двойной астрограф Цейса, $D/F=40/300$, $69''/mm$) на астрономической станции в Китабе Республики Узбекистан. Оцифровка астронегативов осуществлялась с помощью сканера Epson Expression 10000XL.

Версия каталога создана на основании обработки оцифрованных астронегативов при нормальном сканировании пластинок. Каталог включает 13 413 268 звезд и галактик до $B \leq 17.5^m$ (фотографические величины в системе Джонсона) на эпоху 1984.97 г. Каталог получен из обработки 1963 сканов пластинок размером 30x30 см или 13000x13000 пкл. При создании каталога сделано следующее: Для отдельных зон, высотой $\pm 2^\circ$ от центра, реализован принцип перекрытия по склонению δ , а в пределах зон перекрытие выполнено со смещением центров относительно друг друга примерно на $4^\circ/\cos\delta$ по прямому восхождению α . Центры зон отстоят друг от друга по δ на 2° , и количество пластинок для обработанных зон следующее: зона 0° – 179, зона -2° – 174, зона -4° – 234, зона -6° – 228, зона -8° – 240, зона -10° – 180, зона -12° – 182, зона -14° – 201, зона -16° – 177, зона -18° – 168. После процедур взаимных отождествлений, среднее количество измерений звезд и галактик равно $l=4.4$, и в каталог также зачислены дополнительно 1 257 569 звезды и галактики (9.38% от общего количества), для которых сделано по одному измерению.

Внутренняя точность каталога для всех объектов составляет $\sigma_{\alpha\delta}=\pm 0.23''$ и $\sigma_B=\pm 0.15^m$ (для звезд в интервале 5^m - 14^m ошибки равны $\sigma_{\alpha\delta}=\pm 0.085''$ и $\sigma_B=\pm 0.054^m$) для экваториальных координат и звездных B -величин соответственно. Сходимость между вычисленными нами и опорными положениями составляет $\sigma_{\alpha\delta}=\pm 0.042''$, а сходимость с фотоэлектрическими звездными B -величинами равна $\sigma_B=\pm 0.16^m$. Ошибки координат по отношению к каталогу UCAC-4 равны $\sigma_{\alpha\delta}=\pm 0.26''$ (отождествилось 9 892 697 или 73.75% звезд и галактик).

Литература:

1. Пакуляк. Л.К., Андрук В.М., и др. - FON: from Start to Finish // Odessa Astron. Publ., -2016. -29, N1. -P. 132
2. Кольчинский И.Г., Онегина А.Б. План фотографирования неба на широкоугольных астрографах // Астрон. И Астрофиз., -1977. N33, Ст.11-16

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА БОЛАЛАРГА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ ЙЎЛЛАРИ

М.И.Йўлдошева,

Жаҳон тиллари университети

Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом, билимли ва зукко қилиб тарбиялаш мақсадида мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Мактабгача таълим муассасалари Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасаларининг тури бўлиб, турли йўналишдаги мактабгача бўлган даврдаги умумтаълим дастурларини амалга оширади. Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнингбирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотларнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди. Мактабгача таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнини юқори савияда ташкил этиш, тарбияланувчи болаларга таълимнинг кейинг босқичларида қийналмасдан муваффақиятга эришишларида имконият яратади. Таълим самарадорлигини ошириш учун, инглиз тилига ижобий муносабатни рағбатлантириш учун турли-туман таълим воситаларидан фойдаланиш керак. Бу воситалар ичида педагогис технологиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган дидактик ўйинлар муҳим ўрин тутади. Инглиз тили дарсларида ўрганилаётган мавзу мазмунига мослаб талқин этиладиган дидактик ўйинлар болаларни мустақил фикрлашга ундайди, уларда тил ўрганишга нисбатан қизиқишни уйғотади. Ўқишга нисбатан қизиқиш эса билимларни пухта ўзлаштириш гаровидир. Инглиз тилини ўргатиш мазмуни мактабгача таълим муассасаларида жуда қисқа ва осон сўзлардан, жумлалардан бошланади. Мазмунни тушунишни ўргатиш содда, қулай, ва зарур кўрғазмалилик асосида олиб борилади. Мана шу йўл билан болаларнинг сўз бойлиги кенгайиб, чуқурлашиб ва ўсиб бориши таъминланади. Ҳозирда болаларга инглиз тилини ўргатишда чет эл услубий қўлланмаларидан, китоблар ва компьютер дастурларидан фойдаланилмоқда. Бу эса миллий маданиятимизни сусайишига олиб келади. Шунини инобатга олган ҳолда, мактабгача таълим муассасаларидаёқ болаларга инглиз тилини ўргатишда миллийликни уйғунлаштириб дарс машғулотларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Болаларда инглиз тилига кучли қизиқиш уйғотиш мақсадида, турли кўнгилочар ўйинлар, қизиқарли топишмоқлар, шеърлар, кўшиқлар ва айтилган шеърлар болалар хотирасига сингиб, инглиз тилида сўзлашиш кўникмасини шакллантириб, лексик ва фонетик жиҳатдан мустаҳкамланади. Бошқа кўпгина ўқув фанлари қатори, инглиз тили фанини ўқитишда компьютер технологияси воситасидан фойдаланишга эҳтиёж сезилади. Республикамизда инглиз тили фанини ўқитишда компьютер технологияси воситасидан фойдаланиш болаларнинг инглиз тилида билим самарадорлигини янада оширишда ёрдам берибгина қолмай, уларга компьютерни чуқур ўзлаштиришга ҳам кўмаклашади. Бундан ташқари, инглиз тилида ишланган видео такдимотлар орқали болалар инглиз миллатининг маданияти билан яқиндан танишишга муяссар бўлишади. Шунингдек, мамлакатимиз боғчалари болаларига ўқув дастурини компьютер технологиялари асосида яратиш ўқув машғулотини янада самарали натижаларга эришишга кўмак бўлади. Бунда биз миллий эртақларимиз қахрамонларидан (Насриддин Афанди, Зумрад ва Қиммат ва б.ш.к) фойдаланиб инглиз тилида замонавий дидактик ўйин дастурларини ташкиллаштиришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишни дидактик лойиҳалаштириш катта муаммо бўлиб, уни ўрганиш ва тадбиқ қилиш лозим. Чунки ёшлар учун мўлжалланган инглиз тили машғулотлари болаларда ўрганилаётган тилга нисбатан қизиқиш уйғотиши ҳамда ўша тилде мулоқот қилишга чорлаши лозим.

Адабиётлар:

1. Воҳидов М. Болалар психалогияси. –Т. 366-бет.
2. Палмер Х. Ссиентифис студий анд теачинг оф лангуагес. –Лондон.243-п
3. Зиё.нет сайти
4. Имяминова Ш.С, Камалова Ш.А. Чет тили машғулотларида луғатлар билан ишлаш ва талабаларнинг сўз бойлигини ошириш. –Т. 66-бет.

ИССЛЕДОВАНИЕ КРУПНОМАСШТАБНОГО МАГНИТНОГО ПОЛЯ СОЛНЕЧНОЙ КОРОНЫ С ПОМОЩЬЮ НОВОГО МЕТОДА

Н.Карачик,

Астрономический институт АН РУз

Состояние и динамика корональных процессов непосредственно влияют и определяют наиболее важные параметры космической погоды, которая может потенциально воздействовать на человеческие технологии в космосе и на Земле, включая работу спутников, телекоммуникации, навигационных сетей GPS и электрических сетей, биологические системы и наш климат [1]. Магнитное поле с его динамикой и структурой отвечает за все солнечные явления, определяющие гелиосферную среду, в частности условия солнечного ветра, открытый магнитный поток и модуляцию потока космических лучей. Однако, корональные магнитные поля трудно измерить непосредственно из-за очень низкой плотности и, следовательно, потока малых фотонов из короны. Существующие методы измерения коронального магнитного поля основаны на инфракрасных, радио- или микроволновых наблюдениях или магнитостатических экстраполяциях. К сожалению, эти методы имеют ряд ограничений, например, их можно применять только к сильным магнитным полям над солнечными пятнами или они имеют низкое временное и пространственное разрешение и неоднозначность [2].

Мы предлагаем исследовать альтернативный метод для картирования крупномасштабного магнитного поля солнечной короны с использованием ориентации корональных ярких точек. Longcope и коллеги [3,4] разработали модель, которая прогнозирует морфологические аспекты ярких точек, таких как кажущийся угол между осями петли яркой точки и магнитным биполем. Процесс магнитного пересоединения «регулируется» крупномасштабными магнитными полями, и, следовательно, ориентация корональных ярких точек должна зависеть от ориентации крупномасштабного поля.

Для этой работы используются данные с приборов на борту Обсерватории Солнечной динамики (SDO): AIA (Atmospheric Imaging Assembly) и HMI (Helioseismic and Magnetic Imager), а именно, изображения с каналов 19.3, 30.4 и 17.1 нм, и магнитограммы, сделанные с частотой 12 секунд. Размер снимков 4096 на 4096 пикселей, с разрешением 0,6 угловых секунд на пиксель, что обеспечивает достаточную точность для заявленных целей. Для анализа данных используется интерактивный язык данных (IDL).

Литература:

1. Schrijver, C. J., Kauristie, K., Aylward, A. D., et al. 2015, *Advances in Space Research*, 55, 2745.
2. Nakariakov, V. M., & Ofman, L. 2001, *A & A*, 372, L53.
3. Longcope, D. W. 1998, *Astrophys. J.*, 507, 433.
4. Longcope, D. W., Kankelborg, C. C., Nelson, J. L., & Pevtsov, A. A. 2001, *Astrophys. J.*, 553, 429.

УНИКАЛЬНЫЙ АРХИВ СОЛНЕЧНЫХ ДАННЫХ АСТРОНОМИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ЕГО НАУЧНЫЙ ПОТЕНЦИАЛ

**Н.Карачик, Н.Бердалиева,
Астрономический институт АН РУз**

Зарисовка и подсчет солнечных пятен представляют собой самый длительный научный эксперимент, охватывающий более 400 лет, который все еще продолжается. Ряды чисел солнечных пятен играют важную роль в таких областях современной науки как астрофизика, физика Солнца и геонауки. Индексы солнечной активности, в частности, используют для изучения солнечного динамо, космической погоды и изменения климата. В настоящее время международными группами ученых проводится большая работа по перекалибровке наблюдательных данных по числам солнечных пятен и их групп, охватывающих период с начала XVII века и до наших дней [1, 2]. В этой работе ведущую роль играют восстановление и анализ исторических записей и зарисовок, которые важны для воссоздания уровня активности Солнца в прошлом. Астрономический институт АН РУз обладает уникальным архивом наблюдений Солнца, охватывающих период более 100 лет, а именно с 1884 по 2004 гг.

Основными организациями, взявшими на себя важную миссию по восстановлению исторических солнечных данных, являются Исторический архив наблюдений солнечных пятен (Historical Archive of Sunspot Observations - HASO) и подразделение Всемирного центра данных по индексу солнечных пятен и длительным солнечным наблюдениям (Sunspot Index and Long-term Solar Observations – WDC SILSO). Представители данных организаций уже проявили интерес к историческим наблюдательным данным Астрономического института АН РУз и отметили их важность. Следует отметить, что результаты самых ранних и самых редких наблюдений, имеющихся в Астрономическом институте почти не нашли отражения в печати – они сохранились главным образом в виде архивных материалов [3].

В настоящее время в Астрономическом институте планируется создать электронный архив исторических наблюдений Солнца, которые в дальнейшем будут использоваться для изучения долгопериодических вариаций солнечной активности, периодов вращения и пространственной асимметрии солнечных пятен, а также сравнительного анализ с международными индексами солнечной активности.

Литература:

4. Clette F., Lefèvre L., Cagnotti M., Cortesi S., Bulling A. The Revised Brussels-Locarno Sunspot Number (1981 - 2015) // Solar Physics, 2016, Volume 291, Issue 9-10, pp. 2733-2761.
5. Svalgaard L., Schatten K.H. Reconstruction of the Sunspot Group Number: The Backbone Method // Solar Physics 291, 2016, pp. 2653-2684.
6. Slonim Y.M. Investigations of the sun // Astronomical Institute of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR - 100 years, 1974, pp. 88-112.

РАСЧЕТ ВАРИАЦИЙ ВРЕМЕНИ ЗАТМЕНИЙ 4-Х ТРАНЗИТОВ ЭКЗОПЛАНЕТЫ QATAR-1 B

**Р.Каримов, Т.Бойкобилов, О.Бурханов,
Астрономический институт АН РУз**

Экзопланета Qatar-1 b - газовый гигант, по размерам и массе схожий с Юпитером. Была найдена транзитным методом в 2010 г группой исследователей проекта Алсубаи [1].

Фотометрические наблюдения объекта проводились на телескопе Цейс-600 Майданакской обсерватории в октябре и декабре 2017 г. Было получено 318 изображений в R полосе 4-х полных затмений. Обработка измерений проводилась с использованием стандартных пакетов программы редукции ПЗС изображений IRAF [2]. Анализ кривых блеска и расчет параметров экзопланетной системы проводился с использованием пакета TAP [3], в котором используется модель со сферически симметричными звездой и планетой. Результаты расчета параметров системы показали разброс значений, который можно объяснить наличием небольших увеличений блеска на самих кривых 3-х последних транзитов. Что может быть вызвано фотосферной активностью родительской звезды [4] или следствием влияния нестабильной земной атмосферы. В связи с этим основные параметры системы при расчете времени затмений были зафиксированы согласно значениям, полученным при первом транзите, как наиболее согласующихся в пределах ошибок со значениями каталога параметров экзопланет [5]. Результаты расчета параметров системы и вариаций времени транзитов представлены в таблице 1.

Таблица 1. Рассчитанные параметры.

Дата	i	a/R*	R _p /R*	T ₀ (HJD)	O-C (дни)
09.10.2017	83.536	6.06	0.167	2458036.114	0.0012
26.10.2017	84.250	6.261	0.187	2458053.154	0.0000
09.12.2017	84.572	6.283	0.189	2458097.175	0.0001
19.12.2017	84.376	6.628	0.176	2458107.115	0.0011

K.A.Alsubai et al. Qatar-1b: a hot Jupiter orbiting a metal-rich K dwarf star// MNRAS, 2010.

<http://iraf.noao.edu/iraf/ftp/iraf/docs/ccduser3.ps.Z>,
<http://iraf.noao.edu/iraf/ftp/iraf/docs/apuser.ps.Z>

J. Zachary Gazak, et al: Transit Analysis Package: An IDL Graphical User Interface for Exoplanet Transit Photometry// Hindawi Publishing Corporation, Advances in Astronomy, 2012

D. Mislis et al. High-precision multi-band time-series photometry of exoplanets Qatar-1 b and TrES-5 b// MNRAS, 2015

www.exoplanets.org, www.exoplanet.eu

БРОНЗА ДАВРИ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДИНИНГ ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

Д.О.Каримова,

ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи

Жарқўтон ўзбек давлатчилиги тарихидаги энг қадимги моддий маданият объекти бўлиб, у турмуш-тарзи ва маданияти ўтроқ бўлган аждоғларимиздан қолган ёдгорликдир. Жарқўтондан топилган ашъвий далиллар уни мил.авв. II минг йилликнинг ўрталарига тааллуқли эканлигини тасдиқлайди. Шу даврга оид ўнлаб ёдгорликлар бутун Сурхондарё бўйлаб ва Тожикистоннинг унга туташ худудларидан топиб ўрганилган. Улар орасида майдони ва ички топографик таркиби жиҳатидан шаҳар талабига жавоб бериши мумкин бўлган ёдгорлик Жарқўтон бўлиб, у ўз даврининг нафақат йирик шаҳри, балки Шимолий Бактрия худудида биринчи бор ташкил топган илк давлат – Қадимги Бактрия подшолигининг бош шаҳри бўлган, бўлиши ҳам

мумкин¹. Жарқўтон ёдгорлигида кўп йиллар илмий изланишлар олиб борган А.Асқаров Жарқўтон Қадимги Шарқ цивилизациясига хос илк деҳқончилик маданияти ёдгорлиги, илк шаҳар деб изоҳ берган бўлса², ёдгорликда олиб борилган кейинги тадқиқот ишлари натижасида Т.Ш.Ширинов Жарқўтонни илк шаҳар³ эканлигини янада кенгроқ кўламда изоҳлаб кўрсатади.

Жарқўтоннинг энг баланд жойи 6-тепалик бўлиб, бу тепалик ёдгорликнинг марказий қисмида жойлашган. А.Асқаров ва унинг шогирдлари томонидан ушбу тепаликда ибодатхонанинг очиб ўрганилиши юртимиз тарихини, халқ эътиқодини ўрганишда, шу жумладан шаҳарсозлик ва давлатчилик тарихимизни ёритишда кўплаб янгиликларни кўлга киритиш имконини берди.

Жарқўтон ибодатхонаси мажмуасида тадқиқотчилар томонидан жами тўртта қурилиш даври кузатилган бўлиб, унинг энг қуйи қатлами юқорида айтиб ўтилган “оқ сарой” ҳисобланади. Ибодатхонанинг қолган юқоридаги учта қурилиш даври А.Асқаров ва Т.Шириновлар⁴ томонидан ўрганилган. Ш.Шайдуллаев ўз тадқиқотларида Жарқўтон шаҳар-давлатининг асосий бошқаруви “Жарқўтон олов ибодатхонаси” дир⁵, деб эътироф этади. Бизнингча ҳам 6 – тепаликда жойлашган ушбу маҳобатли иншоот илк Жарқўтон босқичида дастлаб, “оқсарой” мавқеидаги қалъа, сўнг унинг қайта қурилишидан кейин бош оташкада жойлашган ибодатхона вазифасини ўтаган. У иншоотни археологлар изоҳлар экан, унда 7x7 метрли шохона сарой, унинг атрофи йўлаксимон хоналар билан ўраб олингани, улар оқ гипс билан сувалишидан ташқари, сарой деворлари пештокига от тасвири ифодаланган терракот ҳайкалчаларнинг ёпиштирилиши саройларга хос безак усули эканлигини таъкидлайдилар. Бу белгилар эса, Жарқўтон ибодатхонаси ўрнида ибодатхона қурилишидан аввал, яъни Жарқўтон босқичининг сўнгги фазасигача жамият бошқарув маҳкамасига ўхшаш махсус марказ бўлганлигини тасдиқлайди. Кейинги даврларда (Кўзали, Мўлали) динга эътибор, диннинг илк марказлашув жараёнлари бошланган даврларда, жамият бошқаруви тепасида турган шахслар диний раҳнамоликни ҳам ўз кўл остига олган бўлишлари табиий ҳолдир. Шу сабабли, бу жой кейинги босқичларда жамият аъзоларини эътиқод орқали бир жойга тўпловчи масканга, аниқ режали ибодатхонага айланган. Тарихдан маълумки, бу даврларда зардуштий мубодларининг жамиятдаги мавқеи анча юқори бўлган. Ибодатхона инсонларнинг ишонч, эътиқод масканига айланган ва муқаддас саждагоҳ сифатида улуғланиб, бу ерда турли хил диний маросимлар ўтказилган. Зардуштийликнинг энг муқаддас тимсоли олов – бронза даврдан эътиборан илк шаҳар-давлатнинг диний бошқаруви қоҳинлар кўлида бўлганлигини ва улар илк шаҳар-давлатнинг маънавий-илоҳий ҳукмдори эканлигини англатган. Ибодатхона инсонлар учун муқаддас масканга айлангач, унинг тасарруфида унумдор ерлар кўпайиб, уларни бошқариш ҳам қоҳинларнинг назорати остида бўлган.

Шулардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкин-ки, археологик ёдгорликлар ва уларнинг тарихий таҳлилига кўра, Шимолий Бактрия жумладан ўзбек давлатчилигининг тарихий илдизлари бронза даврига бориб тақалади. Айнан шу даврдан бошлаб, мулкчиликдан ерга ва чорвага эгалик қилишликнинг хусусий шакли пайдо бўлади. Ерга эгалик қилиш, жуфт оилаларнинг пайдо бўлиши ва уларни катта патриархал оила даражасига ўсиб чиқишидан бошланади. Давлатчиликнинг дастлабки, илк куртаклари патриархал оилалардан бошланиб, уларни мужассамлаштирган қишлоқ жамоалари – вислар даражасидаги кўриниши илк давлатчиликнинг тарихий

¹ Асқаров А. Тарихимизнинг уч муаммоси ва уларнинг ечими ҳақида янгича мулоҳазалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – № 5, – Тошкент, 2000. – Б. 24-28.

² Асқаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Т., Фан, 1977.; Энг қадимги шаҳар. Тошкент. “Маънавият”. 2001. – Б. 3-22.

³ Ширинов Т. Ранняя городская культура автореф. дис... д-ра. ист. наук.

⁴ Асқаров А., Ширинов Т. Ранняя городская культура ... – С. 63.

⁵ Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ... Т.ф.д. дис.... автореф. – Самарқанд, 2009. – С. 23.

илдизларини ташкил этади. Вислар илк давлатчилик куртаги ҳисобланса, “Авесто” жамиятининг занту босқичида вислардан ташкил топган илк шаҳар шаҳар – давлатчилигининг асосини ташкил этган. Шаҳар – давлат амалда бир неча микровоҳа доирасидаги висларни диний ва сиёсий жиҳатдан бирлаштирган “воҳа давлатчилиги” нинг бош шаҳри, сиёсий ва диний қароргоҳидир. Шундай экан, Жарқўтон нафақат шаҳар – давлат, балки Сурхон-Шеробод воҳаси доирасидаги воҳа илк давлатчилигининг диний бошқарув маркази ҳамдир.

ХИТИН И ХИТОЗАН ЦИСТ АРТЕМИИ АРАЛЬСКОГО МОРЯ
Б.П.Карлыбаева., Г.Е.Бердимбетова,
Каракалпакский научно-исследовательский институт естественных наук
Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан

В настоящее время Аральское море стало одним из крупнейших в мире гиперсоленых водоемов. Это явилось причиной появления в нем с конца 20 века и размножения типичного обитателя гипергалинных водоемов жаброногого рачка *Artemia parthenogenetica* [1]. Принимая во внимание значительный размер и продолжающееся повышение минерализации воды, в обедневшем планктонном сообществе для артемии складываются благоприятные условия для выживания и есть все основания предполагать, что Арал может стать весьма значительным ресурсом цист артемии.

Цисты рачка артемии являются коммерчески ценным продуктом, используемым для нужд мировой аквакультуры и обладают неограниченными экспортными возможностями. По первоначальным и возможно не самым точным оценкам запасов цист Артемии на Аральском море сбор может достигать 10,000 т. в год. Ценной особенностью яиц (цист) артемии является высокое содержание протеина (до 72,9%), достаточное количество аминокислот (незаменимые аминокислоты: лейцин-19,5 г/кг; лизин-37,6-50,1; валин-20,2; фенилаланин-17,9; метионин-15,2-16,7; гистидин-25,6; триптофан-1,2-4,07; треонин-14,3; изолейцин-17,1). Яйца имеют высокое содержание витаминов: каротиноиды-73,63 мг/кг; витамин В1-13,6 мг/кг; В3-43,97 мг/кг; В5-97,77 мг/кг; В6-17,0 мг/кг; В7-3,13 мг/кг; В12-31,4 мг/кг, макро- и микроэлементов, в том числе кобальта, йода, цинка, марганца, меди. Согласно нашим результатам основные параметры цист Артемии Аральского моря в среднем соответствуют: В 1 г. абсолютно сухой массы содержится 220-230 тыс. яиц (цист); пустые оболочки -14%, полные цисты – 80%, вылупляемость – 74%, размер цист – 235,5мкм; Белки -64 – 76%; Жиры – 2,5-5,23%; Хитин -7,05-9,44%; Хитозан – 3,95- 5,41%; Зола – 12,8%; Са – 0,45%; Р – 2,52%.

Нашей целью являлось изучение цист артемии как сырьевого источника для получения хитина и хитозана. Количественные выходы хитина в среднем составили 7,22% и хитозана 5,41%. Эти результаты позволяют нам использовать цисты Артемии Аральского моря как сырьевого источника для получения хитина и хитозана [2,3].

Литературы:

1. Жолдасова И.М., Казахбав С., Ельбаева М.К., Ембергенова У.С., Любимова С.К., Мирабдуллаев И.М., «Обнаружение артемии в открытой части Аральского моря». // Доклады АН РУз. 2000. №12. с.48-50.

2. Шиповская А.Б., Методы выделения и физико-химические свойства природных полисахаридов: Учебно-методич. пособие. - Саратов: Саратовск. госуниверситет, 2015.- 64.с.:ил.

3. Кубенко Е.Г., Разработка технологии получения хитозана из Гаммаруса азовского и его использование при производстве растительно-рыбных пищевых продуктов: Дис. канд. тех. наук: Краснодар, 2014г.

ЯНГИ ДАВРДА ЎЗБЕК ҚИСҚА МЕТРАЖЛИ ФИЛЬМЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЖАРАЁНИ

Н. Касимова,

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Эрамизга янги давр кириб келар экан, унинг ўзига хос хусусиятларини барча соҳаларда кузатишимиз мумкин. Шиддатли ўзгаришлар барча соҳани камраб олди. Тезкор ривожланиш билан бир қаторда глобаллашув жараёни ҳам шиддат билан тус олмоқда. Жамиятнинг маданий ва маънавий ҳаёти ҳам қайсидир маънода глобаллашув оқимининг салбий жиҳатлари хавфи остида қолгандай. Санъат соҳаси жумладан кино санъати ҳам бу оқим таъсиридан четда қолгани йўқ.

Аммо глобаллашув, тижорат каби ташқи ва ички таъсирлардан мустасно ҳолда қисқа метражли фильмлар ўзининг бирламчи моҳиятини йўқотмаган тарзда равноқ топиб бормоқда. Технологик тараққий этиш билан бир вақтда жамиятнинг маънавий-маданий ҳаётига эстетик-ғоявий таъсир кўрсатмоқда. Қисқа метражли фильмлар бошқа бадиий фильмлардан кўра ижодкорларнинг ўй-фикрларини шаффофроқ тарзда акс эттиришга хизмат қилувчи ноёб шаклдир. Ундаги фикрлар тижорий мажбуриятлар босими остида камроқ суюлтирилиб ёки ўзгартирилиб, қисқа метрнинг улкан маданий аҳамиятини сақлаб қолмоқда.¹ Қисқа метржли фильмнинг қисқа вақт давомийлиги, бадиий фильмга қараганда иқтисодий ёки саноат чекловларига камроқ тобе қилади ва улкан ижодий эркинликка олиб келади. Бу эса кино ишлаб чиқаришга қараганда кўпроқ тажриба ва инновацияларга имкон беради.²

Қисқа метр машғулотлар майдончаси каби унда ёш ижодкорлар изланишда, ижодий тажриба ўтказишда давом этишмоқда. Умуман ҳозирги кино жараёнида қисқа метражли фильмлар муаллиф ва режиссёрнинг эркин ижод қилиши учун кенг майдончага айланган. Янги асрда қисқа метражли фильмлар ижодкорларнинг ўзига хос қарашларини акс эттиришга хизмат қилиб келаётганлигига режиссёрлар У.Ҳамдамовнинг “Назар”, Д.Хожиматовнинг “Қадр” ва Ш.Холиқовнинг “Бизни тушунишмайди”, каби қисқа метрлари мисолида иқроқ бўламиз. Уларда жамият ҳаётида учрайдиган турли хил масалаларга урғу берилмоқда.

Қисқа метражли фильмлар бадиий долзарбликка эга бўлиб, боши ва охири муҳим бўлмаган тўлиқ метражли фильмларнинг қисми кабидир. Бу табиий ҳолдер. Чунки қисқа метражли фильмлар машқ майдончаси бўлиб, қадам ташлаш учун йўлакча вазифасини ўтайди. Лекин бизнинг кино санъатимиз учун қисқа метр ноёб формат ҳисобланади. Ноёблиги шундаки, у ҳеч нарсага қарамай мавжуд, ҳатто, эскиз, ишора, соя шаклида намоён бўлсада, ўзнинг тенденцияларини намоёйиш қилади.³

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОИ В ПИЩЕВЫХ ЦЕЛЯХ

С.К.Кузбеков,

Гулистанский государственный университет

Соя – важнейшая белково-масличная культура мирового земледелия. Это одно из древнейших культурных растений, известных в Азии.

В настоящее время на довольно высоком уровне во многих странах находится производство продуктов из соевых бобов, которые используются для выпуска широкого ассортимента пищевых продуктов. Как уже говорилось выше, российский

¹ Raby Simon, quoted in: ‘An exhibition highlighting the cinematography of Simon Raby’ (advertising postcard), The Film Archive, Auckland, 2008. – P. 1.

² Reinhard W. Wolf, “What is Cinema – What is Short Film?” (2006), <http://www.shortfilm.de/en/short-filmmagazine/archive/topic/what-is-cinema-what-is-short-film.html> (accessed 12 August 2008); Quy, Teaching Short Films. – P. 11.

³ Дроздова Марина. Анапа-2007: Наши намёки вполне прозрачны. - Кино Искусства. 2008, №2 февраль. – С. 6.

рынок стал интенсивно наполняться продуктами из сои только в 90-х годах. Интерес к соевым продуктам связан, прежде всего, с уникальным химическим составом сои. Она не имеет себе равных среди сельскохозяйственных культур по содержанию белковых веществ, которые по аминокислотному составу были бы так же близки к животным и усваивались человеком на 90%. По этой причине они применяются во многих областях пищевой промышленности – хлебопечении, производстве макарон, мясопереработке, кондитерском производстве, производстве соусов, молочных продуктов, напитков, детского и диетического питания. За последние 20 лет специалисты изучили продукты переработки соевых бобов и показали, что их можно с успехом применять для профилактики при нарушении липидного, углеводного и минерального обмена, а также иммунного статуса. В отличие от молока и говядины, соя не содержит холестерина, поэтому ее рекомендуют как источник белка больным с нарушениями липидного обмена, приводящими к атеросклерозу, гипертонии и другим болезням. Исследователи утверждают о выявлении важной связи между потреблением сои и снижением риска заболевания некоторыми видами рака. Некоторые соевые продукты (соевый творог и соевое молоко) отличаются низким содержанием натрия и повышенным содержанием калия, что способствует выведению жидкости из организма. Это ценное свойство позволяет рекомендовать соевые продукты людям, страдающим определенными заболеваниями. Соевое молоко – идеальный заменитель коровьего для детей раннего возраста с аллергическими заболеваниями. Коровье молоко зачастую вызывает аллергию. Аллергенность же соевых белков легко устраняется в ходе тепловой обработки, сопровождающей превращение бобов в муку.

Соевое сухое молоко тоже не вызывает аллергии. Богатый минеральный состав и особенно соли кальция и железа делают этот продукт полезным для больных сердечнососудистыми заболеваниями, расстройствами нервной системы, анемией. Сухое соевое молоко рекомендуют включать в диету при гастритах и язве желудка, острых и хронических инфекционных заболеваниях, диабете. В зависимости от места и условий произрастания сои содержание питательных веществ может меняться в значительных пределах: например, белок – от 29 до 50,3%, жир – от 13,5 до 25,4%, а сумма белка и жира – от 52 до 65%. Кроме запасных белков в семенах сои в меньших количествах содержатся структурные белки, входящие в состав различных структурных элементов клетки и каталитические (ферментные) белки. Для ферментных и структурных белков характерно разнообразие состава и свойств. В целом по содержанию белка соя не имеет себе равных и содержит 34,9% растительного белка, тогда как содержание белка в куриных яйцах составляет 12%, сыре – 25, постной говядине – 22, рыбе – 20%. Содержание жира в семенах сои колеблется от 13,5 до 25,4%. Липиды семян сои представлены глицеридами и липоидными веществами. Жир сои принадлежит к полувывсыхающим маслам, глицеридный состав представлен в таблице. В составе липидов около 85% приходится на ненасыщенные жирные кислоты, из них преобладает линолевая кислота. В семенах сои содержание стероидов составляет 0,5–0,8% от массы липидов семян. Соя богата эссенциальными фосфолипидами, роль которых в организме человека чрезвычайно велика.

МАВЖУД РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 12.01.2018 йил №22-сонли Қарори таҳлили асосида)

Кунишова Г.С.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳри Кимё саноати КХК «Махсус» фани ўқитувчиси.

Ҳозирги жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон шароитида унга барҳам бериш шароитида умуминқироз масалаларини тўғри ҳал қилиш

учун янги имконият ва ресурсларни қидириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, табиий ресурслардан нормал фойдаланиш, уларни иқтисод қилишни ёш авлодга ўргатиш ҳам муҳим роль, ўйнайди. Атроф муҳит тозалигини асраш, гуллар экиб чиройли манзаралар ҳосил қилиш, инсонларга яхши кайфият бағишлайди, узоқ яшаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу боис, ер юзидаги барча давлатлар каби Республикамизда ҳам мавжуд табиий бойликларни асраб авайлаш, келажак авлодларга қолдириш, энергия тежовчи қурилмаларни такомиллаштириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга оид бир қанча самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу борада қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, энг аввало, энергияга бўлган талабни қондириб, табиий энергия манбалари кўмир, нефть, табиий газни тежашга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 12.01.2018 йил №22-сонли Қарори фикримизнинг далили, десак асло хато бўлмайди.

Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидалари белгилаб берилган.

Унга кўра:

– *маиший истеъмолчиларга электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш замонавий ускуналарини харид қилиш, ўрнатиш, рўйхатдан ўтказиш, даврий давлат қиёслови ва пломбалаш тегишли равишда ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва газ таъминоти ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши;*

– *маиший истеъмолчиларнинг электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг даврий давлат қиёсловидан ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини ташкил қилиш бўйича жавобгарлик тегишли равишда ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва газ таъминоти ташкилотларига юклатилиши;*

– *тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш уларнинг хоҳишига кўра амалга оширилиши қайд этилади.*

Шу ўринда савол юзага келади. Хўш, нега энди электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир бундай чора-тадбирлар ишлаб чиқиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди?

Тадқиқотларимиз давомида манбаларда «Тез суратларда ўсаётган Ер аҳолисини қандай боқиш мумкин?», - деган саволга дуч келамиз. Ҳақиқатдан ҳам, Далилларга кўра, XVII асрдан XX асргача Ер сайёраси аҳолисининг умумий сони 1 млрд.дан 2 млрд.гача кўпайган. 1920 дан 2020 гача Ер шари аҳолисининг сони 8 млрд.гача ошиши кутилмоқда.

Албатта бу каби глобал муаммонинг ечими - қуёш энергияси, шамол энергияси, биогаз ишлаб чиқариш каби қайта тикланувчи энергия турларидан фойдаланишдир.

Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг Физика-Техника, Материалшунослик, Академасбоб, Энергетика ва автоматика институтларида бир неча йиллардан буён илмий изланишлар олиб борилади. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат Техника университети, Тошкент Ирригация ва Мелиорация институти, Бухоро, Қарши, Фарғона Давлат университетларида ушбу соҳада кадрлар тайёрланмоқда.

Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 12.01.2018 йил №22-сонли Қарорининг амалдаги ижроси тўлиқ таъминланмоқда.

Масаланинг бошқа бир томони, Республикамиз аҳолисининг онгида энергия тежамкорлик ғояларининг тўлақонли сингдирилишидадир. Айни кунда, электр энергияси ва табиий газ қийин етиб борадиган олис аҳоли пунктларида куёш батареялари қурилмаларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган. Ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ўзбекэнерго" АЖ билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг тариф гуруҳлари оптималлашувини ҳисобга олган ҳолда, электр энергияси учун янги тарифлар тасдиқлаган.

Албатта, бу каби чора-тадбирлар электр энергияси ва табиий газдан оқилона фойдаланишни билан бир қаторда, фойдаланилган ресурс учун тўлов интизомини ҳам тартибга солади. Шунга қарамасдан бугунги кунда айрим фуқаролар электр энергияси ва табиий газда учун тўловларни ўз вақтида тўламай келаётганликлари ачинарли, албатта.

Умуман олганда, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва фойдаланилган ресурслар учун тўлов интизомини тартибга солиш, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш учун яна бир асос бўлишига албатта ишонамиз.

ИСЛОМГАЧА СУҒД ВА ХОРАЗМ КУНЛАРИНИНГ НОМЛАНИШИ БЕРУНИЙ ТАЛҚИНИДА

У.С.Куранбаева,

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти.

Ҳар бир халқнинг ўзига яраша урф-одати, насл-насаби, иқлими, жойлашган ўрнига мос кунлари, ойлари, йиллари мавжуд бўлиб, улар турлича номланган. Марказий Осиё аҳолиси VIII асргача яъни ислом дини кириб келгунига қадар оташпарастлик, буддавийлик ва насронийлик динларига эътиқод қилганлар.

Ҳар бир диний қарашда ўзига яраша эътиқод ва урф одатлар бўлганидек ўзига яраша кун, ой ва йилларнинг номланиши ҳам турлича бўлган.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда суғдийлар, хоразмийлар, тохарлар, кидарлар ва турк ҳоконлиги таркибига кирган халқлар яшаганлар. Хоразмликлар ва суғдлар кунлари бир ҳудудда яшаган бўлсаларда бир-бирларини такрорламаган бўлсада, ўхшашликлар мавжуд. Араблар фатҳи натижасида кунларнинг номлари, ёзма манбалар йўқ қилинган ва кунларнинг номланиши оғзаки эслаб қолишга ҳаракат қилинган. Абу Райҳон Беруний ушбу қадимги кунларнинг номланишини ўрганиб чиққан ва тиклашга муваффақ бўлган.

Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги ҳақлардан қолган ёдгорликлар" ва "Тафҳим" асарларида ушбу халқлардан суғд ва хоразм халқларининг исломгача бўлган даврда кунларнинг номланиши такқослаб, ўрганиб чиқилганда,

Суғдликларнинг кунлари: Хурмузд, Жаҳинар, Ардахушт, Хасишвар, Сибандармаз, Ридад, Мридад, Даст, Атас, Анжун, Хавир, Мах, Тиш, Ғуш, Даст,

Махаш, Сараш, Рушан, Фарваз, Вахашгар, Ромун, Воз, Даст, Дин, Арзах, Астоз, Симан, Ромжид, Нушинад, Нуғар; *Ховтаст, Наханд, Рахшан, Ванозун, Ардамбиш*¹

Хоразмликларнинг кунлари: Римжд, Азмин, Ардушт, Ахшриври, Исфандормажи, Ҳрвдоз, Ҳмдоз, Дзв, Арв, Ёнохн, Ахир, Мох, Жизи, Ғвшт, Дзв, Фиг, Асрвф, Ршн, Рвжн, Ариғн, Ром, Воз, Дзу, Диний, Аржвхи, Аштоз, Асмон, Рос, Мрсбнд, Авврғ; *Римжд, Азмин, Ардушт, Ахириври, Исфандоражи*² кунларнинг номлари айнан такрорланмаган бўлсада (Воз-бундан мустасно), бир-бирига яқинлигини кўришимиз мумкин.

Бундан келиб чиқадики, Беруний ўз изланишлари натижасида исломгача бўлган суғдликлар ва хоразмликлар кунларнинг номланишини ўрганиб чиққан ва тиклашга муваффақ бўлган.

ФОРМИРОВАНИЕ ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ ФРАНЦИИ НА ПОСТСОВЕТСКОМ ПРОСТРАНСТВЕ

Ю.Б.Кушанова,

**Координационно-методический центр по вопросам Новейшей истории
Узбекистана при АН РУз**

Распад в 1991 году Советского Союза на 15 республик заставил Францию, как и другие страны ЕС, обратить своё внимание на развитие дипломатических отношений не только с правопреемницей СССР – Российской Федерацией, но и с новыми независимыми государствами постсоветского пространства. Дезинтеграция в 1991–1992 годах прежде единого политико-экономического пространства привела Париж к мысли о необходимости учитывать в развитии отношений как общую ситуацию на территории бывшей сверхдержавы, так и специфику конкретных регионов и стран, ранее входивших в Советский Союз.

Таким образом, в современной структуре МИД Франции диалог с бывшими союзными республиками можно условно разделить на три направления:

1. Восточная Европа (Молдова, Украина, Беларусь);
2. Закавказье (Грузия, Армения, Азербайджан);
3. Центральная Азия (Казахстан, Узбекистан, Туркменистан, Кыргызстан, Таджикистан).

Очевидно, официальный Париж, рассматривая постсоветские страны как отдельный регион, связанный с Европой, всё же условно делит это пространство на несколько субрегионов, в зависимости от степени их близости к ЕС.

Эволюция французской политики по отношению ко всем странам Центральной Азии (за исключением Казахстана) проходила примерно по одной и той же схеме. После того как в 1992 году Париж установил дипломатические отношения с пятью центральноазиатскими республиками, последовал кратковременный период развития двусторонних связей. В те годы основным объектом внимания Франции в Центральной Азии являлся Казахстан. Республика, граничащая с Россией и Китаем, территория которой в пять раз больше Франции и на экономику которой приходится 2/3 ВВП региона, естественным образом рассматривался Парижем как ключевой партнёр в Центральной Азии. Так, например, на официальном сайте Елисейского дворца при Саркози в числе приоритетных внешнеполитических партнёров Франции в Азии было выделено всего три страны – Китай, Индия и Казахстан, названный главной державой Центральной Азии.

Следует отметить, что система французского цивилизационно-гуманитарного присутствия в странах СНГ включает в себя комплекс культурных, научных,

¹Изох: Беруний асарларидаги “ўғирланган кунлар”

²Изох: Беруний асарларидаги “ўғирланган кунлар”

образовательных и информационных мероприятий различного рода, проведение которых координируется органами государственной власти Французской Республики.

ИСТОРИЯ ХРИСТИАНСТВА НА ТЕРРИТОРИИ ТУРКЕСТАНСКОГО КРАЯ В ПРИМЕРЕ КАТОЛИЦИЗМА

**Д.Қаландарова,
Тошкент Давлат Ислом университети**

Появление на территории Центральной Азии католических миссий в XIII веке не было случайным. Этому явлению предшествовала цепь историко-политических событий, вызвавших интерес латинского Запада к странам Востока. Начиная еще с XII века, Папы Римские посылали своих легатов в Центральную Азию, принимая, таким образом, деятельное участие в развитии дипломатических отношений между Западной Европой и восточными странами. В XIII и XIV веках количество католических миссий в Центральную Азию увеличивается. Являясь официальными послами папского престола, монахи, по сути, выполняли несколько задач. Прежде всего, это дипломатические функции. Находившиеся на территории Центральной Азии миссионеры занимались и распространением католического вероучения. Системное изучение различных видов источников позволило схематически выделить пять этапов истории католичества в Центральной Азии. 1 этап – с появления христиан в Центральной Азии в первые века н.э. до разделения христианства на православие и католичество в 1054–1204 гг; 2 этап – с появления собственно католических миссий в Центральной

Азии в XII веке; 3 этап – с появления в Центральной Азии во второй половине XIX века представителей католического вероисповедания (в составе войск царской армии, в числе мигрантов и ссыльных) до 1917 года. этап – с 1917 года до конца 40-х гг. XX века, когда религиозная жизнь начинает постепенно замирать. 5 этап – период тотальной атеистической идеологии советского режима с конца 40-х до начала 90-х гг. XX века. 6 этап – начинается с обретением Узбекистаном независимости, когда появилась возможность возрождения религиозных традиций представителей различных вероисповеданий, в том числе и католичества. С появлением в крае в 1902 году в качестве первого курата Иустина Бонавентуры Пранайтиса сыграла большую роль в истории католичества в Центральной Азии. Условно его деятельность можно разделить на несколько видов: строительство молитвенных сооружений благотворительность, взаимодействие с представителями других религий.

Под руководством Пранайтиса в начале XX века в крае началось строительство молитвенных сооружений. В 1906 году в Ташкенте был построен временный костел и другие культовые сооружения. Это свидетельствовало о том, что мусульмане не испытывали неприязни к христианству, относились терпимо, стремясь понять религию тех народов, с которыми им предстояло вступать во взаимодействия на бытовом уровне.

ЗАРАФШОН ТИЗМАСИНИНГ ҒАРБИЙ ТАРМОҚЛАРИ ФЛОРАСИ (УРУГУТ БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ)

**У.Х.Қодиров,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти**

Ўзбекистон худудини ботаник-географик районлаштириш схемасида Тоғли Ўрта Осиё провинцияси 8 та округ, 23 та район, Турон провинцияси 8 та округ 15 та районга ажратилган. Шулардан Зарафшон ва Туркистон тизмаларини ўзаро бирлаштириб турадиган Кўхистонокруги Р.В.Камелин томонидан (1973) (Тожикистон Республикаси) Шимолий Туркистон, Ургут, Фон, Матч, Жанубий Туркистон ботаник-географик

районларига тақсимланган бўлса, К.Ш.Тожибаев ва бошқалар (2016) томонидан (Ўзбекистон Республикаси) қўйидагича районлаштирилди: Шимолий-Туркистон, Молгузар, Ургут ва Зиёвуддин-Зирабулоқ ботаник-географик районлари.

Ургут БГ райони Зарафшон тизмасининг ғарбий қисмини ўз учига олади (Тожибаев ва бошқ., 2016).

Ушбу ҳудудда кўплаб ботаник олимлар томонида тадқиқотлар олиб борилган ва ҳудудда тарқалган ўсимлик турларининг конспекти яратилган. К.З. Зокиров (Зокиров 1955, 1962), томонидан Зарафшон дарёсининг хавзаси номли 2 жилдли китобида 2588 тур келтирилган. Р.В. Камелин (Камелин 1973, 1979) маълумотларига кўра Ургут ботаник-географик райони флораси учун 1300-1450 ўсимлик тури мавжуд.

Ургут ботаник - географик райони Зарафшон тизмаси Кўхистон округида ўзига хос ўрин тўтиб, эндем ва камёб турларнинг кўплиги ҳамда юксак гулли ўсимликларнинг тур таркиби хилма-хил бўлган ҳудудлардан бири сифатида ажралиб туради. Ургут БГР нида турларнинг тарқалиши бўйича ботаник – географик районлари ичида алоҳида аҳамият эга.

Ургут БГРда Кўхистон округи учун эндем турлар тарқалган (*Cousinia adenophora*, *C. butkovii*, *Hedysarum amancutanicum*, *Iris magnifica*, *Komarovia anisosperma*, *Silene popovii*, *Tulipa fosteriana* ва бошқалар). Нурата ва Кўхистон округи учун (*Astragalus transoxanus*, *Lepidium botschantzevianum* ва бошқалар) ва Жануби-Ғарбий-Ҳисор округининг Қашқадарё райони учун (*Acantholimon sarawschanicum*, *Dianthus uzbekistanicus*, *Eremurus hissaricus*) субэндем турлар ҳам учрайди. Ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобга киритилган турларга бой бўлиб, уларнинг аксариятини ареали Ургут БГР ни билангина чегараланади.

Ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган 30та турлар макон топган ва жами Қизил китоб турларнинг 10% тўғри келади. Зарафшон тизмасининг ғарбий тармоқлари Китобқўриқхонаси билан чегарарадош, қўриқхона флораси ҳам етарли даража ўрганилмаган. Адабиётларда маълумотларига қарайдиган бўлсак, Китоб қўриқхонасида 798 ўсимлик ўсиши ҳақида айtilган. Кўхистон округи учун 19 та эндем ўсимлик турлари (*Anemone seravschanica*, *Corydalis maracandica*, *Onosma maracandica*, *Iris magnifica*, *Tulipa fosteriana* ва бошқалар).

Ургут БГР нида кўплаб ботаник тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамай бу районнинг юксак ўсимликларининг тўлиқ рўйхати мавжуд эмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Кўхистон округининг Ургут ботаник – географик райони флорасини рўйхатини шакллантириш, конспектини тўзиш, турларнинг ҳудудда тарқалишини акс эттирувчи харитасини ва маълумотлар базасини яратиш муҳим ҳисобланади.

ЎЗБЕК БАДИЙ КИНОСИ ВИЗУАЛ ИФОДАСИ

Б. Б. Қодиров,

ЎЗРФА, Санъатшунослик институти

Ўзбек бадий киноси кадр композицион қурилиши, турли планниг ўзгариши ракурс, ёритиш, оптик тасвир, тус (тон) тасвирга олишнинг темпи ва экран образи яратишда уларнинг мазмун-моҳияти, визуал ифодаси ҳақида фундаментал фикр-мулоҳазалар юритилинмаган.

Ваҳоланки фильм оператори ижоди фильм-монтажли композицион элементларининг бир-бирига алоқадорлигини ва (ягона) кадрнинг бадиий асарнинг элементи эканлигини ва уни яратувчиси эканлигини билдиради. Кино санъатида энг муҳим соҳа бўлмиш операторлик касбининг фильм яратишдаги визуал ифодаси, унга хос бўлган инструменларни қўллаши, фильм бош ғоясининг тасвирий ечимини белгиловчи, чамбарчас учлик: сўзни тасвирга ўгирувчи оператор, ғояни шакллантирувчи техника ва анжомлар, оператор ва техника ижод уйғинлигидан ҳосил

бўлган тасвир манъоларини фахимловчи тамошабинлар ўртасидаги ўзаро боғловчидир. Технологик жиҳатдан жадал ривожланаётган операторлик касби фильм ишлаб чиқаришдаги камеранинг харақатланиши, монтажли қисқа-қисқа кадрларнинг ўрнига узун ички монтажли планлар орқали эришиш мумкин эканлигини кўрсатапти. Фильм бадий хусусияти, ёруғлик ва уни фильм драматургиясидаги ўрни, маълум мухитни яратишдаги махсус ёритиш портретурасини қиёсий таҳлил қилиш, ҳозирда ўзбек бадий киноси операторлари яратаётган визуал ифодасига боғлиқ. Операторлик касб маҳоратига алоқадор назарий адабиётларнинг тақчиллиги, борида ҳам операторларнинг фильм ишлаб чиқаришдаги, ижодий фаолиятидага чуқур бўлмаган таҳлиллар билан кифояланишган.

Оператор учун ягона, тугалланган концепцияни идрок этиш, ҳаммасини чуқур тушунишлик, экранда акс эттириладиган аниқ, жонли образларни чинакам ҳис қилиш зарурлигини билдиради. Кинематографик асар алоҳида кадрлар жамланмасидан иборат бўлиб бутун бир яхлитликни ўзида акс эттира олади. Қачонки ундаги алоҳида тасвирга туширилган тасвирий ечимлар ягона услуб системасида бошқарув концепцияси билан уйғунлашса. Кинематографик асар турғун тасвирий санъатдаги композицияга нисбатан бир мунча мураккаброқ зеро образни визуал идрок этиш нафақат харақат динамикасига балки вақт тушунчасини қонуниятларига боғлиқ. Бироқ асл бадийлик, яратилаётган фильмдаги образ ва ғояни чуқур англашда эришилади.

Операторлар иш фаолияти тажрибасида ижод мухитига тушуниб ёндашиш, кино техникасини тасвир таъсирчанлигини оширадиган воситаларни онгли равишда қўллаш, олдиндан кўра олишлик процессини пайдо бўлиши, келгусида кадрларнинг композициясини барпо қилишда намоён бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХ ФАНИНИНГ АКАДЕМИК БИЛИМЛАР ТИЗИМИДА РИВОЖЛАНИШИ МАСАЛАЛАРИ СОВЕТ ДАВРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА

**С.Н. Мадьярова,
т.ф.н., ЎзР ФА Тарих институти.**

Ўзбекистон тарих фани узок йиллик тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Фан ривожидида унинг академик босқичи алоҳида ўрин тутди. Зеро, академик тизим ҳақиқий илмий анъаналарни шакллантиради, унинг келгуси ривожини таъминлайди.

Совет даврида Ўзбекистон тарих фани концепцияси ва мавзуларнинг қўйилиши собиқ иттифоқ тарих фани билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келгани боис, Тарих фанининг академик билимлар ривожидида шаклланиши ва ривожланиши масалалари совет тарих фанининг ажралмас бир бўлаги сифатида ўрганилди. Бу даврда яратилган совет тарих фанига оид¹, Фанлар академиясининг юбилей саналарига бағишланган², Ўзбекистонда

¹ Двадцать пять лет исторической науки в СССР. М.-Л., 1942. (Греков В.Д. Основные итоги изучения истории СССР за 25 лет. С.78); Очерки истории исторической науки. М., 1966. Т.4. 854 с.; Октябрьская революция и историческая наука в России (1917-1923 гг.). М., 1968. 300 с.; Иванова Л.В. У истоков советской исторической науки: (Подготовка кадров историков-марксистов в 1917-1929 гг.). М., 1968. 197 с.; Городецкий Е.Н. Ленин – основоположник советской исторической науки: История советского общества в трудах В.И.Ленина. М., 1970. 550 с.; Алексеева Г.Д., Желтова Г.И. Становление и развитие советской системы научно-исторических учреждений (20-30-е гг.). Ташкент, 1977; История исторической науки в СССР. Советский период 1917-1967 г. Библиография. М.: Наука, 1980. 733 с.; ва бошқ.

² Комков Г.Д., Левшин Б.В., Семенов Л.К. Академия наук СССР. Краткий исторический очерк (в двух томах). Т.1. 1724-1917. Изд-ве 2-е. М.: Наука, 1977.; История исторической науки в СССР. Советский период 1917-1967 г. Библиография. М.: Наука, 1980. 733 с.; История и историки / АН СССР Институт истории, Институт всеобщей истории / Отв. Ред. И.Д. Ковальченко. М.: Наука, 1990. 440 с.; Наука в экономической структуре народного хозяйства. М.: Наука, 1990, с.

фанининг ривожига ҳамда Тарих ва археология институти фаолиятига бағишланган ишлар¹ ана шундай нашрлар жумласидандир.

Ўзбекистон тарих фани тарихига бағишланган дастлабки тадқиқотлар қаторига 1942 йилда нашр этилган илмий тўпламдан жой олган мақолани киритиш мумкин. Мазкур мақола муаллифлари В.А. Шишкин, З.Ш.Раджабов, В.В. Ершовлар Ўзбекистон тарих фанининг 25 йиллик йўлини қисқача умумлаштириб таҳлил қилиб ўтган. Мақола муаллифлари Октябрь инқилобига катта ишлар мавжуд бўлишига қарамай, Ўрта Осиёда тарих фани “пайдо бўлиш ҳолатида бўлиб, маҳаллий тилда илмий-тарихий адабиётлар бўлмаган, тарихий-мемуар характердаги “Тарихий жадидаи Тошкент”, Шахский подарок” ва Огаҳий асарларини тарих фанидан анча узоқ асарлар эди, Ўзбек буржуазияси мафкурачилари жадидлар Ўзбекистоннинг ҳақиқий тарихига бағишланган бирорта ҳам илмий иш яратмаганлар², – деб ёзади.

Б.В. Луниин ҳамда М.А. Ахунваларнинг Ўзбекистонда тарих фани тарихига бағишланган монографиясида³ эса 1917 йилдан 70-йилларгача бўлган даврда Ўзбекистон тарихи фанининг ривожланиш йўли таҳлил қилиб берилган. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон тарих фани тарихига бағишланган дастлабки умумлашган тадқиқот ҳисобланади. Мазкур асар муаллифларнинг тарих фанига бағишланган навбатдаги тадқиқоти⁴ эса 70-йилда нашр қилинган тадқиқотнинг узвий давоми бўлиб, унда 1971-1986 йилларда нашр этилган ўзбекистон тарихчиларининг ишлари тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиб берилган. Ўзбекистон академик тарихий билимлар доирасида 1976 йилга қадар фаолият олиб борган ижтимоий фан соҳаси вакиллари, шу жумладан бир неча тарихчи олимлар ва уларнинг илмий ишлари ҳақида қисқа маълумотлар Б.В.Луниин томонидан тузилган икки қисмдан иборат библиографик ва тарихшунослик асарида⁵ ҳам ўз аксини топган. 80-йиллар охирида яратилган бир қатор тадқиқотларда ҳам Ўзбекистон тарих фанининг академик тизимида ривожланиши масалалари муҳокама этилган. Жумладан, 1989 йили “Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг 40-50-йиллар тарихи” муаммоларига бағишланган илмий анжуман тўпламида Г.И. Желтова ва А.М. Макатаевлар томонидан

¹ Ozberistonda XV yil ichida fan. Ташкент, 1939; Наука в Узбекистане за XV лет (1924-1939 гг.) / Сб. ст. Т., 1939. 120 с. Шишкин В.А. Основные проблемы истории Узбекистана и пятилетний план Института истории и археологии // Бюллетень АН УзССР. Ташкент, 1946. № 9-10. С. 34-39; Набиев Р.Н. О некоторых итогах развития исторической науки Узбекистана // Известия АН УзССР. Ташкент, 1949. № 1. С. 33-45.; Саримсаков Т. Основные этапы развития науки в Узбекистане // Юбилей. сб., посв. 25-летию Узбекской ССР. Т., 1949. 142с.; Захидов Т. Десять лет Академии Наук Узбекской ССР // Изв. АН УзССР. 1953. № 6. С.3-8.; Абдуллаев Х. 40 лет советской науки в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1958. 56с.; Вайдянец Г. Развитие марксистской исторической науки в Узбекистане (1917-1924 гг). Ташкент, 1962. Житов К.Е. Некоторые вопросы развитие исторической науки в свете новой программы КПСС // ОНУ. 1962 №1. С.; Ахунова М.А. Успехи исторической науки в Узбекистане после XX съезда КПСС // История СССР. 1965. №4.С; Муминов И. Академии наук Узбекской ССР 25 лет // Общественные науки в Узбекистане (ОНУ). Ташкент, 1968. № 11. С. 3-6; Академия наук Узбекской ССР. Справочник 1976. Ташкент: “Фан”, 1976. 243 с; Академия наук Узбекской ССР. Ташкент: Фан, 1983, с.18.; Раджапова Р.Я., Чеботарева В. Историко-партийная наука в Узбекистане. Ташкент, 1982; Ахунова М.А., Луниин Б. В. История исторической науки в Узбекистане (Крат. очерк). Ташкент: Фан УзССР, 1970. с. 84; Аминова Р.Х., Ахунова Р. Советская интеллегенция Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. Ташкент, 1975. 199 с.; Академия наук Узбекской ССР (краткий очерк). Ташкент: Фан, 1976. 242 с. (с.154-165 Институт история и институт археология. С. 166-170 инс. Востоковедения. С.170-174 институт языка и литературы); Аминова Р.Х., Ахунова М.А., Луниин Б.В. Историческая наука в Узбекистане от XXIV к XXVII съезду КПСС. Ташкент, 1987.; Алексеева Г.Д., Желтова Г.И. Становление и развитие советской системы научно-исторических учреждений. Ташкент, 1977.; Наука в Узбекистане // Общественные науки. Ташкент: Фан, 1977, с. 203. ва б.

² Шишкин В.А., Раджабов З.Ш., В.В. Ершов. Историческая наука. В Кн: 25 лет Советской науки в Узбекистане / Сборник. Ташкент: Изд-во УзФАН, 1942. 241-254.

³ Ахунова М.А., Луниин Б.В. История исторической науки в Узбекистане (Краткий очерк). Ташкент, 1970. 200 с.

⁴ Ахунова М.А., Луниин Б.В. История исторической науки в Узбекистане от XXIV к XXVII съезду КПСС (Историографический очерк). Ташкент: Фан, 1987.190 с.

⁵ О деятелях общественных наук Узбекистана. Библиографический очерк. II.– Т. Фан. 1977. 422 с.

“Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланиши” номли мақоласи ўрин олган бўлиб, унда асосан Ўзбекистон тарих фанининг 40-йилларнинг иккинчи ярмидан 50-йилларгача бўлган даврининг асосий хусусиятлари хусусида сўз юритилган.

Хулоса қилиб айтганда, совет даври тарихшунослигида Ўзбекистон тарих Ўзбекистон тарих фанининг академик билимлар тизимида шаклланиши ва ривожланиши масалаларига бағишланган ишлар мавжуд бўлсада, социалистик мафкура асосида ўрганилган. Қолаверса ХХ асрнинг 70 йилларидан буён фан тарихи, шу жумладан академик тизимда ривожланиши муаммоси умумлашган ҳолда махсус ўрганилмаган.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ТЕРМА ДЕВОН”ЛАРИ ХУСУСИДА

О.Мадалиева,

ЎЗР ФА Шарқшунослик институти.

Алишер Навоий туркий дунёдагина эмас, шарқ халқлари адабиёти тарихида бир неча девон тузган шоир сифатида алоҳида мавқеъга эга. Шунингдек, Навоий шеърлари жамланган шундай турдаги девонлар ҳам борки, уларнинг баъзилари шоир яшаган даврда, баъзилари эса шоир вафотидан сўнг бошқалар томонидан тузилгандир.¹ Навоий девонларига нисбатан *терма девон* атамасини фанга илк бор Ҳ. Сулаймонов олиб кирган. Навоий “Терма девон”лари ҳажм жиҳатидан ҳам, таркиб жиҳатидан ҳам бири-биридан фарқ қилади. “Терма девон”лар ким тарафидан тузилгани номаълум, уларни котибнинг ўзи тузган бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол, бундай девонлардаги ғазаллар буюртмачининг талабига биноан танлаб кўчирилгандир.

ЎЗР ФА ШИ асосий фондида Алишер Навоий девонларининг 160 та қўлёзмаси сақланади, шулардан 115 тага яқини “Терма девон” экани маълум бўлди. Қолаверса, XV асрдан то XIX асргача бўлган даврга оид “Хазойину-л-маоний”даги ҳар тўрт девондан олинган шеърларни ўзида жамлаган девонлар дунё микёсидаги фондларда 254 тани ташкил этса, шулардан фақат 55 тасигина “Хазойину-л-маоний”нинг тўлиқ нусхаси, қолган 199 таси эса “Терма девон” экани аниқланган. Ҳ. Сулаймонов Навоий ижодхонасидаги шеърларнинг “Терма девон” шаклида кўчирилиши шоир тириклик вақтлариданоқ бошланганини ёзади ҳамда уларни Навоийдан аввал ва Навоийдан сўнг тузилган “Терма девон”лар каби икки турга бўлади, (бунда олим Навоийнинг девон тартиб беришидан олдин ва кейин бошқалар томонидан тузилган девонлар, деган фикрни илгари суради). Олим ушбу фикрини даллиллаш учун 790 ва 3984 рақамлари остида сақланувчи қўлёзмаларни мисол келтиради.² Ҳ. Сулаймонов бу икки қўлёзмадаги шеърлар кетма-кетлик жиҳатидан “Хазойину-л-маоний”га жуда яқин бўлгани сабабли уларни “Терма девон” номлаган. Бунда масаланинг эътибордан четда қолмаслиги керак бўлган бошқа жиҳатлари ҳам бор. 790- рақамли қўлёзма Султонали Машҳадий томонидан 898/1492-1493 йилларда Ҳиротда кўчирилган. Девон кейинчалик навоийшунос А. Эркинов томонидан “Ғазалиёт девони – протодевон” деб номланди. Сабаби девоннинг таркиби фақат ғазаллардан иборат ва ушбу қўлёзма кўчирилган даврда ҳали “Хазойину-л-маоний” тузилмаган эди. 3984- рақамли қўлёзма эса жами 185 (1⁶-185⁶) варақ бўлиб, охири тугалланмаган, колофони йўқ. 129^a варақча кўчирилган матн 790- рақамли қўлёзма хати билан деярли бир хил, яъни Султонали Машҳадийнинг хати. Қолган қисмдаги матн китобатга оид белгиларига кўра XVIII асрда кўчирилган, деб тахмин қилинган. Ҳ. Сулаймонов юқоридаги икки Тошкент нусхасидан ташқари Нью-Йорк (тарихи: 905/1499-1500) ва Оксфордда (тарихи: 915/1509-1510) сақланувчи

¹ Сулаймонов Ҳ. “Хазойину-л-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий “Хазойину-л-маоний” I том: “Ғаройибус-сиғар”. Ўз ССР ФА нашриёти, Тошкент, 1959. –бб. IX-XI.; Эркинов А. Кириш // Алишер Навоий Оккююли мухлислар девони (1471). Tokyo: Research Institute for languages and cultures of Asia and Africa, 2015. –бб. 12-28.

² 790, 3984-рақамли қўлёзмалар ЎЗР ФА ШИ асосий фондида сақланади.

яна икки қўлёмани ҳам Терма девонлар сафига қўшади. Биз бу икки қўлёманинг таркиби билан таниш эмасмиз. Аммо ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланувчи Навоий яшаган даврда кўчирилган 790 ва 3984 (бир қисми) рақамли ҳамда шоир вафотидан кейинги даврларга оид Терма девон нусхалари билан танишиб чикқач, айтиш мумкинки, улар таркиб жиҳатидан фарқлидир. Шунинг учун уларни Навоийнинг девон тузганидан аввал ва кейин бошқалар томонидан тартиб берилган девонлар, дея икки гуруҳга бўла олмаймиз. Биринчидан, Навоийдан олдин унинг мухлислари томонидан тузилган девонлардан бири, олимнинг ўзи таъкидлаганидек, шартли равишда “Илк девон” деб аталса, иккинчиси “Оққўюнли мухлислар девони” номини олган. Шоир томонидан тузилган бошқа девонларга эса муаллифнинг ўзи от қўйган. Бундан келиб чиқадики, *Терма девон* атамасини “Хазойину-л-маоний” девонидан танлаб олиниб, тартибланган девонларга нисбатан қўллаган мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, Навоий ҳаётлик даврида кўчирилган 790 ва 3984 кўрсаткичли девонлар “Хазойину-л-маоний”ни яратиш жараёнида муаллифнинг ўзи томонидан тузилган бўлиши ҳам мумкин.

ЎЎЗАНИНГ РИЛ ПОПУЛЯЦИЯСИДА АГРОНОМИК ВА ТОЛА СИФАТ БЕЛГИЛАРИНИ QTL ХАРИТАЛАШ

**А.Х.Макамов, И.Б.Салахутдинов, Э.Э.Хуршут, М.М.Дарманов, О.С.Тураев,
Ю.М.Қуйсунова, О.Т.Адилова, З.Т.Буриев, И.Ю.Абдурахмонов,
ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази.**

Ўзда полиген хусусиятга эга бўлган тола сифати ва ҳосилдорлик белгиларини маркерларга асосланган селекция (МАС) усули ёрдамида яхшилашда ушбу белгиларга жавоб берувчи миқдорий белгилар локусларини (QTL) аниқлаш муҳим ҳисобланади. Ушбу мақолада хромосомаси алмаштирилган CS-B22 линия билан маҳаллий Ан-Баявут-2 ўза навини дурагайлаб яратилган рекомбинант инбред линияларлар (РИЛ) популяциясида агрономик ва тола сифат белгиларини QTL хариталаш мақсад қилинган. Тадқиқотда хромосомаси алмаштирилган CS-B22 линия, Ан-Баявут-2 нави ва улар иштирокида олинган 93 та РИЛдан иборат бўлган популяцияда тола сифати билан агрономик белгилар икки йил давомида уч такрорли кўчатзорларда ўрганилди. Шунингдек, популяциянинг ота-она генотиплари 884 та SSR праймерлар ёрдамида ПЗР (полимераза занжирли реакция) скрининг қилиниши натижасида аниқланган 54 та полиморф маркерлар билан популяциянинг 93 та линияларида генотипик таҳлиллар ишлари амалга оширилди. Ушбу генотипик маълумотлар билан популяциянинг икки йиллик ўрганилган фенотипик маълумотларидан фойдаланиб, *JoinMap* компьютер дастурида популяциянинг генетик харитаси тузилди. Унга кўра, LOD қиймати 10дан юқори бўлган (генетик бирикканликнинг ишончли коэффиценти) 3 та бирикиш гуруҳлари аниқланди. Мазкур гуруҳлар 9, 20 ва 22-хромосомалар эканлиги маълум бўлди. Ўз навбатида, олинган натижалар *Win QTL Cartographer* дастурида анализ қилиниши натижасида 9-хромосомада жойлашган маркерларнинг бир дона кўсакдаги пахта оғирлиги белгиси билан 4.8-7.4 LOD қийматига эга бўлган иккита QTL локуслари (BNL-1414 ва Gh247 ҳамда BNL-1317 ва Gh118 маркерлари ўртасида) аниқланди. Шунингдек, тола элонгацияси белгиси билан учта барқарор QTL локуслар аниқланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, тола элонгацияси ва бир дона кўсакдаги пахта оғирлиги каби белгилар билан генетик бириккан барқарор QTL локуслари ва уларга генетик бириккан ДНК маркерлари келажакда тола сифати ва ҳосилдорлик белгиларини MAS усули ёрдамида яхшилашда қимматли қурилма сифатида фойдаланилади.

УЛУЧШЕНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ СВОЙСТВ БЕЛОГО ЧУГУНА МАРКИ 300X32Н2М2Т

Ю.Н.Мансуров, А.А.Жумаев,

МИСиС Российской Федерации, Навоийского отделения АН РУз.

В настоящее время известна целая группа высокохромистых белых чугунов, предназначенных для изготовления деталей оборудования, работающих в условиях ударно-абразивного износа. Состав и свойства этих чугунов регламентированы стандартами и техническими условиями.


Литейным производством ПО НМЗ освоено изготовление деталей импортного горно-шахтного оборудования из экономно легированного белого чугуна марки 300X32Н2М2Т. Химический состав сплава приведена в таблице.

Таблица:

Марка сплава	Элементы, %								
	C	Cr	Ti	Si	Ni	Mn	Mo	P	S
300X32Н2М2Т	2,4-2,8	30-34	0,1-0,6	0,5-2,0	1,5-3,0	0,4-0,8	1,5-2,0	0,03	0,03

Исследованиями установлены, что металлическая основа структуры сплава 300X32Н2М2Т, в состоянии литья, состоит из мартенсита и остаточного аустенита. Высокая твердость и хрупкость отливок из сплава 300X32Н2М2Т, обусловленное ее структурой, ограничивает поведение механической обработки [1].

В данной работе приведены результаты экспериментальных работ направленные для улучшения обрабатываемости резанием отливок из сплава 300X32Н2М2Т, путем проведения термической обработки.



Объектами исследований в данной работе являлись образцы различных плавок марки 300X32Н2М2Т, подвергнутые термической обработке согласно режиму, приведенной в графике. Нагрева при закалке. Окончательно – отпуск 345⁰С




График. Зависимость параметров структуры и твёрдости высокохромистого белого чугуна плавки 375 от температуры

Проведением термической обработки по различным режимам, получены различные структуры металлической основы сплава. Получение той или иной структуры контролировали металлографически и по микротвердости структурных составляющих [1].

После проведения термической обработки, отпуск при температуре 345⁰ С, механическая обрабатываемость сплава 300X32Н2М2Т заметно улучшилась.

Литература

1. Чугун: Спр. Изд./Под ред. А.Д. Шермана и А.А. Жукова. М.: Металлургия, 1991.

**ВЛИЯНИЕ СУПРАМОЛЕКУЛЯРНОГО КОМПЛЕКСА PRE-1 НА
ПРОНИЦАЕМОСТЬ МЕМБРАН МИТОХОНДРИЙ**
**К.М.Мардиева, М.Бурханова, С.Н.Далимова, Ю.В.Левицкая,
О.С.Чарышникова, Н.Ш.Рахматуллина,**
**Национальный Университет Узбекистана, Учебно-Экспериментальный Центр
Высоких Технологий**

Изменению состояния митохондриальной поры неспецифической проводимости отводится ключевая роль в процессах запуска и регуляции апоптоза, поэтому изучение механизмов открытия и регулирования состояния этих пор может иметь большое значение для поиска путей коррекции многих митохондриальных дисфункций, в том числе и связанных с возрастными изменениями.

муаллифнинг ҳукмронлик йилларига қадар тарих йиллари қайд қилинган. Асар дебоча ва тўққиз бобдан иборат. Асар тили Ўрта Осиё туркийси (Чигатой тили) бўлиб, асардаги воқеалар содда ва лўнда тилда баён этилган. Мадҳ ва саж усуллари ишлатилмаган ва ҳукмдорларга эпитетлар берилмаган. Асарнинг 9-бобидагина, Абулғозининг ҳукмдорлик йиллари Анушахон ибн Абулғозихон буйруғига кўра Маҳмудий ибн Муҳаммад Замон Урганчий томонидан ёзилганда, Абулғозихонга нисбатан *хони жаннатмакон, хони гитистон* каби эпитетларни ва ҳурмат маъносига феълга *лар* кўплик кўшимчасини қўшилганлигини кўришимиз мумкин. Аслида асарнинг шундай оддий тилда ёзилганлиги, уни Европада кенг тарқалганлигига туртки бўлган. Марказий Осиёдаги мўғул ва турк тарихининг европача тасавури айнан шу асар орқали қабул қилинган ва икки асрдан зиёд асосий манба бўлиб хизмат қилган. Асарнинг немисча, лотинча, русча ва французча таржималари мавжуд. Шунингдек, асарнинг илмий-танқидий матни Санкт-Петербург қўлёзмалари асосида 1871 йили шарқшунос олим П. Демезон томонидан нашр қилинди. Ушбу нашр ўзгаришсиз 1970 йилда Лейденда қайта нашрдан чиқарилди. Асарнинг ушбу илмий-танқидий матни ҳали-ханузгача тадқиқотчилар учун Аммо асар қўлёзмалари дунё бўйлаб кенг тарқалган, ва улар яхлит тадқиқ қилинган ҳолда ўрганилмаган. Шунинг учун, Ўзбекистон манбашунослигининг олдида турган долзарб масалаларидан биттаси Ўрта Осиё туркийсида битилган ушбу муҳим манбани дунёдаги барча қўлёзмаларни ўрганган ҳолда, илмий-қиёсий йиғма матнни тузиб, ундан кейин замонавий илмий-танқидий матнини яратиш керак бўлади.

1945-1949 ЙИЛЛАРДА АНГРЕН ҲУДУДИДАГИ ЯПОН ҲАРБИЙ АСИРЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

**М.Қ.Назирхўжаев,
ЎзР ФА Тарих институти.**

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларида Ангрэн шаҳрида кўплаб саноат корхоналари, кўмир ва бошқа конларда қазув ишлари олиб борилиб фронтга ва иттифоққа керакли маҳсулотлар етказиб турилган.

Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудида жойлашган Ангрэн шаҳрида ҳарбий асирларга мўлжалланган 372-ҳарбий асирлар лагери ва 438-ишчи лагери ташкил этилган эди.

Ангрэн шаҳар давлат архивида сақланаётган ҳужжатлардан бу ерга олиб келинган япон ҳарбий асирларини қурилиш ва ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларига жалб этилганини кўришимиз мумкин¹. Япон ҳарбий асирлари Ангрэн шаҳрининг бунёд этишида қатнашган бўлиб уларнинг меҳнат жойлари қуйидагилардир: Кўмир шахтаси, электр қуввати станцияси, дамбалар, каналлар, уйлар ва йўллар қурилиши ва хакозолар. Ушбу архивда НКВД Ангрэнлаг² ва бошқа корхона ва ташкилотлар ўртасида олиб борилган ёзишмалар сақланган. Ангрэндаги турли хил корхоналар японларнинг меҳнатида унумли фойдаланишган. Уларнинг меҳнатида фойдаланиш учун корхона раҳбарлари НКВД Ангрэнлаг бошлиғига мурожаат билан чиқиб руҳсат олиши керак бўлган, агар эътирози бўлса лагер бошлиғига рапорт билан чиқишган.

Ангрэнда Ўзбекистондаги 13та ҳарбий лагернинг №372 сонли лагери жойлашган эди. Ушбу лагер 1945 йиллардаги Соцгород³ ҳудудида жойлашган бўлиб, кейинчалик кўмир қазуш ишларининг кенгайиши натижасида Соцгород ерлари ҳам қовланиб шаҳар ҳозирги Ангрэн шаҳри ерларига кўчирилган. Япон ҳарбий асирлари дафн этилган қабристон ҳозирда йўқ бўлиб кетган Соцгород ҳудудида бўлган, кейинчалик бу ерларнинг бузилиши натижасида япон ҳарбий асирларининг хоки эски

¹ Ангрэн ш. ДА. 3-Йиғма жилд. 3-ҳужжат.

² 1945-1949 йилларда Ангрэнда жойлашган ҳарбий асирлар лагери.

³ 1940-1960йилларда СССРда кўплаб шаҳарлар шундай ном билан қурилган, "Ижтимоий шаҳар" деган маънони беради.

жойдан ҳозирги Ангрен шаҳри Керамический худудида ташкил этилган япон ҳарбий асирлари қабристонига кўчирилган. Жами Ўзбекистонга 25 минг атрофида япон ҳарбий асирлари олиб келинган бўлиб, шундан 7209 таси Ангрен шаҳрига жойлаштирилган. Ангрендаги лагерда япон ҳарбий асирларидан турли хил касалликлар ёки фалокатлар туфайли вафот этганлар сони 133тани ташкил этади. Булар ичида 1та генерал зобити ҳам бўлган. Ҳозирги кунда ўша узоқ урушдан кейинги йиллардаги япон ҳарбий асирларининг шаҳар инфраструктурасининг ривожланишига ўзларининг меҳнатлари билан қўшган ҳиссасини Ангрен шаҳри марказида жойлашган "Хотира ва қадрлаш майдони"ёнида Ўзбекистон ҳукумати ва собиқ япон зобитлари, уларнинг яқин қариндошлари ташаббуси билан барпо этилган "Ёдгорлик тоши" бўлиб ўтган воқеаларни эслатиб туради. Ҳар йили Япония давлатидан собиқ асирларнинг ўзлари ёки уларнинг яқинлари Ўзбекистонга зиёрат мақсадида ташриф буюришганда, улар албатта Ангрендаги ватандошлар дафн этилган қабристонга ва юртдошлари шарафига барпо этилган "Ёдгорлик тоши" олдига келиб хотирлаб туришади.

Ангрен шаҳри Жигаристон маҳалласида жойлашган Гафур Ғулом номидаги 3-умумий ўрта мактабнинг икки биносининг қурилишида ҳам япон ҳарбий асирлари меҳнати билан самарали фойдаланилган. Бу мактабнинг икки биноси бир қаватдан иборат, булар бошланғич таълим ўқув биноси ва юқори синфлар учун мўлжалланган бинолардан иборат бўлган¹.

Ҳар икки ўқув биноси бир-биридан 150-200 метр масофада жойлашган. Мактаб биносининг пойдеворининг қурилишида тоғ тошларидан фойдаланилган бўлиб, унинг баландлиги 1.5-2 метрни ташкил этади. Мактаб биноси тоғли худудда жойлашганлиги сабабли ҳам мактаб пойдевори ернинг паст-баландлигига қараб шундай қурилган. Мактаб деворларининг қалинлиги уч ғиштдан урилган, деворнинг кенглиги эса 80-90 смдан иборат. Мактаб ўқув хоналарида махсус голланд печлар қурилган бўлиб, қиш мавсумида ўқув хонасини иситиш учун қулай шароитлардан бири эди. Ангрен шаҳри Жигаристон маҳалласидаги баъзи аҳоли яшайдиган уйларни ҳам япон ҳарбий асирлари меҳнати билан қурилган. Уйлар асосан 3 ёки 4 хонадан иборат, уй деворлари икки ғишт қалинликда энига 60-70 см ни ташкил этади.

Баъзи ҳолларда касалга чалинган асирларни Андижонда ёки Фарғонада жойлашган махсус госпиталлар ёки махсус лагерларга жўнатишган, у ердан даволаниб кайтгандан сўнг улар ўзларига таалуқли ишларга жалб этилган.

Япон ҳарбий асирлари тақдир тақозоси билан бу юртларга келиб, асир бўлишига қарамай юртимиздаги бунёдкорлик ишларида қатнашганлар бу биноларни, яшаш объектларини кўрганлар кўз олдида японларнинг оғир меҳнати гавдаланади ва уларга нисбатан инсон қалбида ҳурмат ва миннатдорлик туйғулари пайдо бўлиши табиий.

БУҒДОЙНИНГ ГЕНЕТИК ХИЛМА-ХИЛЛИГИНИ МИКРОСАТТЕЛИТ МАРКЕРЛАР ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ

**Ж.Қ.Норбеков, А.Т.Адылова, Н.Н.Хусенов, Ф.Н.Кушанов, З.Т.Буриев,
ЎзРФА Геномика ва биоинформатика маркази.**

Бугунги кунда замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбиқ қилиниши илм-фан соҳасида кўплаб қулайликларга ва ютуқларга олиб келмоқда.

Янги авлод ДНК маркерларнинг фанга кириб келиши, биология соҳасида организмларни генетик хилма-хиллигини ўрганиш учун кенг имкониятлар очиб берди. Шу билан бирга, ДНК маркерларнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар турли хил ўсимлик навларининг генетик хилма-хиллигини ўрганишда энг ишончли ва қулай усул ҳисобланади. Бугунги кунда ДНК маркерларининг кенг

¹ Ангрен ш. ДА. 3-Йиғма жилд. 4-хужжат. 18-бет.

тарқалган ва самарали турларидан бири микросателлит ёки SSR (Simple Sequences Repeat - такрорланувчи оддий кетма-кетликлар) маркерлардир. SSR маркерлар ёрдамида ўсимлик намуналарини генетик хилма-хиллигини ўрганишда, рўйхатга олишда ва таснифлашда кўлланилиб келинмоқда.

Геномика ва биоинформатика марказининг бир гуруҳ олимлари буғдой геномини ўрганишда ДНК-маркерларидан кенг фойдаланмоқда. Ушбу тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад, буғдойнинг генетик хилма-хиллигини ўрганиш асосидаяратилиши жихатдан навларнинг бир-бирига қанчалик яқин ёки узокчилигини аниқлашдан иборат. Бу эса селекционерларнинг ўрганилаётган буғдой намуналарини аниқ ажратиш олишга, янги нав яратиш борасида олиб борилаётган тажрибаларида ота-она намуналарини тўғри танлашга имконият яратиш беради.

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти буғдой гермоплазма коллекциясидан давлат реестрига киритилган 32 та маҳаллий юмшоқ буғдой нав намуналари танлаб олинди. Хориж адабиётлар маълумотларига таяниб 144 та SSR маркерлар танлаб олиниб, 32 турдаги юмшоқ буғдой намуналаритадқиқот учун жалб қилинди. Тажриба давомида ПЗР усулида таҳлил қилинганда 36 та SSR маркерлари юқори полиморфлиликни намоён этди.

Юқори полиморфизмнамоён этган 36 та SSR-маркерларнинг локусларини ва аллеллар сонини аниқлаш Gel-Pro Analyzer 3.1. программаси орқали амалга оширилди ва генотипланди. Генотип маълумотлари UPGMA прогарммаси ёрдамида филогенетик фарқларини акс эттирувчи дендрограммаси яратилди.

ТАРИХ ФАНИ – ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МЕРОС СИФАТИДА **Г.Норбўтаева – ЎзМУ талабаси.**

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитларига мос, истиқлолта-лабларига жавоб берадиган демократик, ҳуқуқий инсонпарвар жамият қури-лишига муносиб ўз ҳиссасини қўшадиган ёш мутахассисларни тарбиялаб етиштиришда Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг аҳамияти ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган баркамол инсонни тарбиялаш миллий моделнинг асосий ғоясини назарда тутди. Юртимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маърузаларида мамлакатнинг бугунги ва эртанги кунини ҳал қилувчи бўлиб майдонга чиқаётган ёшларимизнинг тафаккури ва дунёқарашини кескин ўзгартирадиган, мутлоқ янги таълим ва тарбия тизимини яратиш ва ҳаётга татбиқ қилиш деб айтиб ўтдилар.

Баркамол шахснинг муҳим сифатлари бўлган мустақил ва ижодий фикрлаш, ишлаш қобилиятларини тарбиялаш таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада талабаларининг фаоллигини ошириш, тарих дарслари ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, таълим муассасаларида ўқитиладиган махсус тарих фани дарслари талабаларни дунёқараши, интеллектуал тафаккурини шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Тарих инсон тафаккури маҳсули. Тарихий тафаккур маърифатли жамиятнинг муҳим омилидир. Зотан, ўтмишни англаш, уни тўғри тушуниш орқали кишилар руҳиятида жиддий ўзгаришлар яшашга, бу орқали ҳаётни, турмуш тарзини, охи-оқибатда жамиятни ислоҳ қилишга эришилади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас. Ўтмишни англаш энг аввало ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир одам қандай оилада дунёга келгани, ўз аجدодлари ким билан бўлгани, ота-боболари нималар билан шуғуллангани ва қандай умр кечирганини билиб олишга интилади. Уларни фазилатлари ва мерослари билан фахрланиб яшайди.

Ҳар бир халқ географик муҳитда узок давом этган тарихий жараёнлар маҳсули сифатида таркиб топган ва ўзига хос сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий

кадриятлар силсиласини яратган. Халқ маданиятининг эзгуликка, яхшиликка хизмат қилувчи кадриятларнинг кўринишлари вақт синовидан ўтиб, ўзининг яшовчанлиги билан сақланиб қолган.

Бугун мустақиллик туфайли халқимиз тақдирида бутунлай янги тарихий давр бошланди. Бу давр мустақиллик, истиқлол ғоялари орқали эндигина шаклланаётган соғлом, ҳар томонлама ҳаётий ва инсон манфаат-ларига хизмат қиладиган ғоялар даври сифатида дунёга келди. Ана шу мил-лий истиқлол, миллий ғоя, миллий фалсафа шаклида пайдо бўлаётган муносабатларимиз бутун ўтмишимиз янгича назар билан баҳолаш, уни қайтадан кўриб чиқиш, шу асосда тарихий хотира ва тарихий тафаккурни шакллантиришни кучли бир эҳтиёж даражасига кўтарди. Тарихий онг ва унга таъсир этувчи омил ҳар бир олинган шахснинг тафаккури, инсоннинг ўзлигини англаши билан боғлиқдир. Инсонни ўзлигини англашдаги муҳим жараёнлар бевосита ва билвосита тарихийлик, тарихий воқеълик, тарихий онг, тарихий хотира тушунчалари мазмун моҳиятидан келиб чиқади.

Ўтган аср халқимизнинг моддий ва маънавий маданиятига жиддий таъсир кўрсатди. Зўрликка ва ягона мафкура ҳукмронлигига асосланган совет тузуми, ҳар қандай ғоя ва мафкурани ўзига душман деб билди. Ушбу тузумда озодлик ва маданият тушунчаси ҳам унинг ғояларидан келиб чиқиб талқин қилинди. Гўёки инсонлар хусусий мулкдан маҳрум этилиб, барчаси тенглаштирилиб, ҳақиқий “озодликка” эришган эдилар. Бунинг учун тарих билан қуроқлантириш ва ыуроқланишимиз лозим. Чунки бизнинг бой тарихимиз билан қуроқланган ҳар бир ёш инсон ғурурли, ифтихорли ва ватанпарвар бўлади. Бундай инсонлар эса иродали инсон бўлиб, ўзга ғоялар таъсирига берилмайди. Улар мамлакатимизда кечаётган ислоҳатларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллатга хос кўпгина сифатлардан миллий ахлоқ, миллий турмуш тарзини ўзига хос жиҳатларига эътибор қара-тадиган бўлсак, бир қарашда уларни турли хил тўсиқлардан асраб қолол-майдиганга ўхшаймиз. Тараққиёт тамойиллари ва цивилизация эҳтиёжлари шундай экан, бунинг учун биз ўтмишда яшамаслигимиз, уни такрорламасли-гимиз, аксинча уни ўрганиш, тадқиқ этишва хулосаларга келиб яшаш керак. Айни шундай хулосалар ва ёшларнинг фикрлари асосида ўз истиқболимизни белгилашимиз, ўзимизни ҳам, жамиятни ҳам маънавий жиҳатдан камолга етишишида ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз даркор. Бу борада Ўзбекистонда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун фикримиз далилидир. Биз ёшлар ўтмишни тиклаш, тарих ҳақиқатини ўз ўрнига қўйиш орқали тушунчаларимизни кенгайтирамиз, тафаккуримизни бойитамиз, ҳаёт фалсафаси орқали ислоҳатлар моҳиятини чуқурроқ англай бошлаймиз.

Илм фан бешигини тебратган, дунёни лол қолдирган, Россияни мўғул истибдодидан, Европани кучли босқиндан халос этган йирик саркарда, давлат бошқаришда алоҳида мактаб яратган Амир Темур бобомиздек буюк зотнинг шу юрт фарзанди эканлиги, подшо Россияси босқини ва Советлар даврида озодлик учун курашган ўзбек халқини исёнчилар, босмачилар ва халқ душманлари деб таъқирлаганларга бу юрт, бу халқ илдизи мустаҳкам бўлганлигини асослаш биз ёшларни даъват этади.

Ўтмиш уни англаганимиздагина хизмат қилишини, келажак эса унинг бунёдкоригагина тегишли эканлигини англомоғимиз зарур. Худди шу ҳақиқатни англаш учун тарихий тафаккур, тарихий хотира зарур деб ўйлаймиз. Тарих фалсафасини биз ёшларнинг ақл-заковатимизга, онгу шууримизга таъсири худди ана шун ғоялар билан белгиланади. Инсон ўзлигини англашнинг юқори даражаси тафаккур – мушоҳада қилишдир. Тарихни ҳаққоний турли мафкуралардан холи ўрганиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, унга ўтмиш, бугун ва келажакнинг узлуксиз занжири сифатида қараш, ўзлигимиз илдизларимиз, миллий қиёфамиз ва истиқболимизни кўриш имконини беради.

SOLVABLE LIE ALGEBRAS WITH NILRADICAL $H_1 \oplus C^{n-3}$ AND MAXIMAL DIMENSION OF COMPLEMENTARY SPACE

Z.Sh.Normatov, K.K. Abdurasulov,

National University of Uzbekistan, Institute of mathematics.

The problem of the classification of solvable Lie algebras in an arbitrary dimension is presently unsolved and is generally believed to be unsolvable. All known full classifications terminate at relatively low dimensions [1]. The description of solvable Lie algebras with abelian nilradical was given in [2] and the full classification such algebras with a maximal dimension of complementary space was presented in [3].

This paper is devoted to the classification of solvable Lie algebras with nilradical $H_1 \oplus C^{n-3}$ (where, H_1 -three dimensional Heisenberg algebra) under the condition that the complementary space Q to the nilradical has a maximal dimension. It is known that $H_1 \oplus C^{n-3}$ is a Lie algebra and its non-trivial multiplications are: $[e_1, e_2] = e_3$.

Definition 1. A vector space with bilinear bracket L , over a field F is called a *Lie algebra* if for any the following conditions hold

$$[x, x] = 0, [x, [y, z]] + [y, [z, x]] + [z, [x, y]] = 0, \text{ for all } x, y, z \text{ in } L.$$

For a given Lie algebra L the sequences of defined recursively as follows:

$$L^1 = L, L^{k+1} = [L^k, L], k \geq 1, L^{[1]} = L, L^{[s+1]} = [L^{[s]}, L^{[s]}], s \geq 1.$$

Definition 2. A Lie algebra L , is said to be *nilpotent* (respectively, *solvable*), if there exists $n \in N$ ($m \in N$) such that $L^n = 0$ (respectively, $L^{[m]} = 0$).

We shall use the notation $R(H_1 \oplus C^{n-3}, n-1)$ for the $2n-1$ -dimensional algebras with nilradical $H_1 \oplus C^{n-3}$. Let $\{e_1, \dots, e_n, f_1, \dots, f_{n-1}\}$ be a basis of $R(H_1 \oplus C^{n-3}, n-1)$, where $\{e_1, \dots, e_n\}$ is a basis of $H_1 \oplus C^{n-3}$ and $\{f_1, \dots, f_{n-1}\}$ is basis of the maximal dimensional complemented space.

Theorem. An arbitrary algebra of the family $R(H_1 \oplus C^{n-3}, n-1)$ is isomorphic to the following Lie algebra:

$$R: \begin{cases} [e_1, e_2] = e_3, [e_1, f_1] = e_1, [e_3, f_1] = e_3, \\ [e_2, f_2] = e_2, [e_3, f_2] = e_3, [e_{k+1}, f_k] = e_{k+1}, 3 \leq k \leq n-1. \end{cases}$$

References:

1. G. M. Mubarakzyanov, Classification of solvable Lie algebras of dimension 6 with one non nilpotent basis element, *izv. Vys. Uchebn. Zav. Mat.* (1963) no. 4 104-16.
2. Ndogmo, J.C., Winternitz, P. (1994). Solvable Lie algebras with abelian nilradicals. *J. Phys. A* 27(2):405-423.
3. J. Q. Adashev, M. Ladra, B. A. Omirov (2017). Solvable Leibniz algebras with naturally graded non-Lie p-filiform nilradicals, *Communications in Algebra*, 45:10, 4329-4347.

МАТЕМАТИЧЕСКОЕ И КОМПЬЮТЕРНОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ПОДЗЕМНЫХ СООРУЖЕНИЙ

Д.К. Носирова,

Академический лицей при Ташкентском университете Информационных технологий.

Последствия сильных землетрясений показывают, необходимость обеспечения прочности подземных сооружений при воздействии сейсмических нагрузок. Для этого требуется разработать новые расчетные математические модели, алгоритмы и прикладные программы определения напряженно-деформированного состояния подземных трубопроводов на действие сейсмических воздействий.

1. Первый этап. Динамическая теория подземных трубопроводов при пространственном нагружении [1], как впрочем, и любая другая теория или информационная система больше не поддаются в необходимой полноте и точности исследованию обычными теоретическими методами. Прямой натурный эксперимент над подземными трубопроводами дорог либо попросту невозможен, поэтому математическое моделирование является неизбежной составляющей сложной теории любого объекта.



Рис.1. Три этапа математического моделирования

Сама постановка вопроса о математическом моделировании какого-либо объекта порождает четкий план действий. Его можно разбить на три этапа: Модель – алгоритм – программа (рис.1) [2].

В качестве объекта в работе рассматривается подземный трубопровод при пространственном сейсмическом нагружении, для которой разрабатывается так называемый «образ», отражающий в математической форме все его важнейшие составы, которым он подчиняется и связи, присущие его составляющим. Математическая модель подземных трубопроводов представляется в виде, удобном для применения численных методов.

Необходимо отметить, математическая модель не просто расчеты на ЭВМ, это в первую очередь изучение основных закономерностей рассматриваемых процессов. Однако на этом работа не кончается. Ведь математическая модель-это не абсолютно точное описание явления, процессов и объектов, а приближенное: все внутренние и внешние факторы, которые действуют, учесть невозможно. Поэтому приходится отбрасывать второстепенные факторы, иначе математическая модель процесса окажется чрезмерно сложной и, тем самым практически нереализуемой и малозначительной. Но здесь не надо забывать, что при этом могут быть отброшены и достаточно существенные свойства изучаемых процессов чтобы проверить это, надо провести численные расчеты на ЭВМ, сопоставить их с хорошо спланированными контрольными экспериментами и анализировать результаты проведенных вычислительных экспериментов (ВЭ). Если получено согласие, то математическая модель считается приближенно адекватной и описывает основные закономерности исследуемых процессов или объектов. Если полученные результаты ВЭ не согласуются с контрольными, экспериментальными данными, надо снова и снова уточнять математическую модель, проводить ВЭ и так до тех пор, пока не будет достигнута совпадение результатов численного расчета с экспериментальными (рис.2) [3].



Рис.2. Схематическое представление этапов математического моделирования и ВЭ

2. Второй этап. На основе математической модели разрабатывается вычислительный алгоритм, который реализует построенную модель на компьютере. Разработанный алгоритм должен быть экономичным и устойчивым, не искажая

основные свойства построенной модели. Кроме того он должен быть адаптирующимся к особенностям решаемых задач и к постоянно изменяющимся потребностям современного рынка информационных технологий.

3. Третий этап. Создается комплекс программных средств или информационные системы, автоматизирующие процесс решения задачи. К ним также предъявляются требования экономичности и адаптивности.

Создав триаду «модель – алгоритм – программа», мы получаем универсальный, гибкий и недорогой инструмент, который тестируется в «пробных» вычислительных экспериментах. После того как адекватность триады исходному объекту удостоверена, с моделью проводятся разнообразные и подробные «опыты», дающие все требуемые качественные и количественные характеристики объекта (в нашем случае подземные трубопроводы). Процесс моделирования сопровождается улучшением и уточнением, по мере необходимости всех звеньев триады [2].

Создание и применение триады невозможно без опоры на самые разные методы и подходы - от качественного анализа моделей до современных языков программирования. Полная система дифференциальных уравнений колебания и граничных условий подземных трубопроводов настолько сложна, что решение краевых задач без применения численных методов и современных языков программирования практически невозможно.

При решении проблемы автоматизации полного расчета подземных трубопроводов с помощью персонального компьютера возникает ряд вопросов связанных с выбором и реализацией алгоритмов счета и получением численных результатов при минимальных затратах ручного труда и машинного времени. Для этого следуют разрешить такие проблемы вычислительной математики, как устойчивость, сходимость и скорость сходимости вычислительных алгоритмов, получение расчетных величин с точностью до 3-4 знаков.

4. Процесс решения конкретной задачи разбивается на следующие этапы:

- Содержательная постановка задачи на языке конкретной дисциплины;
- Постановка краевой задачи;
- Анализ операторов и выбор подходящих методов решения;
- Разработка вычислительных алгоритмов и построение разрешающих уравнений;
- Решение разрешающих уравнений;
- Вычисление значений расчетных величин и оформление их в виде документов;
- Анализ результатов и выработка конкретных выводов или рекомендации.

Каждый из вышеперечисленных этапов рассматривается автономно. В большинстве случаев специалисты ограничиваются промежуточными результатами. В конечных результатах заинтересованы отдельные организации, и или приходится тратить много времени на согласование разрозненных результатов отдельных этапов.

Благодаря техническому прогрессу вопросы недостатка памяти и скорости выполнения расчетов уже не затрагиваются, так как современная техника позволяет использовать большие объемы памяти и высокую скорость. Однако вопрос точности вычислений остается актуальным и в настоящее время.

Литература

- 1 Рашидов Т.Р. Динамическая теория сейсмостойкости сложных систем подземных сооружений. – Ташкент: Фан, 1973. – 179 с.
- 2 Самарский А.А., Михайлов А.М. Математическое моделирование: Идеи. Методы. Примеры. М.: Наука. Физматлит. 1997. – 320 с
- 3 Равшанов Н. Математические модели нестационарных технологических процессов сепарирования многокомпонентных смесей. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора технических наук. – Ташкент. – 2010. С. 25

ВНУТРИКРИСТАЛЛИЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛЬНЫЙ РЕЛЬЕФ В НАНОРАЗМЕРНОМ НИТЕВИДНОМ КРИСТАЛЛЕ СУПЕРИОННОГО ПРОВОДНИКА LaF₃.

Г.С. Нуждов

Институт Ионно-плазменных и лазерных технологий Академии наук
Республики Узбекистан.

Интерес, проявляемый специалистами по исследованию процессов переноса в твердых телах ко фторпроводящим суперионным (СИ) проводникам структурного типа LaF₃ определяется широкими возможностями их применения в различных технических областях [1]. В рамках улучшения технических свойств, например, повышения компактности и механической прочности, характерной для нитевидных кристаллов, так же известных, как вискеры [2], представляется крайне интересным установить соответствие между линейными размерами нанорешетки LaF₃ и активационными энергиями, которые определяют эффективность ионного переноса.

Структура LaF₃ соответствует тригональной сингонии с пространственной группой $P\bar{3}c1$ и шестью формульными единицами в элементарной ячейке. В решетке LaF₃ имеются три типа структурно неэквивалентных ионов фтора – F₁, F₂ и F₃, соотносящихся по числу ионов как 12:4:2. Основными энергетическими параметрами, связанными с массовым переносом ионов в СИ трифторидах, являются энергия E_a образования дефектов типа анионная вакансия–межузельный анион и величина потенциальных барьеров E_m , препятствующих перемещению ионов фтора. К настоящему времени известно [1], что в кристалле LaF₃ характерные для E_a и E_m значения энергии активации лежат в достаточно широком интервале 0.20–0.60 эВ.

Для проведения вкчисления указанный энергетических параметров использовался пакет квантово-химических программ MORAC 2016 [3]. Расчеты профиля потенциального рельефа были сделаны для двух наноразмерных решеток с различающимися линейными размерами. Сами решетки имели форму призм, размеры которых составляли 3.5×2.0×2.2 nm (“трехмерная” решетка) и 27×0.7×0.8 nm (“квазиодномерная” решетка) соответственно вдоль постоянных решеток a , b и c .




Рис.1

Рис. 1 демонстрирует результаты квантово-химических расчетов потенциального рельефа при перемещении иона F₁ из узла в ближайшее междоузлие в “трехмерной” и “квазиодномерной” решетках (кривые a и b соответственно).

Хорошо видно, что в случае “трехмерной” решетки параметр $E_m \approx 0.12 + 0.26 = 0.38$ эВ, а параметр E_a равен 0.16 эВ. В то же время для “квазиодномерной” решетки параметр E_m составляет 0.16 эВ, а параметр E_a равен 0.04 эВ. Такое значительное уменьшение энергетических

параметров, по-видимому, связано с влиянием поверхностных эффектов и может быть использовано при конструировании новых электротехнических устройств.

Литература:

1. Ю.Я. Гуревич, Ю.И. Харкац. Суперионные проводники. М.: Наука. 1992. 244 с.
2. М.Н. Малеев. Свойства и генезис природных нитевидных кристаллов и их агрегатов. М.: Наука, 1971, 199 с.
3. MORAC 2016, James J. P. Stewart, Stewart Computational Chemistry, Colorado Springs, CO, USA, <http://openmopac.net>.

АҲОЛИ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

А.Н.Нурматов – ЎзР ФА Тарих институти.

Бугунги кунда ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини имкон даражасида қондириш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим масалалардан биридир. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг миқдорига эмас балки, сифатига, хавфсизлик жihatларига жиддий эътибор қаратиш лозим. Чунки, хавфсиз озиқланиш ҳаёт давомийлигини узайтиради, болаларнинг баркамол ўсиши ва ривожланишига ёрдам беради, кўпгина касалликларнинг олдини олади, шу орқали миллат саломатлигини таъминланади. Мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги (ФАО) ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силва 2014 йилнинг 5-6 июнь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ўзбекистонда озиқ - овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзuidaги халқаро конференцияда сўзлаган нутқida мамлакатимизда мазкур жабҳада кўлга киритилаётган ютуқларга алоҳида тўхталиб, “2000 йилларнинг бошларидан бугунги кунгача Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида улкан тараққиётга эришди. 2000 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ҳосилдорлик муттасил ошириб келинаётгани бундай хайратланарли ютуқларнинг бош омилidir” дея таъкидлайди.

Ўзбекистон Британиянинг "Экономист" журнали томонидан 2015 йил натижаларига кўра тузилган янги озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси рейтингида 9 поғонага кўтарилгани қайт этилилган. Ушбу рейтингга ҳаммаси бўлиб 109 давлат киритилган. Барча давлатлар учта категория бўйича баҳоланди: озиқ-овқат билан таъминланганлик ва истеъмоли даражаси, уларнинг мавжудлиги ва етарлилиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлик даражаси. Бу мезонлардан ҳар бири 28 та турли кўрсаткични ўз ичига олиб, уларнинг қиймати икки йиллик давр давомида ўлчанган. Ўзбекистон рейтингида 64-ўрин эгаллаши ҳам бу борада олиб борилаётган ишларнинг амалий натижасидир. Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари захиралари фақат экин майдонларини кенгайтириш ҳисобигагина эмас, балки жаҳоннинг илғор тажрибалари, замонавий ва интенсив агротехнологиялар татбиқ қилинаётгани, истиқболли навлар яратилиб, амалиётга жорий қилинаётгани туфайли мустахкамлаб келинмоқда. Шу ўринда озиқ-овқат хавфсизлиги ўз ичига озиқ-овқат билан жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан таъминланганликни ҳамда овқатланиш хавфсизлигини олади (1-жадвал).

1- жадвал. Озиқ-овқат хавфсизлигининг таркибий қисмлари

Озиқ - овқат билан жисмоний таъминланиш	Озиқ - овқат билан иқтисодий таъминлаш	Хавфсиз овқатланиш
Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатининг самарали фаолият юритиши	Аҳоли даромадларининг барқарор даражасини кўллаб-қувватлаш	Маҳсулот ва хомашё сифатини назорат қилиш
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашё бозорларининг ривожланиши	Мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш	Сифатни бошқариш тизимини яратиш ва сертификациялаш
Савдо тармоқларининг ривожланиши	Нарх даражасини тартибга солиш	Аҳоли саломатлигини Яхшилаш
Янги иш ўринларининг яратилиши	Ер участкаларини Хавфсиз олиш учун шароит яратиш	Соғлом турмуш тарзини Шакллантириш
Аҳоли иш билан бандлигини кўллаб-қувватлаш	Бюджет тўловларининг ўсиши	

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат томонидан озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш масаласи бир неча қарор, фармонлар билан мустаҳкамлаб келинмоқда. Истеъмолчиларда “истеъмол маданияти” шаклланганлиги таклиф этилаётган маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлиги яхшиланишига катта таъсир кўрсатади. Сифатсиз маҳсулотларнинг истеъмолчилар томонидан рад этилиши уларнинг бозорларимизга кириб келишини сезиларли камайишига олиб келади. Қарор ва фармонлар ижроси озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолчиси ва уларни таклиф этувчи томонларнинг иккисидан ҳам масъулиятни талаб этади. Уларга ҳар икки томоннинг риоя этиши билангина бозордаги истеъмол маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муҳим масаланинг ечимига эришиш мумкин. Муаммонинг ечимида давлат назорат органларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга, аммо бу иш энг аввало, инсонларнинг истеъмол маданияти, ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ. Биз бугунги кунда ушбу масалага жиддий эътибор қаратишимиз лозим.

МЯГКИЙ ЗНАК: ЗНАЧЕНИЕ, ФУНКЦИЯ И ПРИМЕНЕНИЕ

Н.А.Орзикулова

**учитель русского языка Ангреновского медицинского профессионального колледжа
Ташкентской области.**

Человеческий язык состоит из знаков, и коммуникативная функция языка основывается именно на его знаковой природе. Знаки имеют, во-первых, значение или содержание – эта часть знака называется *означающее*), во-вторых – внешнюю форму, *означающее*¹. При этом между означаемым и означающим существует условная, неприродная связь; поэтому одно и то же означающее может быть передано разными означающими, именно потому существуют разные языки и возможность перевода с одного языка на другой. Знаками являются, например, дорожные знаки, сигналы светофора, телефонные гудки, знаки отличия в армии, цвет парусов на корабле Тесея, экзаменационные отметки, наличие или отсутствие цветка в окне явочной квартиры и т.п.:

№	означающее	означающее
1.	красный сигнал светофора	проезд закрыт
2.	зеленый сигнал светофора	проезд открыт
3.	длинные телефонные гудки	линия свободна
4.	короткие телефонные гудки	линия занята
5.	одна маленькая звездочка	младший лейтенант
6.	одна звезда средних размеров	майор
7.	три звезды средних размеров	полковник
8.	одна крупная звезда	генерал-майор
9.	белый парус	Тесей жив
10.	черный парус	Тесей мертв

В языке информация кодируется при помощи знаков. Основными знаковыми единицами в языке являются слова и морфемы (значимые части слов). Языковой знак произволен – так, понятие «дом» не связано никаким внутренним отношением с последовательностью звуков [д]-[о]-[м]. Означающее языкового знака имеет линейный характер, то есть состоит из определенных элементов, следующих друг за другом. Слова позволяют связывать друг с другом понятийную сферу и сферу звучаний. Использование языка в конкретных ситуациях общения называется речью.

Речь – это конкретное говорение, протекающее во времени и облеченное в звуковую или письменную форму. Речь – это

¹ С.В.Князев, С.К.Пожарицкая. Современный русский литературный язык. Фонетика, графика, орфография. – Москва: 2003. –с.4-5.

форма существования языка, способ его материального проявления, "речь есть индивидуальный акт воли и разума"¹. Хотя язык проявляется в речи, он может существовать и вне ее – так, человек, утративший дар речи, продолжает владеть языком. Под "речью" в современном языкознании понимают не только устную, но и письменную речь. Но среди таких знаков есть особые: мягкий «ь» и твердый «Ъ» знак. Они в языке не кодируют информацию, хотя выполняют важную роль в устной и письменной речи.

Мы рассмотрим мягкий знак – как показателя мягкости согласных.

Буква «ь» пишется внутри слова не после приставок для отделения в произношении согласной от следующих за нею *и, е, ю, я*. Например: карьер, вьюн, бурьян, подьячий, семья, ружьё, ночью, рожью, воробьиный, курьёзный, лисье, лисью, лисьи, чья, чью, чьё, пью, шью.

Но, мягкий знак «ь» перед «о» пишется в некоторых иноязычных словах, как батальон, бульон, гильотина, карманьола, компаньон, миньон, павильон, почтальон, шампиньон.

Буква «ь» пишется для обозначения мягкости согласной, кроме *ч, щ* в конце слова, например: пить, темь, конь, и в середине слова перед твёрдой согласной, например: молотьба, просьба, нянька, меньше. Для обозначения мягкости согласной, стоящей перед другой мягкой согласной, *ь* пишется в следующих случаях:

Если при изменении слова вторая мягкая согласная становится твёрдой, а первая согласная сохраняет свою мягкость. Например: няньки (нянька), свадьба (свадьбе), восьмой (восьми).

Для обозначения мягкости *л*, например: сельдь, льстить, мельче, пальчик. Во всех прочих случаях перед мягкими согласными, в том числе и перед *ч, щ*, буква «ь» не пишется, например: кости, ранний, нянчить, кончик, каменщик.

Примечание. Между двумя мягкими «л» буква «ь» не пишется. Например: иллюзия, Гулливер.

Буква «ь» пишется также в следующих случаях:

В образованных от числительных пять, шесть, семь, восемь, девять сложных числительных, в которых склоняются оба части. Например: пятьдесят (пятидесяти, пятьюдесятью), шестьдесят, семьдесят, восемьдесят, девятьсот.

Но, пятнадцать (пятнадцати, пятнадцатью), шестнадцать и т. п. не пишется буква «ь». В формах творительного падежа множественного числа, например: детьми, людьми, также четырьмя.

В неопределённой форме перед *-ся* и в повелительном наклонении перед *– «ся»* и *-те*, например: пить – напиться; исправь – исправься, исправьте; взвесь, взвесься, взвесьте.

В итоге о букве мягкий знак «ь» можно привести ряд фактов. Но применение мягкого знака служит только для одной цели – обеспечить красоту речи.

ЭРТАК ЖАНРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

П.Отениязов,

ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти.

Дунё халқларининг эртақлари ҳақида йирик илмий тадқиқотларни олиб борган С.Томпсон, А.Аарне, Г.Й.Утер, А.Н.Афанасьев, Н.П.Андреев, В.Я.Пропп, В.Аникин, Е.М.Мелетинский, Э.В.Померанцева, К.С.Аксаков, Ю.М.Соколов, А.И.Никифоров, Т.Г.Леонова сингари фольклоршунослар ўз ўрнига эга. Айниқса, эртақшунослиқда тарихий-географик методнинг асосчиси, фин олими Антти Ааматус Аарне (1867-1925)

¹ Соссюр, Ф. де. Курс общей лингвистики. Екатеринбург, 1999.

нинг «Эртақ типлари кўрсаткичи» («Verzeichnis der Marchentypen») номли буюк асари 1910-йили нашр қилинган. Ушбу асардаги назарий қарашлар 1913-йили чоп этилган «Қиёсий эртақшунослик асослари» («Leitfaden der vergleichenden Marchenforshung») номли йирик тадқиқотида янада такомиллаштирилган. Анти Аарнедунё халқлари эртақларини «мотивлардан ташкил топган сюжетлар» бўйича тасниф қилган ва типларга бўлган. Ушбу асар ҳозирги кунга қадар фольклоршуносликда эпик сюжетлар ва мотивларни тизимлаштириш илмий-назарий асоси сифатида фойдаланилиб келмоқда. Анти Аарненинг «кўрсаткичи» асосан Европа халқлари эртақлари асосида ташкил топган. Айниқса, бир-бирига яқин бўлган туркий тилдош халқларининг олимлари Т.Мирзаев, К.Имомов, Ғ.Жалолов, М.Жўраев, Е.Турсунов, С.А.Каскабасов, Б.Велиев, М.Сакали ва яна бошқа олимлар миллий халқ эртақлари бўйича бир қатор тадқиқотларни олиб борган. К.Имомовнинг «Ўзбек халқ насри поэтикаси», Ғ.Жалоловнинг «Ўзбек эртақлари поэтикаси», Е.Турсуновнинг «Генезис казахской бытовой сказки», Б.Велиевнинг «Туркмен фольклорында дурмушы эртекилериң гелип чықышы» («Происхождение бытовой сказки в туркменском фольклоре») деб номланган илмий асарлари улкан аҳамиятга эга.

Қорақалпоқ фольклоршунослари Н.Давқараев[1], Қ.Айимбетов [2] Қ.Мақсетов [3], Қ.Мамбетназаров [4] ва бошқалар эртақларга боғлиқ айрим масалалар бўйича ўз фикрларини билдириб ўтган. Олим Қ.Мамбетназаров қорақалпоқ халқ эртақларини тўплаш, нашр қилиш, жанр турлари бўйича ишларни олиб борди. Лекин, қорақалпоқ халқ эртақларини даврга мос таснифлаш, келиб чиқишини ва типик, типологик хусусиятларини ўрганиш масалалари ҳалигача боши очик масалалари бири бўлиб келмоқда. Эртақларнинг келиб чиқиши, турлари ва типик характери бўйича халқаро ва республика илмий конференцияларнинг тўпламларида, «Амударё», «ЎзФАҚҚБ Ахборотномаси» («Вестник» («Хабаршысы») журналларида илмий мақолалар, тезислар нашр қилинмоқда.

Адабиётлар:

1. Дәўқараев Н., Шығармаларының толық жыйнағы, 2-т, – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977, 356 б
2. Айымбетов Қ., Халық даналығы, – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988, 492 б.
3. Мақсетов Қ., Қарақалпақ фольклористикасы, – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989, 336 б.
4. Мәмбетназаров Қ. Қарақалпақ ертеклери ҳаққында, – Нөкис: Қарақалпақстан, 1981, 120 б.

КОЛЛАГЕН АСОСИДА ЯНГИ МАҲАЛЛИЙ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ЯРАТИШ О.И.Раджабов, Н.Т.Муйдинов, ЎзР ФА Биоорганик кимё институти.

Юқори самарадорликка эга янги маҳаллий дори воситаларини яратиш ва уни амалий тиббиётда қўллаш бугунги кундаги асосий долзарб муаммолардан бири саналади. Юртимизда ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида тегишли қарор ва фармонлар чиқарилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5229-сонли Фармонида маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Институтимизнинг “Полисахаридлар кимёси” лабораториясида бир неча йиллардан буён қорамол териси чиқиндисидан табиий хусусиятларини сақлаган, биологик фаолликка эга коллаген оксилени ажратиш олиш ва унинг асосида турли хилдаги дори воситаларини олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Коллаген -молекуляр оғирлиги 280-300 кДа, уч спиралсимон тузилишга эга, бириктирувчи тўқималарнинг (кўп микдорда терида, суякда) асосини ташкил этувчи

табий юқори молекуляр модда ҳисобланади. Коллаген сувда эрмайди, лекин айрим органик эритувчиларда (масалан 6% ли сирка кислотасида) яхши эрийди. Коллаген термик беқарор модда бўлиб, эритма ҳолида 35-40°C да, курук ҳолда эса 56-62°C да денатурацияга учрайди.

Ҳозирги амалий тиббиётда табий моддалар асосидаги дори воситаларига талаб ошиб бормоқда. Бунга асосий сабаб, бу турдаги дори воситаларининг кам заҳарлилиги, биомослиги, сўрилувчанлиги каби хусусиятларидир.

Шуларни инобатга олган ҳолда, тери чиқиндисини ишқорий-тузли гизролизлаб олинган коллаген субстанцияси асосида қон тўхтатувчи “Гемогубка” гемостатик қопламаси яратилди. Гемостатик қопламасини олишда содалаштирилган технологик жараён шароитлари ишлаб чиқилди. Шунингдек қопламанинг юқори ғовакли формаси (ғовакларнинг умумий ҳажми 87%) олинди. Натижада қопламанинг суяқликни ютиш хусусияти 5500-5750% гача етди. Олинган гемостатик қоплама ҳайвонларда текширилганда унинг зарарсизлиги, қон тўхтатиш хусусияти юқорилиги ва қон йўқотиш камайганлиги кўрилди.

“Гемогубка” гемостатик қопламаси клиник синовлардан ўтказилди ва амалий тиббиётга қўллаш учун рухсатнома олинди. Ҳозирги кунда эса коллаген асосида бошқа янги дори воситаларини олиш бўйича изланишлар давом этмоқда.

***G.MUSTELINUM* MIERS EX WATT ТУРИНИНГ СЕЛЕКЦИЯВИЙ АҲАМИЯТИ Ф.У.Рафиева, ЎзР ФА Ботаника институти.**

Маълумки, ғўза ўсимлиги ҳосилдорлигини ташкил этувчи компонентлар «бир тупдаги кўсақлар сони», «битта кўсақдаги пахтанинг вазни» ва «1000 дона чигит вазни» кўрсаткичлари ҳисобланади. Шу сабабли, ҳосилдорлик элементларини шаклланишида турлараро дурагайлаш, бу жараёнга ёввойи турлар ва шаклларни жалб қилиш, кенг миқёсдаги ўзгарувчанликка эришиш ҳамда кўплаб ижобий трансгрессив шаклларни ажралиб чиқишига олиб келиши кузатилган. Турлараро F_1 ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни ($F_1G.mustelinum$ x *var.nervosum*; *ssp.ruderae* f.parnat x *G.mustelinum*; $h_p = 5,0$; $h_p = 7,0$) ва 1000 дона чигит вазни ($F_1var. el-salvador$ x *G. mustelinum*; f.brasiliense x *G. mustelinum*; $h_p = 2,4$; $h_p = 3,6$) бўйича гетерозис ва асосан тўлиқсиз доминантлик (битта кўсақдаги пахта вазни $h_p = 0,56$; $h_p = 0,58$; $h_p = 0,14$), (1000 дона чигит вазни $h_p = 0,6$; $h_p = 0,4$; $h_p = 0,2$) тарзида ирсийланиши аниқланган. Битта кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича F_1 авлодда қайд этилган ижобий гетерозис ҳолатлари F_2 ўсимликлари орасидан ота-она шаклларида юқори кўрсаткичларга эга бўлган трансгрессив ўсимликларни ($F_2G.mustelinum$ x *var.marie-galante*; *G.mustelinum* x «Бешқахрамон» реципрок комбинациялари, $h^2 = 0,37$; $h^2 = 0,49$; $h^2 = 0,59$) ажралиб чиқишига олиб келиши аниқланган. 1000 дона чигит вазни белгиси кўрсаткичлари бўйича F_1 , F_2 ўсимликларида ўзгарувчанлик коэффициенти жуда юқорилиги ҳамда, F_1 ўсимликларида эришилган ижобий гетерозис самарасини F_2 ўсимликларида пасайиши кузатилди. Шу билан бирга, F_2 , F_1B_1 ўсимликларида кенг ўзгарувчанлик ҳолати кузатилиб, ўртача кўрсаткичлари бўйича ота-она ва F_1 ўсимликлари кўрсаткичларидан юқори бўлган (1000 дона чигит вазни 130,0-140,0 г, белгининг авлоддан- авлодга берилиш коэффициенти $h^2 = 0,18$; $h^2 = 0,25$) шакллар ажратиб олиш имконияти мавжудлигини кўрсатди.

G.mustelinum Miers ex Watt турини *G.hirsutum* L. тури туричи хилма-хилликлари *ssp. punctatum*, *var.marie-galante*, «Бешқахрамон» нави билан турлараро дурагайлаш натижасида толаси узун ва майин, ҳосилдор ва тола чикими юқори бўлган шакллар ажратиб олинди. Ажратиб олинган ушбу *G.hirsutum* *ssp. punctatum* x *G.mustelinum*, *G.hirsutum* *ssp. glabrum* *var. marie-galante* x *G.mustelinum*, *ssp. euhirsutum*

(«Бешқахрамон» нави) *G.mustelinum* дурагай комбинациялари келгуси генетик ва селекцион изланишлар учун юқори махсулдор, юқори сифатли ва бойитилган генотиплар мажмуасига эга янги ғўза навларини яратишда дастлабки манба сифатида мақсадли фойдаланиш тавсия этилади.

НЕЗАХВАТЫВАЮЩИЕСЯ ЧАСТИЦЫ В ПОЛЕ ЧЕРНОЙ ДЫРЫ ШВАРЦШИЛЬДА ПОМЕЩЕННОЕ В ОДНОРОДНОЕ МАГНИТНОЕ ПОЛЕ

О.Г.Рахимов,

Астрономический институт АН РУз.

Изучается гравитационный захват намагниченных частиц, в поле черной дыры Шварцшильда[1], помещенное в однородное магнитное поле. Помимо сечения захвата частиц, найдены, аналитические выражения для частиц, которые, могут отскакивать от захвата черной дыры[2]. Как нам известно, не всякая частица уходит в бесконечность от черной дыры, преодолевая ее сильное гравитационное поле. Частица, зависимо от своего углового момента L и энергии E , или уходит в бесконечность или попадет в черную дыру, т.е. захватывается черной дырой. В данной работе рассматривается частица с собственным магнитным моментом[3] μ и с массой m , и для простоты будем считать частицу нейтральной.

Известно, что метрика Шварцшильда характеризует поле вокруг не вращающегося компактного объекта:

$$ds^2 = -\left(1 - \frac{2M}{r}\right) dt^2 + \left(1 - \frac{2M}{r}\right)^{-1} dr^2 + r^2 d\theta^2 + r^2 \sin^2 \theta d\varphi^2, \quad (1)$$

здесь M – масса черной дыры.

Рассмотрим движение намагниченной пробной частицы, вокруг невращающейся черной дыры. Траектории частиц, с энергией e , имеет вид:

$$\left(\frac{1}{r^2} \frac{dr}{d\varphi}\right)^2 + V_{\text{эфф}} = e^2, \quad (3)$$

где $V_{\text{эфф}} = \left(1 - \frac{2M}{r}\right) \left(1 + \frac{L^2}{r^2} - \eta\right)$, $\eta = \frac{\beta(1-1/2M)}{(1-1/2M - \Omega^2 r^2)^{1/2}}$ и $\beta = \frac{2\mu m}{B_0}$.

Здесь B_0 – напряженность внешнего однородного магнитного поля вокруг черной дыры, μ – магнитный момент частицы, m – масса частицы и Ω – угловая скорость частицы [4].

Ниже в рисунках (1) и (2) приведены радиальные зависимости эффективного потенциала от магнитного параметра β и углового момента L .




Рис 2. Для разных значения L




Рис 1. Для разных значения β .

Для угла траектории частиц находим следующее выражение:

$$\theta_{кр} = \arcsin \left\{ 3M \sqrt{3 \left(1 - \frac{2M}{r} \right) \left(\frac{1}{r^2} - B \left[1 - \frac{2M}{r} \right]^{\frac{1}{2}} \right)} \right\}. \quad (4)$$

Целью данной работы являлось определение влияния магнитного момента частиц на критические значения угла между радиальным и разлетающийся направлениями частиц, вокруг черной дыры Шварцшильда, помещенное в однородное магнитное поле. Для этого изучена природа эффективного потенциала, которая включает в себя магнитный момент, энергию и угловой момент частицы. Из уравнения (4) видно, что критическое значение угла направления частиц, имеющих магнитный момент, меньше чем классических частиц. По-другому, если в классическом приближении частица должна иметь критический угол направления $\theta_{кр} \geq 90^\circ$, то для намагниченных частиц находим $\theta_{кр} < 90^\circ$.

Литература:

1. Новиков И., Фролов В., Физика черных дыр. — Москва, “Наука”, 1986.
2. Zakharov A., Class. Quantum Grav. **11** (1994) 1027-1033.
3. de Felice F. and Sorge F., Class. Quantum Grav. **20**, 469 (2003)
4. Мизнер Ч., Торн К., Уиллер Дж. Гравитация, 2 и 3т, Москва, “Мир”, 1977.
5. Ландау Л., Лифшиц Е. Теория поля, Москва, “Наука”, 1967.
6. А. Курош. Курс высшей алгебры, , Москва, “Наука”, 1968.

ТАРИХИЙ-МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРНИ САҚЛАШНИНГ БАЪЗИ ЖИХАТЛАРИ

Ф.А.Рахимов,

Ўзбекистон тарихи давлат музейи.

Маълумки, диёримиз жаҳон тарихи ва цивилизациясининг энг қадимий масканлари ва марказларидан биридир. Республика худудида сақланиб қолган юзлаб бебаҳо археологик меъморий ва ёзма ёдгорлик, амалий санъат ва халқ ижодиёти намуналари - буларнинг барчаси халқимизнинг бой ва бетакрор тарихий маънавий меросидир. Ана шу меросни ўрганиш, уни авайлаб асраб келажак авлодларга бенуксон етказиш биз, замондошларнинг шарафли ва маъсулиятли бурчимиздир.

Шундан келиб чиқиб, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, халқимизнинг бой меросини ўрганиш, буюк аждодларимизнинг табаррук номлари ва обрў-эътиборини қайта тиклаш ва шу негизда миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва вазифаси даражасига кўтарилди.

Дарҳақиқат, республикамызда 7 мингдан кўпроқ ёдгорлик, шу жумладан, 2500 меъморий обида, 2700 дан зиёд археология ёдгорлиги, 1800 дан кўпроқ монументал санъат асари давлат муҳофазасига олинган¹. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг барча минтақаларида, хатто олис туманларида айрим ёдгорликларни нурашдан сақлаш ва таъмирлашдан илмий тадқиқот ишлари асосида бутун-бутун меъморий мажмуаларни ва кўхна шаҳарларнинг тарихий марказларини қайта тиклашга ўтилди.

Моддий-номоддий ва тарихий-меъморий меросни сақлаш, унинг муҳофазасига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши том маънода миллий меросни авайлаб асровчи жонкуяр авлодни камол топишида муҳим роль ўйнайди.

Жумладан, «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида» (2001 йил 30 август)², «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурулишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹ library.ziyounet.uz/uz/book/download/14488

² http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=25461. (20.02.2018).

тўғрисида»ги (2000 йил 26 апрел)¹ Қонунлар ва шу каби мамалакатимиз маданият ёдгорликларини муҳофаза қилишга доир ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши фикримиз далилидир.

Ўтган йиллар давомида олиб борилган меъморий-тиклаш ишлари натижасида Самарқанднинг Регистон майдонидаги мажмуа ёдгорликлари, Шоҳизинда, Бибиҳоним меъморий мажмуалари, Амир Темур мақбараси, Руҳобод мажмуаси, Имом ал-Бухорий ёдгорлиги, Бухородаги Калон минораси ва масжиди, Мирараб мадрасаси, Лабиҳовуз мажмуаси, Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари, авдо гумбазлари, шаҳар ташқарисидаги Ситораи Моҳи Хоса ансамбли ва Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси, Хиванинг Ичан қалъасидаги барча меъморий ёдгорликлар, шу жумладан Кўҳна арк, Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва масжиди, Исломуҳжа минораси, Дор-ус-тиловат ансамбллари ва Темурнинг машҳур Оқ саройи, Термиздаги Ҳаким ат-Термизий меъморий ёдгорлиги ва бошқа обидалар сақлаб қолинди.

БМТ нинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ҳузуридаги Умумжаҳон мероси қўмитаси қарори билан 1991 йилда Хивадаги «Ичан қалъа», 1993 йилда Бухоронинг тарихий марказидаги маданият ва тарих ёдгорликлари, 2000 йилда Шаҳрисабзнинг тарихий марказларидаги ёдгорликлар, 2001 йилда Самарқанд ёдгорликлари «Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхати»га киритилди. Жумладан, бугунги кунга келиб мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий ёдгорликларимиз умумжаҳон меъросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган².

Хивадаги «Ичан қалъа»ни Давлат меъморий қўриқхонаси ҳудуди ҳозирги мавжуд қалъа деворлари доирасида белгиланиб, тарихий, бадиий ва меъморий қимматга эга бўлган барча мажмуаларни ўз ичига олади. Хивадаги ижобий тажрибадан фойдаланиб, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг тарихан таркиб топган марказлари ҳам тарихий-меъморий қўриқхоналар деб эълон қилинди. Замонавий янги шаҳарлар гуркираб ўсиб бораётганлиги муносабати билан Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент шаҳарлари учун шундай лойиҳалар ишлаб чиқилиб, муҳофаза қилинадиган, тартибга солинадиган ҳудудларнинг чегаралари аниқ белгилаб кўйилди. Республикадаги мутахассис олимлар ва халқ усталарининг юксак илмий салоҳияти ва моҳирона меҳнати туфайли шундай ишларни амалга ошириш имконияти туғилди.

Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорликларга бой ўнта шаҳри тарихий шаҳарлар рўйхатига киритилган. «Ичан қалъа» қўриқхонасидаги ёдгорликлар 1991 йилдан, Бухоро марказидаги ёдгорликлар эса 1993 йилдан Жаҳон Халқаро Маданий Мероси Рўйхатида туради³. Ҳозирги вақтда Жаҳон Мероси қўмитасига Шаҳрисабздаги Темурийлар даври меъморчилик ёдгорликларига оид ҳужжатлар топширилди. Самарқанд шаҳри ёдгорликларига доир ҳужжатлар эса тайёрланди. Бундан ташқари 26 та нодир обида: Оқ Остона Бобо, Араб ота, Ишратхона, Мир Саид Баҳром мақбаралари, Баҳоуддин Нақшбандий, Чор Бакр, Шайх Мухтор Вали, Ҳаким ат-Термизий ва бошқа ёдгорликларга доир дастлабки талабномалар ҳам тақдим этилган. Кейинги бир қанча йил мобайнида таъмирлаш ишларига давлат аввалги ўн йилликлардан қилинган ҳаражатлардан бир неча баравар кўп маблағ ажратди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислому Каримовнинг буюк бобокалонларимиз ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолоддин Мангуберди таваллуд саналарини, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги ва «Алпомиш» эпоси яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлашга оид

¹ http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=230521 (14.01.2018).

² М.М. Мирвоҳитов «Засыпкин Б.Н. ва Крюков К.С. ижодларида ёдгорликларни таъмирлаш муаммолари» магистр дис. –Т.: 2014. 4-бет.

³ library.ziyounet.uz/ru/book/download/51536

таклифлари ЮНЕСКО томонидан маъқулланиб, мазкур кутлуғ саналар жаҳон миқёсида нишонланди¹. Бу эса халқимизнинг ижод, тарихий ривожланиш жараёнида дунё тарихига ва умуминсоний цивилизацияга қўшган улкан ҳиссаси халқаро ҳамжамият томонидан зўр эҳтиром билан эътироф этилаётганлигидан ёрқин далолатдир. Шунингдек алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш давомида ўша даврларга тааллуқли тарихий ёдгорликлар ва меъморий обидалар қайта таъмирланибгина қолмасдан, миллий анъаналар билан суғорилган кўплаб ажойиб замонавий меъморий мажмуалар ва монументал асарлар бунёд этилди. Шунингдек кейинги йилларда Хулоса қилиб айтганда, мустақилликнинг ўтган чорак асрдан ортиқ вақт мобайнида бир қатор меъморий хотира мажмуалари барпо этилди, улар шаҳарларимиз чиройини таниб бўлмас даражада очиб юборди, маданий меросимизни бойитди ва ўзининг буюк келажagini яратаётган мустақил давлатимиз, жамиятимиз маънавий камолоти йўлидаги янги босқичнинг равшан гувоҳи бўлиб хизмат қилмоқда.

“МАҲАЛЛА” ИНСТИТУТИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ДОИР

Х.Х. Рахмонов,

Навоий Давлат педагогика институти.

Маҳалла институтининг ҳозирги даврда фақатгина Ўзбекистон ижтимоий ҳаётига хослигини ҳисобга олган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, маҳалла кўплаб мусулмон мамлакатларига ўзаро алоқалар, халқаро муносабатлар ва миграция масалаларидан келиб чиққан ҳолда тарқалган бўлиши мумкин. Тарихий адабиётлар эса фикримизни маълум даражада исботлаши мумкин. Масалан, IX аср тарихчиси Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи” асарида Бухорода кўп сонли маҳаллалар, гузарлар мавжуд бўлгани тўғрисида ёзади². Маҳалла институтининг барпо этилиши ва ривожланиши тарихи Ўзбекистон ва хориж тарихшунослигида долзарб масалалардан бирига айланди. Мазкур масала Ўзбекистонда ва хорижда кенг ўрганилиб, тарих, тарихшунослик, жамиятшунослик, сиёсатшунослик, педагогика, психология, социология, ҳуқуқшунослик каби фан йўналишларида илмий тадқиқ этилди. Жумладан, маҳалла институтининг у ёки бу йўналишлари А.Д. Гребенкин³, В.Эшқуватов⁴, М.Қирғизбоев⁵, Н.Б. Қувватов⁶, О. Ҳасанов⁷, И. Жалилов⁸, Р. Жумаев⁹, С. Турсунов, Б. Жўраев¹⁰, Ш. Газиёв¹¹, Г. Исмоилова¹², Н. Лутфуллаева, Н. Хонқулова¹³, Г. Маликова¹⁴, Х.

¹ http://uza.uz/uz/politics/ozbekiston-va-yunesko-hamkorligi-izchil-rivojlanmoqda-02.11.2012-24315?sphrase_id=3759288

² Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий ҳаётида маҳалла ролининг инглиз-америка тарихшунослигида ёритилиши // Вопросы новейшей истории Узбекистана в современной англо-американской научной литературе. – Ташкент, Адабиёт учқунлари. 2015. – Б. 93.

³ Гребенкин А.Д. Ўрта Осиёда маҳалла. – Тошкент, 1993. – Б. 140.

⁴ Эшқуватов В. Маҳалла: ўтмишда ва бугун. – Тошкент, 2009. – Б. 154.

⁵ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти институтлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Академия. 2006. – Б. 126.

⁶ Қувватов Н.Б. Ўзбекистонда ўтиш даври ва жамият тараққиёти. – Тошкент, 2013. – Б. 136.

⁷ Ҳасанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. – Тошкент, 1996. – Б. 220; Ҳасанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. – Тошкент, 1996. – Б. 79.

⁸ Жалилов И. Маҳалла. Ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий кафолати. – Тошкент, Ўзбекистон, 1999. – Б. 230.; Жалилов.Ш. Маҳалла янгиланиш даврида. – Тошкент, Мехнат. 1995. – 72 бет.; Жалилов Ш. Маҳалла; ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий кафолати. – Тошкент, 1999. – Б. 320.; Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари; тажриба, таҳлил амалиёти. – Тошкент, Ўзбекистон. 2001. – Б. 192; Жалилов Ш.Фуқаролик жамиятининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон. 2003. – 203 б.; Жалилов.Ш. Ўзбекистон Республикасининг ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи. – Тошкент, Ворис. 2007. – Б. 316.

⁹ Жумаев Р. Давлат ва жамият; демократлаштириш йўлида. – Тошкент, Шарқ. 1998. – Б. 144.

¹⁰ Турсунов С., Жўраев Б. Маҳалла - мустақил юрт таянчи. – Тошкент, Muhammad. 2012. – Б. 252.

¹¹ Газиёв Ш. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимоя фаолиятини такомиллаштириш муаммолари. – Тошкент, 2009.

¹² Исмоилова Г. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари. – Тошкент, 2005.

¹³ Лутфуллаева Н., Хонқулова Н. Маҳаллада ижтимоий тарбия ва уни барқарорлаштириш йўллари. –Тошкент, 2011.

¹⁴ Маликова Г. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг Конституциявий (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари. – Тошкент, 2009.

Одилқориев¹, З. Реймова², З. Рўзиев³, О. Бўриев, Б. Саидов⁴, А. Тўлаганов⁵, Н. Абдуллаев⁶, А. Мелиқулов⁷, А. Иброҳимов⁸ каби ўзбекистонлик тадқиқотчи ва олимлар асарларида кенг таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла институти масалалари юзасидан ижтимоий фанлар контекстида бир қатор илмий диссертациялар ҳам амалга оширилган. Хусусан, Г.С. Исмаилова⁹, К.К. Калонов¹⁰, Г.Р. Маликов¹¹, З.А. Реймова¹², М. Сувонқулов¹³, Г.Б. Умарова¹⁴, М. Қирғизбоев¹⁵ каби олимлар томонидан маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тарихи, ҳуқуқий асослари, ижтимоий аҳамияти ва маънавий илдизларига бағишланган илмий тадқиқот ишлар амалга оширилган.

Жумладан, В.Эшқуватов “Маҳалла: ўтмишда ва бугун” номли китобида маҳалланинг келиб чиқиши, тарихи ва ҳозирги ҳолати ҳақида фикр юритса, сиёсий фанлар доктори, профессор М.Қирғизбоев Фуқаролик жамияти институтларини таҳлил қилиб, маҳалла институтига алоҳида эътибор қаратади. О.Ҳасанов мустақиллик шароитида маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини таҳлил қилади, И.Жалилов ўз ўзини бошқариш тизимини ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатларини ёритиб беради. Ҳуқуқшунос олимлар Р.Жумаев, Х. Одилқориев, З. Реймова, О.А. Тўлаганов, З. Рўзиев ва Г. Маликовалар давлат ва жамиятни либераллаштириш шароитида сиёсий тизим ҳақида тўхталиб, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларни эркинлаштириш каби масалаларни ёритиб берадилар. Мустақиллик шароитида ижтимоий ҳимоя сиёсати давлат ва жамият ҳаётида бирламчи масала сифатида алоҳида аҳамият касб этди. Шундан келиб чиққан ҳолда Ш. Газиев, Н. Лутфуллаева, Н. Хонқуловалар Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимоя фаолиятини такомиллаштириш муаммоларини таҳлил этадилар.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**М.И.Рахматиллаева, Д.Ю.Исмаилова,
Ангрен педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежи
ўқитувчилари.**

¹ Одилқориев Х. Ўзини ўзи бошқариш органларини эркинлаштириш ислохотлари. – Тошкент, 2011.

² Реймова З. Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми. – Тошкент, 2008.

³ Рўзиев З. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни (назарий-ҳуқуқий масалалар). – Тошкент, 2012.

⁴ Бўриев О., Саидов Б. Маҳалла – миллий тарихий институт. – Тошкент, 2012. – Б. 188.

⁵ Тўлаганов А. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Дарслик. – Тошкент, ТДЮИ. 2002. – Б. 196.

⁶ Абдуллаев Н. Ва бошқ. Маҳалла: норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент, 2007.

⁷ Мелиқулов А. Маҳалла – Ватан ичидаги Ватан. – Тошкент, 2006.

⁸ Иброҳимов А. Ўзбек маҳалласи. – Тошкент, 2007.; Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан Ватан туйғуси. туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996.

⁹ Исмаилова Г.С. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари. юрид.фан. номзоди.дисс. – Тошкент, 2005. – 174 б.

¹⁰ Калонов К. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқарув тизими динамикасини таҳлил қилишда авторитетнинг туган ўрни (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти маҳаллалари мисолида). Соц.фан.ном.дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.

¹¹ Маликова Г. Р. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар). юрид.фан. номзоди.дисс.автореф. – Тошкент, 2004. – 24 б.

¹² Реймова З.А. Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми. юрид.фан. номзоди.дисс. – Тошкент, 2004. – 139 б.

¹³ Сувонқулов М. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий-ҳуқуқий масалалари. юрид.фан. номзоди.дисс.автореф. – Тошкент, 2002. – 24 б.

¹⁴ Умарова Г.Б. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиш ва такомиллаштириш тарихи. тарих.фан. номзоди.дисс. – Тошкент, 2003. – 164 б.

¹⁵ Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши. сиёсий.фан. номзоди.дисс. – Тошкент, 2007. – 342 б.

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий қўлланмаси бўлган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳозирги глобал ривожланиш асоси сифатида баркамол авлодни шакллантириш негизига айланди. Бу эса, мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар эгаллашнинг миллий концепциясига зарурият пайдо бўлиб, бу йўналишдаги ишларни амалга оширишда соғлом ижтимоий муҳит яратиш кун тартибининг асосий масалаларидан бирига айланди. Зеро, янги жамият шароитида таълим-тарбия, айниқса, миллий тарбия жараёнини такомиллаштириш фақат соғлом ижтимоий муҳитдагина амалга оширилади. Бусиз жамиятимиз ривожининг бирор-бир соҳасини ўзгартиришга қодир эмас эдик. Ҳар қандай ислоҳотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб бера олишга боғлиқдир.

Дарҳақиқат, ҳозирги давр бундай маънавий таълим-тарбияни ўзгартириб юборди. Негаки, ахлоқ маънавиятнинг негизини ташкил этиб, у бўлмаса инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди. Фақат етук ахлоқгина кишиларда ҳаётининг мазмуни ва мақсади тўғрисидаги тушунчалар ҳосил қилади[6, 98-99-б.]. Абу Наср Форобийнинг, ҳар бир инсон табиятан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражада етукликка эришишга ҳаракат қилади, деган оқилона концепцияси шахснинг мукамалликка интилиши, ҳар бир инсон ихтиёрига кўра ўз тараққиётидаги энг юксак чўққиларга чиқа олишини ифодалайди.

Қобилият бўлмаса санъаткор муваффақиятга эриша олмайди, аммо ҳаракат ҳам қилмаса қобилият ҳеч нарсага ярамайди. Фақат ақли, идрокли ва шошмасдан ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилиш билангина мақсад қилган ишларининг охирига ета олади. Яъни, буюк сиймолар шахсида турли акмеологик жиҳатлар ўзаро мужассамлашади ва бундай инсонлар руҳиятига концептуал, технологик, коммуникатив, информацион ташкилловчиларининг ўзаро ҳамжиҳатликдаги мутаносиблиги характерлидир. Буюк сиймолар акмеограммасининг ўзига хос жиҳати шундаки, акмеограммик харитада уларнинг ахлоқий тарбиясига алоҳида урғу берилиши эътиборлидир.

Ахлоқ – инсон ҳаётида ўз-ўзини бошқариш меъёрлари, бошқалар билан муносабатда бўлиш маданияти, ҳалол, тўғри соғлом турмуш тарзи кечирish мезонларини белгилайди. Айнан шу мезонлар таълим-тарбиянинг асосий мақсади шахсда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиради[6, 98-99-б.].

Тарих шундан сабоқ берадики, қайси бир давлат ёки жамият ўзининг моддий бойликларини кўпайтириш билан айнаи бир пайтда халқининг маданиятини, инсоннинг маънавий эҳтиёжлари ривожланишини ўйламас экан, у албатта, инқирозга юз тутади.

Мамлакатимиз ўз Истиклолининг биринчи кунлариданоқ хур фикрли, мутелик ва журъатсизликдан ҳоли бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялашга катта аҳамият бераётганлиги бунинг далилидир. Айниқса, Республикаимизнинг ўз мустақиллигига эришган дастлабки кунлариданоқ таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган педагоглар ва ўқувчи-талабаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида талай ишлар қилинганлиги мустақил давлатимизнинг келажагини белгиловчи ёшлар учун қилинаётган ғамхўрликнинг намунаси.

Умуман олганда, иқтидорли болаларга алоҳида мактаб, лицей, гимназия ва гуруҳлар ташкил этиб, уларни энг зўр билимлар яратишга ўргатиш лозим. Янги инновация ва технологиялар яратилиб экспорти Европага етиб борар эди, деган ғояни илгари сурган. Ҳозирча эса, гастербайтерлар экспорт қилинмоқда.

Бу вазибаларни амалга ошириш таълим-тарбия тизимида, айниқса, ўқитувчилар малакасини ошириш борасида қўшимча чора-тадбирлар олиб боришни тақозо қилади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин. Таълимни бошқариш миллий сиёсат асосида амалга оширилмоқда. Зеро, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, таълим жараёнини замонавийлаштириш, инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришда ижтимоий-ахлоқий муҳитнинг етакчи ўрин эгаллаши ва янги жамият кишиси – «Акмешахс»ни шакллантириши яққол кўзга ташланмоқда. Миллий

дастур асосида амалиётда ўз ифодасини топаётган баркамол авлод юксак даражада талабга жавоб берувчи тарбиявий ишларнинг янги метод ва воситаларининг ёшларга ҳаётига кенг кириб бориши, акмешахс қобилияти, истеъдоди, изланиши ва янгиликка интилиши руҳида яшаш имкониятини яратмоқда. Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, Фан самарадорлигини сифат жиҳатдан оширишга қуруқ даъватлар билангина эришиш мумкин эмас. Илмий кадрларга муносабатни ҳам тубдан ўзгартириш, уларнинг ижтимоий мақомини қатъиян ошириш, чуқур структура ўзгаришлари қилиш зарур. Кадрлар тайёрлаш жараёнига бу каби ёндошув – билимга асосланган иқтисодиёт модели, десак асло хато қилмаган бўламиз.

Адабиётлар:

1. Авесто. «Видевдат», 3-фаргард, 2-3 бандлар. -Тошкент: Шарқ, 2001.
2. "Авесто" ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. –Тошкент: Фан. 2001.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг тамойиллари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.
5. Тиллаева Г.Ҳ. Оила ва инсон камолоти. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти ноширлик бўлими, 2011.
6. Шоамирова Ю. Ўзбек оиласи маънавияти тарихига бир назар. //Жамият ва бошқарув. 2002. 4-сон.

АБУ НАСР ФАРОБИЙ – ЎЗБЕК ПЕДАГОГИКАСИНИНГ БУЮК ВАКИЛИ Ш.А.Рахмонова, Тошкент вилояти Ангрэн шаҳри Тиббиёт КХК касбий фан ўқитувчиси.

Фаробий (тахаллуси). Тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон бўлиб. Ўрта Осиёнинг машҳур файласуфи, мутафаккири ва қомусий олими, фаннинг турли соҳалари бўйича ўз тадқиқотлари билан, жаҳонга танилган мутафаккирдир. У юнон фалсафасини чуқур билганлиги, унга шарҳлар битганлиги ва жаҳонга тарғиб қилганлиги ҳамда замонасининг илмларини чуқур билганлиги, фанлар ривожига улкан ҳисса қўшганлиги учун “Ал-муаллим ас-соний”, “Иккинчи муаллим” (Аристотелдан кейин), “Шарқ Арастуси ” каби номларга сазовор бўлди. Фаробий (Фароб-873 туғ.- Дамашқ -950 вафот этган) Сирдарё қирғоғидаги Фароб-Ўтрор деган жойда туркий қабилага мансуб ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топади. Ўша даврда Мовароуннаҳрда Сомонийлар сулоласи ҳукмронлик қилаётган эди.

Фаробий илк ўрта асрда, Шарқ Уйғониш даврида ижод этди. Бу давр ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, ҳунармандчилик, ирригация иншоотларининг юксалиши, янги шаҳарларнинг бунёд этилиши, маданий ва маънавий ҳаётнинг раванқ топиши билан ажралиб туради. IX-X асрларда ички ва ташқи савдо кучайди, айниқса, Ҳиндистон, Ҳитой, Византия, Африка ва бошқа мамлакатлар билан алоқа йўлга қўйилди. Бу давр қарама-қаршилик ва зиддиятлардан холи эмас эди. Араб ҳалифалигига қарши ҳалқнинг норозилиги, халқ кўзғолонлари рўй бериб турди. Шу билан бирга X-XI асрларда илм-фан ва маданият бекиёс даражада ривож топди, айниқса, табиий фанларга, антик давр фалсафасини ўрганишга қизиқиш кучайди. Ал-Қиндий, ар-Розий, Ибн Сино, Беруний каби қомусий олимлар етишиб чиқди. Уйғониш даврининг яна бир муҳим хусусияти инсон ва унинг фазилатларини тасвирлаш бўлди. Шоиру олимлар. бадий адабиёт ва санъатнинг улкан намояндалари асарларида инсоннинг гўзал хислатлари одабийлик, мардлик, шижоаткорлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳр-шафқат, ўзаро ёрдам, саҳийлик, олиҳимматлик, касб-ҳунарни, эгаллаш, билимдонлик, донолик кабилар куйланди.

Фаробийнинг илм-фан олдидаги хизматларидан бири унинг қадимги юнон мутафаккирлари асарларини шарҳлаши ва уларни янги ғоялар билан бойитишидир. Аллома, энг аввало, Арасту асарларига шарҳлар битган, унинг натурфалсафий

Ғояларининг тарғиботчиси ва давомчиси сифатида танилган. Форобий, шунингдек, Афлотун, Александр Афродизийский, Евклид, Птоломей, Порфирий асарларига шархлар ёзганлиги маълум. Булардан ташқари Гиппократ, Эпикур, Феофраст, Анаксагор, Диоген, Хризипп, Аристипп, Сукрот, Зенон асарларидан хабардор бўлган ҳамда эпикурчилар, стоиклар, пифагорчилар, киниклар мактабларини яхши билган.

Буюк фаласуф Арастунинг «Топика», «Категориялар», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Метафизика», «Жон ҳақида», «Политика», «Риторика», «Этика», «Софистика» ва бошқа асарларига шархлар ёзган. Шунингдек Форобий Афлотуннинг «Қонунлари», Птолемейнинг «Алмагест», Порфирийнинг «Кириш», Александр Афродизийскийнинг «Жон ҳақида», Евклиднинг «Геометрия» рисолашига ва бошқаларга шархлар битиб, уларга ўз муносабитини билдирган. Шунингдек айтиш лозимки, у Афлотун ва Арасту йўл қўйган хатоларни бартараф қилиб, фалсафани ўрганиш соҳасида ўз услубини яртган Юнон фалсафасини чуқур ўрганганлиги ва фалсафий ва бошқа илмлар соҳасида оламшумул аҳамиятга молик асарлар яратганлиги учун олимга «Иккинчи муаллим», «Муаллими соний», шарафли унвони берилган.

Фанлар таснифи. Форобий ўрта асрларда мукамал ҳисобланган илмлар таснифини яратди. У «Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида», «Илмларнинг таснифи ҳақида» номли рисолаларида ўша даврда маълум бўлган 30 га яқин илм соҳасини тавсифлаш тафсилотини баён қилиб берди. Мутафаккир табиат ва инсон организмга хос бўлган табиий жараёнларни ўрганувчи илм соҳаларини биринчи ўринга қўйди. Форобий илмларини вуйидаги таснифини беради:

1. Тил ҳақида илм. Грамматика, орфография, шеърят, тўғри ёзув ва бошқаларни ўз ичига олади
2. Мантиқ. Саккиз бўлимдан иборат бўлиб, тушунча, муҳокама, хулоса, силлогистика, диалектика, софистика ва бошқаларни қамраб олади.
3. Математика. Арифметика, геометрия, астрономия, механика, оптика, сайёралар, мусиқа ва оғирлик ҳақида илмдан иборат.
4. Илм ат-табиий ва илм ал-илоҳий. Табиий ва илоҳий илмлар ёки метафизика.
5. Шаҳар ҳақидаги илмга сиёсий илм, фикр (юриспуденция), педагогика, ахлоқшунослик ва калом (муслмон теологияси) киради.

Форобий фанларни тақсимлашда борлиқ хусусиятларининг таҳлилидан ва уларнинг фанда ақс этишидан келиб чиқади. Унинг таснифи, энг аввало, табиатни, тафаккур ва нутқни, тил ва мантиқни ўрганишга қаратилган эди.

РНК ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ОЛИНГАН ҒЎЗАНИНГ (*GOSSYPIUM SPP.*) АЙРИМ ЛИНИЯЛАРИДА ТОЛА КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

**Х.С.Рўзиев, Х.М.Абдираимова, А.С.Имамходжаева, З.Т.Буриев,
ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази.**

РНК интерференция организмдаги муайян генлар фаоллигини тўхтатиб қўйиш имконини беради. ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан ғўза ўсимлигидаги *РНУА1* генини РНК-интерференция қилиш натижасида толаси узун ва сифатли, серхосил ва эртапишар Кокер-312 ғўзанинг генотиплари олиниб унинг асосида агрономик белгилари такомиллашган ғўза навлари яратилди.

Янги биотехнологик линияни яратишда *РНУА1* гени РНК-интерференцияланган ғўзани Кокер-312 ўсимлиги ва АН-Боёвут-2 навидан фойдаланилди. Ушбу объектлар чақиштирилди ва F_2 авлодининг тола сифат кўрсаткичларитаҳлили олиб бирилди.

F_2 авлодинитола сифат кўрсаткичларини тўла таҳлил қилиш мақсадида «Сифат» маркази билан ҳамкорликда тола сифати аниқланди. Унда тажриба вариантыдаги

ғўзалардан йиғиб олинган пахта толаларининг сифат кўрсаткичлари, яъниюқори ўртача узунлиги - **УНМ**, пишиқлиги - **Str**, микронейри (ингичкалиги) - **Mic**, бир хиллилик даражаси - **Unf**, калта тола идекси - **SFI**, ярқироқлиги - **Rd**, ранг категорияси - **CG** ва сариқлик - **+B** даражаси тўла таҳлил қилинди.

Иккинчи авлод дургайларида (F_2) тола типига эътибор берилса, назорат ғўзалардаги 3 ва 4 типли тола, биотехнологик ғўзаларнинг кўпчилик генотипларида 2, 1, 1б, 1а типгача ўзгарганлиги диққатга сазовор. Бундан ташқари, F_2 авлод дурагайларида тола сифатини белгилашда энг мухим бўлган микронейр, пишиқлик, бир-хиллилик даражаси такомиллашган. Ушбу дурагайлар ичида толанинг ўртача узунлиги 1.37 дюйм (штапел узунлиги 43 мм дан ошиқ), пишиқлиги 31.5 гс/текс, микронейри 3.8, бир-хиллик даражаси 90% каби ёки шунга яқин бўлган бир неча ўнлаб юқори сифатли генотиплари учради. Маҳаллий АН-Боёвут-2 навида эса толанинг юқори ўртача узунлиги (УНМ) 1.17 дюйм (штапел узунлиги 36 мм), пишиқлиги 30.65 гс/текс, микронейри 4.9, бир-хиллик даражаси 86% ни ташкил этади. Бу натижалар, РНК интерференция технологияси ёрдамида барча ўрта толали ғўзаларнинг тола сифатини кескин яхшилаш мумкинлигини кўрсатади.

**YOSHLAR MA'NAViy BARKAMOLLIGINING
IJTIMOIY – HUQUQIY ASOSLARI**
N.A.Saidkulov,
Guliston davlat universiteti tadqiqotchi-o'qituvchisi.

Bugungi kunda xalq tinchligi, yurt farovonligi har tomonlama kuchli, bilimli, mustaqil fikrlaydigan, o'zining hayotiy pozitsiyasi va qat'iy e'tiqodiga ega, jamiyat hayotida munosib o'rin egallash, mamlakatni isloh qilish va yangilash jarayonlarida hal qiluvchi kuch va tayanch bo'lishga qodir yoshlarlarimizga bog'liqdir.

Mustaqillikni ilk kunlaridayoq jamiyat a'zolarining, xususan yoshlarni ta'lim-tarbiyasi bilan bir qatorda ma'naviy-ma'rifiy olamini boyitish davlat siyosatini asosiy yo'nalishi sifatida qaraldi.

Mamlakatimiz mustaqil bo'lganiga qariyb 26 yil bo'lgan bo'lsa, shu qisqa vaqt davomida yoshlarga oid juda ko'p va ho'p xayrli ishlarga qo'l urildi. Bugungi kunga qadar bevosita yoshlarga taalluqli bo'lgan O'zbekiston Respublikasining 100 dan ziyod Qonun hujjatlari, shundan O'zbekiston Respublikasining 10 dan ortiq Qonunlari, O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidentining 30 dan ortiq farmonlari va qarorlari, Vazirlar Mahkamasining 40 dan ziyod qarorlari qabul qilingan. Jumladan, 2014-yil mamlakatimizda "Sog'lom bola" yili deb e'lon qilinishi, O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidentining 2014-yil 6-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishga qaratilgan qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmoni, 2014-yil 29-fevraldagi "Sog'lom bola yili" davlat dasturi to'g'risida"gi qarori hamda 2016-yil 14-sentabrda qabul qilingan "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi qonunlarni olib borilayotgan islohotlarning huquqiy asosi deyish mumkin.

Shunday ekan, O'zbekistan zaminida yashayotgan har qaysi odam mamlakatimizda olib borilayotgan va ko'zda tutilayotgan barcha islohotlar, avvalambor, uning manfaati, uning oilasi va farzandlari uchun, shu yurtning farovonligi va taraqqiyoti uchun amalga oshirilayotganini aniq-ravshan anglab yetishi nihoyatda muhim ahamiyat kasb etadi. Buning uchun, avvalo, o'z ustimizda ishlashimiz, huquqiy madaniyat, huquqiy ongimizni yuksaltirishimiz, siyosiy faolligimiz va fuqarolik mas'uliyatimizni oshirishni bugungi kunda oldimizda turgan eng muhim vazifalardan biri sifatida qabul qilishimiz darkor.

Yuqorida keltirilgan fikrlarga asoslanib, quyidagi nazariy va amaliy tavsiyalarni keltirish maqsadga muvofiqdir:

- yoshlarda yuksak ma'naviyatni shakllantirishga xizmat qiladigan qonun hujjatlarini yanada takomillashtirish zarurligi;

- sog'lom turmush tarzi, millatlararo totuvlik, o'zaro mehr-oqibat muhitini mustahkamlash bo'yicha ma'naviy-ma'rifiy dasturlarni amalga oshirish;

- milliy va xalqaro huquq normalarini qiyosiy tahlil qilish va yoshlar huquqiy madaniyatni yanada yuksaltirishning zarurligi;

- OAV orqali mamlakatda kechayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar va O'zbekistonning xalqaro aloqalarini tahlil qilish borasida tizimli yondashuvlarni ishlab chiqish.

Biz yashayotgan XXI asr – intellektual boylik hukmronlik qiladigan asr. Kimki bu haqiqatni o'z vaqtida anglab olmasa, intellektual bilim, intellektual boylikka intilish har qaysi millat va davlat uchun kundalik hayot mazmuniga aylanmasa – bunday davlat jahon taraqqiyoti yo'lidan chetda qolib ketishi muqarrar.

Hayot, taraqqiyot doimiy yuksalishda, yangi-yangi marralar sari odimlayveradi. Yurtimizning ertangi kuni, taraqqiyoti uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir yetuk mutaxassis yoshlar Vatanimiz rivoji yo'lidagi ezgu sa'y-harakatlarni amalga oshiradigan, ro'yobga chiqaradigan qudratli kuchdir.

99897 340-22-99, mannur_25@mail.ru

“МИЛЛИЙ ТЕАТР” ФЕНОМЕНИ ВА ЎЗБЕК ТЕАТРИДА АНЪАНАВИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ

Б.Сангиров,

Ўз РФА Санъатшунослик институти.

“Феномен” тушунчасини фалсафа тарихида Аристотель “кўрунувчи”, “туюлувчи” маъносидаги мавхум тушунча сифатида ишлатса, Лейбниц уни тажрибадан маълум бўлган далилларга нисбатан қўллаган. И.Кант, Brentano фалсафасида феномен тушунчаси остида жамики илмий объектлар назарда тутилади. XX аср бошида Э.Гуссерль феноменологияга таъриф бериб, уни “йўқолтилган ва унутилган кадриятларни топишга кўмак берувчи фалсафий археология” деб таърифлайди. “Миллий театр” феноменига Гуссерль назарияси нуқтаи назаридан ёндашиш замонавий ўзбек театри санъати ва театр илмида “миллий театр”, “ўзбек замонавий театри”, “модерн театр” тушунчаларининг моҳияти ҳақида қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1. Ибтидоий этикодий-диний қарашлар, тотемизм, анимизм Ўзбекистонда диний маросимлар, урф-одатлар театрлашган томоша санъатларининг пайдо бўлишига олиб келди.

2. Милоддан аввалги VII асрда пайдо бўлган зардуштийлик динининг эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашни тарғиб этиши мифлар, ривоятлар тарихий ва афсонавий қахрамонларнинг ва театр санъатида конфликт тушунчасининг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

3. VII асрда Марказий Осиё худудига ислом динининг кириб келиши театр санъатининг мустақил ривожланишига тўсқинлик қилган бўлсада, ислом динини тарғиб қилишда актёрлар, сўз усталари (маддоҳлар)дан фойдаланилиши, эски мавзуларнинг диний қиссалар билан алмашиниши, қиссагўйлик, воизлик санъатининг пайдо бўлиши, оғзаки драматургиянинг ривожланишига таъсир кўрсатди.

4. Жадид театрида миллий урф-одатлари, хусусан тўй маросимларининг сахнага олиб чиқилиши миллий ёзма драматургиянинг шаклланиши, профессионал ўзбек театрининг миллий табиати, хусусиятларини ривожланишига туртки бўлди;

5. Уруш йилларида тарихий асарларнинг сахналаштирилиши халқ тарихий кадриятларининг тикланиши ва ўзбек театри тарихида “маҳобатли спектакллар”ни яратишнинг ўзига хос услубий хусусиятларини белгилаб берди;

6. 1970 йиллар театр режиссурасидаги ижодий ўзгаришлар анъанавий театр услубларининг ўзига хос талқинини вужудга келтирди;

7. Истиқлол даври сахна санъатидаги ижодий эркинлик халқ миллий кадриятларини тиклаш, тарихий ҳақиқатни англаш, халқ этномаданиятининг миллий

ментал хусусиятларини саҳнада ифода этиш ва миллий қаҳрамон яратишнинг ўзига хос мезонларини белгилади;

8. Қадриятларнинг миллий ва умуминсоний жиҳатларини саҳнада талқин этиш замонавий миллий театр моделини яратишда муҳим рол ўйнади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ МАДАНИЯТИ

М.Сариқулова,

**Тошкент вилоят Ангрен шаҳар педагогика ва хизмат кўрсатиш КХК «Тарих»
фани ўқитучиси.**

Марказий Осиё халқларининг Олтой, Жанубий Сибирь, Мўғулистон, Ўрта Осиё ҳудудларидаги ибтидоий яшаш тарзи деярли умумийдир. Ибтидоий инсоннинг бу ҳудудлардаги умумийлигини кўрсатувчи далиллар, биринчи навбатда, ҳаёт тарзига-овчилик, деҳқончилик, хунармандчилик, чорвачиликка асосланганидир. Шунингдек, мазкур ҳудудлардаги қавмларнинг қайси ирқларга мансублиги ҳам масалага маълум даражада аниқлик киритишга ёрдам беради. Шунини эътиборга олиш керакки, мўғуллар истилосига қадар Ўрта Осиёдаги туркий халқлар қиёфаси мўғул ирқига мансуб эмас эди.

Милоддан олдинги II асрда Юнон - Бактрия шоҳи Деметрий Амударё қирғоғида шаҳар барпо қилди. Чунки Амударёнинг кечуви азалдан айнан шу ерда жойлашган эди. Натижада шаҳар дастлаб Дермед номини олди ва аста - секин Термизга айланди (*Дермед–Термед–Термез*). Термиз шаҳри барпо бўлгандан буён икки минг йилдан кўпроқ вақт давомида мазкур ҳудуд ҳар жиҳатдан ривожланиб борди. Археологик тадқиқотлар бу шаҳарнинг Кушон империяси давридаги тузилишини тасаввур қилишга имкон беради.

Термиз айнан Кушонлар даврида тезлик билан ривожланиб борди. Шаҳарнинг умумий майдони 500 гектарни ташкил қиларди. Шаҳарнинг маркази ҳарбий кўрғон бўлиб хизмат қилган. Шу кўрғондан бошлаб бир томонда савдо-хунармандчилик дўконлари, иккинчи томонда ибодатхоналар қурила бошлади. Мил.ав. II асрдан бошлаб Ҳиндистондан кириб келган буддавийлик бу шаҳардаги диний маданий муҳитни белгилаб берди. Чингизтепа, Қоратепадаги будда ибодатхоналари шундан далолат беради. Шаҳар ўртасидан катта анҳор кесиб ўтган. Бу анҳор аҳолини сув билан таъминлаган. Термиз савдо йўли устида бўлиб, Сўғд, Хитой Помирга борадиган қаровонлар шу ердан ўтган. Амударёнинг кечуви эса Бактриянинг асосий шаҳри Балхга олиб борган.

Далварзин тепадаги Чағониён шаҳри ҳам меъморчилик жиҳатдан деярли кўҳна Термиз шаҳрининг меъморчилигига ўхшайди. Кўп қиррали ҳарбий қалъа тепалик устига қурилган. Жануб томондан шаҳар майдони туташади. Майдон мустаҳкам деворлар билан ўралган бўлиб, атрофи, худди ҳарбий қалъа атрофида бўлгани сингари, ҳандақ билан ўралган.

Милодий I-III асрларда қадимий Ўзбекистон ҳудудида шаҳарларнинг бунчалик тез ривож топгани ва савдо, хунармандчилик, ҳарбий - маъмурий тузилмага эътибор берилгани ҳарбий меъморчиликни юзага келтирди. Қадимий иншоотларнинг қолдиқлари шундан далолат беради.

Меъморчиликнинг ривож топиши натижасида қурилиш материаллари ҳам такомиллашди. Сўғд, Хоразм, Бактриядаги иншоотларда фойдаланилган квадрат шаклдаги ғишт қурилиш материалларининг такомиллашувига хизмат қилди ва меъморчилик янги босқичга кўтарилди. Яна шуниси диққатга сазоворки, ғиштларнинг бир қисмида тамғалар босилган. Хоразм (Жонбос қалъа, Тупроқ қалъа), Бактрия (Термиз, Айритом, Хоанақоҳтепа), Марғиёнадаги қурилиш ғиштларида шундай тамғалар учрайди. Олимларнинг тахмин қилишларича, бу тамғалар маълум бир

қабиллага тегишли бўлиб, қабилалар ҳисоб-китоб олиб боришлари учун ёки қайси ҳунармандчилик устахонасига тегишли эканини кўрсатиш учун ҳам фойдаланганлар.

Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидаги иншоотлар меъморчилиги ўзига хос. Айниқса, Хоразмдаги Қўйқирилган қалъадаги иншоотнинг (мил. ав. III аср) тузилиши диққатга сазовор. Бу иншоот думлоқ шаклда қурилган, 42 метрли цилиндр шаклидаги бино ўртада. Бинонинг биринчи қавати бутун сақланган. Тахминларга кўра, Қўйқирилган қалъа дафн одатлари билан ё фазовий жисмлар культуни ўзида намоён этади ёки Хоразм шоҳларининг сулолалари култи билан боғлиқ муҳим сиёсий марказни гавдалантиради.


Умуман, Қўйқирилган қалъа бу ерда жуда қадимги вақтлардаёқ меъморчилик юксак ривожланганлигини кўрсатади, шунингдек, катта ибодатхона хўжалиги манзарасини акс эттиради. Ибодатхона билан бир қаторда устахоналар, яшаш уйлари, омборхоналар, ҳам бор. Ўзига хос кичик “шаҳарча” кўринишидаги бу қалъада ҳаёт Ўрта Осиё аҳолисининг юксак турмуш тарзини кўрсатади.

ОСОБЕННОСТИ ИНТЕГРИРОВАНИЯ ВОЗОБНОВЛЯЕМЫХ ИСТОЧНИКОВ ЭНЕРГИИ В СЕТЬ

Ш.Э.Саъдуллаева,

Международный институт Солнечной энергии.

Страны, принявшие в качестве одной из стратегических задач переход к низкоуглеродной экономике и "чистой" энергетике столкнулись с проблемой решения технических аспектов интеграции возобновляемых источников энергии (ВИЭ) в существующие и проектируемые электрические сети. Интегрирование ВИЭ в сеть требует модификаций и изменений в процессах проектирования и планирования электроэнергетической системы (ЭЭС) для обеспечения гибкости, введения добавочных резервных мощностей, оперативного диспетчерского управления, усовершенствованной системы прогнозирования и дополнительных систем контроля и регулирования напряжения[1]. С принятием ПП-3012 от 26 мая 2017 года «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы» [2], юридические и физические лица на территории РУз получили возможность подключения собственных генерирующих установок на основе ВИЭ к сетям единой ЭЭС на условиях блок-станций. Для масштабирования внедрения ВИЭ должны быть реализованы следующие мероприятия:



Данные этапы позволят сформировать оптимальные решения сетевой интеграции в Узбекистане, что в конечном счете максимизируют экономическую эффективность при обеспечении надежности и устойчивости работы системы.

Литература:


1. Среднеазиатский проект ЮСАИД "Энергия будущего" (Power the future).

2. О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы.

ДИАГРАММА РАСТВОРИМОСТИ СИСТЕМЫ $2\text{Na}^+, \text{Mg}^{2+} // 2\text{Cl}^-, \text{SO}_4^{2-} - \text{H}_2\text{O}$

А.А.Сидиков, А.У.Эркаев, Б.Х.Кучаров, З.К.Тоиров, Т.Олимов,
Институт общей и неорганической химии АН РУз.

Во взаимных системах с участием воды имеются четыре соли, составленные из двух катионов и двух анионов, связанные между собой уравнением обменного разложения:



Согласно правилу фаз и закону сохранения массы веществ, во взаимной системе из четырех солей в отсутствие воды имеются только три независимых компонента. Диаграмма состава взаимной системы может быть представлена в виде квадрата, в вершинах которого помещаются четыре соли таким образом, чтобы соли одной стороны уравнения были расположены на концах одной диагонали, а вторая пара солей – на концах другой диагонали. Квадрат состава может быть разбит той или другой диагональю на два треугольника. Так как во взаимных системах имеются три независимых компонента, то в каждой нонвариантной точке внутри квадрата могут сходиться друг с другом лишь три поля и три кривые совместной кристаллизации. Для изучения и использования морской воды, соляных озер и месторождений сульфатного типа необходимо знание свойств равновесной взаимной системы из хлоридов и сульфатов натрия и магния, где ведущая роль принадлежит химикам-технологам.

При изучении нами растворимости во взаимной водной системе из хлоридов и сульфатов натрия, магния равновесие фаз наступало через 3-4 суток. Исходными точками исследования четверной системы $2\text{Na}^+, \text{Mg}^{2+} // 2\text{Cl}^-, \text{SO}_4^{2-} - \text{H}_2\text{O}$ явились двойные эвтонические растворы граничных тройных систем. Потребность в монографическом изложении результатов многочисленных работ, посвященных исследованию взаимной системы из хлоридов и сульфатов натрия и магния, является неотложной, так как кроме галлургической промышленности, в результатах изучения соляных равновесий заинтересованы химики-неорганики, физико-химики, технологи, геологи, гидрогеологи, почвоведы, мелиораторы и другие. В водной системе $2\text{Na}^+, \text{Mg}^{2+} // 2\text{Cl}^-, \text{SO}_4^{2-} - \text{H}_2\text{O}$ сульфаты, хлориды натрия и магния взаимодействуют по реакции: $2\text{Na}^+, \text{Mg}^{2+} // 2\text{Cl}^-, \text{SO}_4^{2-} - \text{H}_2\text{O}$



Для определения характеристики равновесия и условий образования сульфата магния предварительно были исследованы растворимости следующих солей: Na_2SO_4 ; MgCl_2 ; NaCl ; MgSO_4 . Парная растворимость этих солей в воде, была изучена нами в предыдущих работах, результаты которых не противоречат литературным данным. Диаграмма растворимости солей представляет собой горизонтальную проекцию политермы системы $2\text{NaCl} + \text{MgSO}_4 \rightleftharpoons \text{Na}_2\text{SO}_4 + \text{MgCl}_2$, построенную по методу диаграмме Инке.

Нанесены изотермы при $-20, -10, 0, 25, 50$ и 75°C . Из сравнения произведения растворимостей пар солей этой системы следует, что произведение растворимости пары NaCl и MgSO_4 при интервалах $0-75^\circ\text{C}$ больше чем пары Na_2SO_4 и MgCl_2 , поэтому исходная пара солей NaCl и MgSO_4 является неустойчивой и, следовательно, эти соли не могут совместно находиться в твердой фазе. А при интервалах температуры $0-75^\circ\text{C}$, наоборот, произведение растворимости пары NaCl и MgSO_4 меньше чем пары Na_2SO_4 и MgCl_2 , поэтому исходная пара солей NaCl и MgSO_4 является устойчивой и следовательно, эти соли могут совместно находиться в твердой фазе. Это показывает

реакция в интервале $-20-0^{\circ}\text{C}$, которая протекает в правую, а в интервале $0-75^{\circ}\text{C}$ в левую сторону, а при -7°C появляется точка инверсии данной системы.

Например, для пары солей $2\text{NaCl} + \text{MgSO}_4$ и $\text{Na}_2\text{SO}_4 + \text{MgCl}_2$, связанных реакцией обменного разложения, величины растворимости для четырех солей в процентах на 100г раствора воды при $-20, -10, 0, 25, 50$ и 75°C .

ТУРЛИ ГЕНОМЛИ ГЕКСАПЛОИД ($2n = 78$) ДУРАГАЙЛАРИДА ГУЛТОЖИБАРГ АНТОЦИАН ДОҒИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

**Б.А.Сирождинов,
ЎзР ФА Ботаника институти.**

Маълумки, гултожибарг антоциан доғи ғўза турларининг асосий морфологик маркерларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотларда диплоид ($2n = 26$) F_1 *ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) дурагай комбинациясида гултожибарг асосидаги антоциан доғи бор, тетраплоид ($2n = 52$) *G.hirsutum ssp. euhirsutum* Келажак навида эса гултожибарг асосидаги антоциан доғи йўқ эканлиги аниқланди. $F_1\text{C}$ Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) дурагайларида гултожибарг асосидаги антоциан доғи белгиси *G.hirsutum ssp. euhirsutum* Келажак нави каби ирсийланиши кузатилди ҳамда белгида элиминация ҳолати юз бериши унинг организмлари мутацион ўзгаришлар оқибатида бўлганлигидан далолат беради. $F_2\text{C}$ Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) дурагайининг гултожибарг асосидаги антоциан доғи белгиси бўйича олиб борган тадқиқотларимиз натижасига кўра, белги кўрсаткичлари турлича бўлиб, $F_2\text{C}$ Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) дурагай комбинациясида 159 та ўсимликларидан 153 таси (96,2%) гултожибарг асосидаги антоциан доғи йўқ, 6 таси (3,8%) диплоид ($2n = 26$) F_1 *ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) дурагай комбинацияси каби гултожибарг асосидаги антоциан доғи бор эканлиги аниқланди. Бу эса ўсимликларни гултожибарг асосидаги антоциан доғи белгиси бўйича ирсийланиши 15:1 ($X^2=1,66, 0,20$) нисбат тенгликда қайд этилиб, дурагай комбинация ўсимликларининг 15-қисми гултожибарг асосидаги антоциан доғи йўқ, 1-қисми гултожибарг асосидаги антоциан доғи бор ҳолда ирсийланиши аниқланди. Шундай қилиб, полигеомли $F_1\text{C}$ Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) дурагайларида гултожибарг асосидаги антоциан доғи белгиси белгида элиминация ҳолати юз бериши унинг организмлари мутацион ўзгаришлар оқибатида бўлганлигидан далолат беради. $F_2\text{C}$ Келажак х (*ssp. nanking* (оқ толали) х *G.nelsonii*) дурагай комбинациясида гултожибарг антоциан доғи белгиси ирсийланиши 15:1 ($X^2=1,66, 0,20>P$) нисбат тенгликда қайд этилиши аниқланди.

ВЗАИМОЗАВИСИМОСТЬ ТЕПЛОВЫХ И УПРУГИХ СВОЙСТВ ЦИКЛИЧЕСКИХ СПИРТОВ

**О.З.Султонов, С.К.Теляев, В.А.Авдиевич,
Институт Ионно-плазменных и лазерных технологий АН РУз.**

В последнее время большое внимание уделяется изучению теплопроводности широкого круга неметаллических жидкостей, включая органические жидкости разной природы [1]. Несмотря на ряд работ в этом направлении, выявление основных закономерностей, относящихся к температурной зависимости теплопроводности, и связи теплопроводности с другими физико – химическими характеристиками вещества, остается одной из востребованных задач теплофизики.

Нами была рассмотрена взаимозависимость величин теплопроводности, скорости звука и удельной теплоемкости в изобутаноле и цеклогексаноле. Согласно работам [1-2] можно говорить не просто о зависимости теплопроводности жидкости от скорости звука и теплоемкости, а о прямой пропорциональности этих величин. Существование закономерности такого рода, может быть полезной для предсказания

значений теплопроводности жидкостей, для которых нет таких экспериментальных данных. Кроме того такая корреляция теплопроводности со скоростью звука, может являться аргументом в пользу представления о дебаевском механизме переноса тепла в жидкостях. Значения скорости звука и удельной объемной теплоемкости исследованных жидкостей, необходимые для расчетов, брались из работ [3-4]. В результате показано, что введенный параметр $(\lambda/u)/C_v$ устанавливает четкую пропорциональность между коэффициентом теплопроводности и скоростью звука. Таким образом этот параметр может быть использован в качестве характеристика взаимосвязи тепловых и упругих свойств жидкостей.

Литература:

1. Коротких А.Г. Теплопроводность материалов: учебное пособие. Томск: ТПУ, 2011, 97 с.
2. Филиппов Л.П. Исследование теплопроводности жидкостей. М.: МГУ, 1970. – 227 с.
3. Сергеев О.А. Метрологические основы теплофизических измерений. – М.:Изд. стандартов, 1972, 378 с.
4. Мазо А.Б. Основы теории и методы расчета теплопередачи. Казан: КазГУ, 2013, 133 с.

ОЦЕНКА ТЕМПА РОСТА РАСТИТЕЛЬНОГО ПОКРОВА НА ОПОЛЗНЕВОМ УЧАСТКЕ

Л.В.Сычугова

Астрономический институт АН РУз. lola@astrin.uz

Климатические и геолого-географические особенности территории Республики Узбекистан обуславливают возможность возникновения широкого спектра чрезвычайных ситуаций. В горных и предгорных зонах республики оползне-обвальные процессы развиваются на территории площадью более 15 тыс. кв. км, где расположены более 400 населенных пунктов и другие объекты [1].

Целью настоящего исследования заключалась в анализе многовременных спутниковых снимков для проведения мониторинга темпа роста растительности на оползневом участке. Анализ проводился на основе значений вегетационного индекса NDVI, определенных по разновременным космоснимкам выбранного оползневого участка вблизи Чарвакского водохранилища. Для оценки восстановления растительности на оползневом участке были использованы снимки спутника Landsat 8 (30 метров) (данные находятся в открытом доступе). В нашем исследовании использовались спутниковые снимки до начала оползня (2005г.) и после его прохождения (2016 и 2017 гг.). Метод выявления оползней основан на расчете вегетационного индекса NDVI для каждого снимка Landsat 8 с использованием различных методов фильтрации и алгоритма разности изображения [2]. Индекс темпа роста растительности VRR рассчитывается по многовременным изображениям NDVI. Согласно предложению Wen-Tzu Lin (1990), если значение индекса VRR меньше 0, то состояние растительности находится в худшем состоянии. Если значение индекса VRR колеблется от 0 до 100, то состояние растительности на оползневом участке постепенно обогащается. Если значение индекса VRR больше 100, то состояние растительности на оползневом участке выше, чем до оползня.

Коэффициент VRR, полученный из расчетов NDVI, показал устойчивый рост растений и тенденцию восстановления растительности для голых участков. За 1,5 года мониторинга темпа роста растительности, самый высокий коэффициент VRR в оползневой зоне достиг 25,24% без вмешательства человека. В соответствии с разновременными спутниковыми снимками и характеристиками оползневых зон большинство участков с усугубленным растительным покровом были распределены по крутым склонам и гребням. Анализ данных показал, что влажность почвы также

является критическим фактором для восстановления растительного покрова в оползневой зоне.

Литература:

1. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан – 2008, Ретроспективный анализ за 1988-2007гг., Государственный комитет Республики Узбекистан по охране природы, Ташкент, 2008г., 197-198 сс.

Vegetation recovery monitoring and assessment at landslides caused by earthquake in Central Taiwan Wen-Tzu Lin, Wen-Chieh Chou, Chao-Yuan Lin, Pi-Hui Huang, Jing-Shyan Tsai.

ГЛОБАЛИЗАЦИЯ – КАК ОСНОВА ДУХОВНОСТИ И ПРАВСТВЕННОСТИ ВОСПИТАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ

Т.Т.Ташкенбаев,

**Ташкентский институт по проектированию,
строительству и эксплуатации автомобильных дорог.**

Современный мир характеризуется активными глобализационными процессами. В условиях глобализации происходит резкое расширение и усложнение взаимосвязей и взаимозависимости, как людей, так и государств, что выражается в формировании планетарного информационного пространства, мирового рынка капиталов, товаров и рабочей силы, трансформации общественного развития. В современных условиях наша молодежь через телевидение, радио, печать и Интернет систематически получает разнообразную информацию, в том числе представляющую серьезную угрозу её духовности, нравственности. И это невозможно запретить. При этом мировое информационное пространство постоянно расширяется. В такой ситуации мы не можем быть безразличными к происходящему вокруг нас, мы обязаны формировать в сознании людей, особенно молодёжи, своего рода иммунитет к чуждой нам пропаганде, религиозно – экстремистским взглядам, различного рода идеологическим провокациям, целью которых являются размывание наших духовных устоев, дестабилизация ситуации в стране, дискредитация проводимых политических, экономических реформ.

Жизненная позиция молодежи служит важной платформой для осознания и реализации своей роли и назначения в жизни. Опрос общественного мнения убедительно показал, что определяющей характеристикой общественно-политического портрета современной молодежи Узбекистана является ее отношение к независимости как высшей ценности, поддержка курса реформ. Результаты опросов молодежи, проведенных за годы независимости, позволяют отметить высокий уровень ее образования. Основными жизненными установками молодых узбекистанцев является получение образования и профессии, самосовершенствование.

Каждый второй опрошенный считает, что это важно для занятия достойного места в жизни. Социальная ценность высшего образования остается у молодых людей страны приоритетом, и исследование в очередной раз доказывает эту тенденцию: его назвали 70,1 процента опрошенных¹. Среди наиболее привлекательных для молодежи специальностей на сегодняшний день находятся профессии педагога, экономиста, медика, а также инженера, юриста и др. У молодежи страны высоко развито чувство любви и преданности Родине. Патриотизм ассоциируется у молодежи с любовью к Родине, самоотверженным служением Родине, готовностью к ее защите. При этом молодые люди в целом достаточно четко характеризуют свою позицию как истинных патриотов.

¹ <http://pv.uz/society/molodezhy-uzbekistana---obrazovannaya-iniciativnaya-energichnaya>

Результаты исследования показали, что для наших юношей и девушек характерна взвешенная оценка уровня своей правовой грамотности. В целом участники опроса оценили свою правовую грамотность как хорошую и среднюю. Анализ полученных данных констатирует достаточно высокое знание молодыми узбекистанцами Конституции страны и основных правовых кодексов. Образование и работа, по мнению большинства молодежи, являются факторами, способствующими росту заинтересованности молодых людей в повышении своей правовой культуры.

Исследование показало, что абсолютное большинство опрошенных молодых людей высоко ценит заботу Президента страны о молодежи, которая проявляется, прежде всего, в создании всесторонних возможностей для получения образования, осуществлении государственной поддержки молодежи, повышении уровня ее жизни и благосостояния, укреплении здоровья молодого поколения, развитии спорта. Молодежь Узбекистана всесторонне поддерживает Государственную молодежную политику, направленную на расширение ее возможностей для осуществления планов на будущее¹.

Учитывая происходящие в мире процессы, угрозы и вызовы безопасности, духовным и нравственным ценностям, руководство Узбекистана одним из важных факторов укрепления независимости, безопасности нашей страны считает – дальнейшее укрепление духовно-нравственных устоев нашего народа, всемерное возрождение нашей культуры, традиций, обычаев, глубокое изучение нашей тысячелетней истории. При этом необходимо учитывать, что духовность – это не абстрактное явление, а общее понятие, характеризующее внутреннее состояние общества. Она имеет и свои конкретные проявления в реальных действиях конкретных людей, их отношении к окружающему миру. Духовность, в первую очередь, означает любовь к своей родине, семье, родным и близким, патриотизм, уважение к людям, доброту, сострадание, милосердие, непримиримость к насилию и лжи, родным традициям, обычаям и предшествовавшим поколениям. Духовность является одним из определяющих факторов формирования и развития нации и личности. Высокая духовность не возникает сама по себе, она складывается в процессе воспитания, на основе опыта поколений, просвещения.

Таким образом, эти и многие другие духовно – нравственные мероприятия нацелены прежде всего на выполнение основной задачи — всестороннее воспитание подрастающего поколения, способного овладеть современными научными знаниями, высокими технологиями, искусством управления производством, осознающего свою ответственность за будущее страны, ее дальнейший интеллектуальный расцвет на основе прогресса.

БРИТАНСКОЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЕ – СУЩНОСТЬ И ПРИНЦИПЫ ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИИ НАРОДОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**Д. А. Ташкенбаева,
Институт истории АН РУз.**

Возникновение интереса западных стран к Средней Азии восходит к XIX веку. Первыми источниками для них служили сведения путешественников, их дневники и впечатления. Позднее, на их основе, был заложен фундамент среднеазиаведения. Однако, в востоковедении Соединенного Королевства после Первой мировой войны прослеживаются те же характерные тенденции, что и повсюду в европейской ориенталистике, которые можно охарактеризовать как кризисные. В основе этого процесса лежали серьезные объективные причины, среди которых главной был кризис британской колониальной системы и ее последующий распад. Разумеется, процесс разрыва связей британской метрополии со своими доминионами и колониями на

¹ <http://pv.uz/society/molodezhy-uzbekistana---obrazovannaya-iniciativnaya-energichnaya>

Востоке не был напрямую связан с деградацией английского востоковедения, но постепенный упадок и даже некоторая стагнация ориенталистики опосредованно отражали этот процесс¹. Реально кризис этой дисциплины выразился в том, что она утратила те импульсы, которые подталкивали ее развитие во времена пика британской колониальной экспансии, а также в том, что созданная в XIX в. система обучения и исследований, базировавшаяся традиционно на университетах, уже не отвечала требованиям XX столетия². Это было также связано с тем, что на историческом фоне утраты Великобританией своего влияния на Востоке Советский Союз в течение всей своей семидесятилетней истории непрерывно наращивал свое политическое и идеологическое влияние в Азии. Тем не менее, английские ученые нисколько не сомневались в том, в какой степени советское востоковедение идеологически вовлечено и зависело от партийного руководства наукой. Перемещение центра научных исследований в США также болезненно повлияло на ситуацию с научными кадрами в Великобритании: общность языка и культур способствовала тому, что эмиграция английских ученых принимала все более активный характер³. Начиная с 1950-х гг. можно говорить, принимая во внимание интеграционный характер развития двух национальных школ, о возникновении англо-американской историографии. Что касается собственно востоковедения, то оно в Великобритании развивалось в XX в. благодаря тому потенциалу и тем традициям, которые были созданы в классическую эпоху.

Однако этот термин, часто использовавшийся в советской литературе 1960-1980-х гг. в отношении среднеазиатской историографии, достаточно условен; тем не менее, развитие английской и американской историографии о Центральной Азии носило скоординированный характер, было взаимообусловленным, взаимосвязанным и зачастую финансировалось из общих (американских) источников⁴. С идеологической точки зрения эта литература имела ярко выраженный антисоветский контекст. Этот процесс нашел выражение в открытии новых кафедр, факультетов и центров, основании новых научных периодических изданий. Применительно к изучению Центральной Азии следует назвать такие издания, как «Журнал Королевского центральноазиатского общества» (существует с 1913 г.; с 1970 г. – «ЭйшнЭффэйрс»), «Мусульманский мир» (англо-американское издание, существует с 1910 г.), «Восточный мир» (с 1947 г.), «Среднеазиатское обозрение» (1952–1970), «Азиатское обозрение искусств и литератур» (с 1964 г.), «Исследования по Среднему Востоку» (с 1964 г.), «Центрально-азиатское обозрение» (с 1982 г.). Большинство этих изданий уже не представляли исключительно британскую науку, а были международными по своему характеру. Одной из главных причин популярности в научных кругах англоязычных изданий было доминирующее положение и резко возросшее в XX в. значение английского языка как коммуникативного средства мировой науки. По этой же причине многие зарубежные исследователи стремились публиковаться на английском языке; в Великобритании также часто издавались работы американских исследователей и ученых из стран Британского Содружества. Таким образом, ареал и сфера влияния английского востоковедения были значительно шире рамок самого Соединенного Королевства; они охватывали практически весь англоязычный мир, включая Соединенные Штаты, Канаду, Австралию, Индию и Пакистан. Кроме того, сохранялась настоятельная потребность поддерживать высокий уровень публикуемых в Великобритании исследований по Центральной Азии как эталонов научной продукции.

¹ Krause A. *Russia in Asia. A Record and a Study. 1558-1899.* - London: Curzon Press: New York: Burnes, 1973 (1889, 1900). pp. 6-7.

² Wheeler G. *The Modern History of Soviet Central Asia.* London: Weidenfeld and Nicolson, 1964, pp. 59-70

³ Burslem Rollo Gillespie. *A Peep into Toorkistan.* Pelham Richardson, Cornhill, London, 1846, pp. 47

⁴ Rawlison H. *England and Russia in the East,* London: John Murray, Albemarle street, 1875. pp. 18-21

ЁШЛАР ОНГИДА ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Н.Э.Темирова,

ф.ф.н., Гулистон Давлат университети доценти.

Инсон ўз тарихий тафаккурига эга бўлмасдан туриб, мамлакати, халқи, миллати ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етолмайди. Ёшлар онгида тарихий тафаккурни шакллантиришда халқимиз орасидан етишиб чиққан улуғ алломаларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссалари билан таништириш, буюк тарихий воқеаларни ёдга олиш, воқеаларни баён қилишдаги ҳолислик, сохта қарашларга зарба бериш, аждодларимиз яратган маданий меросни ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бугун ёшлар онгида тарихий хотира ва тарихий тафаккурни шакллантиришнинг ўрни қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, тарихий тафаккур ёшларда тарихий хотирани тикланишига, миллий ғурур, миллий руҳни кучайтиришга ёрдам беради;

Иккинчидан, тарихий хотира ватарихий тафаккур ёшларнинг ўзлигини англаш, маънавий қадриятларимизни эъозлаш, миллий тикланишни амалга оширишга хизмат қилади;

Учинчидан, тарихий хотира ва тарихий тафаккур мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни амалга оширишда, ёшларнинг кенг сафарбарлиги ва иштирокининг таъминланишига ёрдам беради;

Тўртинчидан, тарихий тафаккур тарихга фалсафий муносабат, ёндашув шаклланишига, бу эса тарихий ҳодисаларни теран таҳлил қилиш, ривожланиш қонуниятларини теран англаш ва шундан келиб чиқиб воқеа ҳодисалар мантиқий ҳосиласини қўра билиш ва тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга хулосаларни чиқариш имконини беради.

Бешинчидан, тарихий тафаккур мустақилликни мустаҳкамлашнинг, ёшларнинг жамиятдаги ўрнини белгилашнинг, ижтимоий фаоллигини ошиши, атрофда бўлаётган воқеа ҳодисаларга лоқайд бўлмасликнинг омили бўлиб хизмат қилади.

Зеро, мустақиллик халқимизнинг тарихига, маънавий меросига, ўзлигини англашига имкониятлар эшигини очиб берди. Бу эса тарихий хотира ва тафаккурнинг шаклланишига, бой дунёқарашга эга бўлган баркамол ёшларни тарбиялашга хизмат қилади.

ИЗУЧЕНИЕ БИОЛОГИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СИНТЕТИЧЕСКИХ КОМПЛЕКСОВ ТЕТРАГИДРОИЗОХИНОЛИНОВ С ДИГИДРОКВЕРЦЕТИНОМ

Е.О.Терентьева, Ш.Н.Журакулов, З.С.Хашимова, В.И. Виноградова, Ш.С.Азимова
Институт химии растительных веществ им. С.Ю. Юнусова. АН РУз.

terenteva.katerina@bk.ru

Проблема поиска новых, более активных и менее токсичных лекарственных средств в терапии рака остается актуальной, так как недостатком большинства известных противоопухолевых препаратов является их чрезмерная токсичность. Интерес исследователей к комплексным соединениям обусловлен расширением спектра их активности, а также уменьшением токсичности данных соединений. В связи с этим целью данной работы стало изучение цитотоксических и антиоксидантных свойств у новых синтезированных комплексов тетрагидроизохинолинов с флавоноидом дигидрокверцетином (ДГК).

Цитотоксическую активность изучали методом МТТ. Об антиоксидантной активности комплексов судили по уровню кетодиенов, малонового диальдегида,

активностям супероксиддисмутазы (СОД), каталазы, глутатион-S-трансферазы и глутатионредуктазы (ГР). Эффекты сравнивали с цитостатиком цисплатином и ДГК.

При изучении цитотоксической активности комплексов было выявлено, что ни одно из представленных соединений подавляло рост раковых клеток. При воздействии 100 мкг/мл, наоборот, наблюдалась пролиферативная активность некоторых веществ. Так, в отношении карциномы шейки матки HeLa наиболее активным оказался комплекс 1-(3',4'-метилendioксибензил)-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолина с ДГК – количество живых клеток оказалось на 32% больше по сравнению с контролем. При снижении концентрации данного вещества в 10 раз его пролиферативная активность сохранилась и составила 20% выше контроля. Аденокарцинома гортан HEP-2 оказалась более чувствительной к воздействию комплексов, чем культура HeLa: в концентрации 100 мкг/мл у 6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолина, гомовератриламины и псевдоэфедрина с ДГК количество живых клеток оказалось выше контроля на 52, 85 и 33% соответственно. Анализ параметров антиоксидантной активности показал, что синтетические комплексы, в особенности 1-(3',4'-диметоксибензил)-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин и 6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин с ДГК, продемонстрировали прооксидантные свойства: наблюдалось резкое нарастание первичных и вторичных продуктов свободнорадикального окисления, отсутствие активности ферментов супероксиддисмутазы, каталазы, глутатион-S-трансферазы. Исключение составил фермент глутатионредуктаза – здесь активность его при воздействии комплексного соединения ДГК с гомопиперанилом и сольсалидином в разной степени оказалась даже выше, чем у препарата сравнения. ДГК при этом проявил антиоксидантные свойства, снижая содержание малонового диальдегида на 45,5% и проявляя ГР и СОД – активности, что коррелирует с литературными данными.

АКАДЕМИК БИЛИМГА ЭГА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ: ТАҲЛИЛ, НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛ

Г.Ҳ.Тиллаева

**ф.ф.н., доцент, ЎзР ФА Бошқарув аппарати катта илмий ходими, Ёш олимлар
кенгаши раис ўринбосари.**

Кейинги йилларда олиб борган тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатмоқдаки, Республикаимизнинг барча олий таълим даргоҳларида юқори малакали мутахассислар тайёрланишига қарамасдан ёш кадрларнинг, 30-35 фоизи, техника ва архитектура-қурилиш ихтисослигида 40-42, психология, социология, политология ва фалсафа соҳаларида 60-70 фоизгача ўз соҳасида фаолият олиб бормайди. Бу ҳолнинг асосий сабабларидан бири, олий ўқув юртларида ёшлар иқтидори ва истеъдодини ривожлантиришнинг механизмлари ҳали етарли даражада тўла шаклланмаганлигидан дарак беради. Шу ҳулосалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда қабул қилинган кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ва унда белгилаб берилган асосий вазифаларни амалга оширишда фундаментал тадқиқотлар таҳлили зарурлиги, шу асосда истикболдаги режаларни белгилаб олиш муҳимлиги, ёшлар иқтидори ва истеъдодини ривожлантиришнинг ахлоқий тамойилларини ишлаб чиқиш соҳасида хозирги кунгача тадқиқот йўқлиги ҳам масаланинг аҳамиятини кўрсатади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, биринчидан, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонини топшираётган ёшларнинг интеллектуал салоҳияти компетентлигини аниқлашнинг махсус социал-ижтимоий, ахлоқий ва тиббий механизмини яратиш;

Иккинчидан, юқори профессионал билим ва кўникмага эришишни ҳаётий стратегик мақсади деб билиш, мазкур мақсадга эришишда дуч келадиган тўсиқларни сабр-тоқат ва чидам билан енгиш;

Учинчидан, профессионал билими ва кўникмасини ижтимоий тараққиёт талаблари мувофиқ бутун фаол ҳаёти давомида ошириб бориш;

Тўртинчидан, инновацияга, иш услубини замонавийлаштириб ва янгилаб боришга интилиш;

Бешинчидан, рақобатбардош муҳитда оғир-босиқ вазиятда ишлаш олиш ва бошқалардаги позитив тажрибаларни ўрганиш, ўз устида креатив изланиш;

Олтинчидан, кишиларни ностандарт фикрлашга, таваккал қилишга, уюшқоқлик билан умумманфаат йўлида фидоийлик кўрсатишга етаклаш каби фазилатларни шакллантиришдан иборатдир.

Бу каби тажрибалар АКШ, Англия, Германия, Франция, Швеция, Бельгия, Хитой ва Япония, Ҳиндистон каби ривожланган давлатлар олий ўқув юртларида синовдан ўтиб, ўзининг ижобий натижаларига эга бўлган.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, Ўзбекистон олий ўқув юртлари таълим-тарбия жараёнига бу каби ёндошув ёшлар иқтидори ва истеъдодини ривожлантиришнинг ахлоқий тамойилларига таянган ҳолда уларнинг акмеологик дунёқарашларини шакллантиради ҳамда акмеологик концепцияга мувофиқ академик билимга эга мутахассислар тайёрлашда кенг имкониятлар эшигини очиб беради.

ЖАНУБИЙ-ҒАРБИЙ ҲИСОР ОКРУГИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЭНДЕМИ БЎЛГАН *COUSINIA* CASS. (*ASTERACEAE*) ТУРЛАРИ

О.Т.Тургинов,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти.

Эрон-Турон флорасида тарқалган *Cousinia* туркуми турлари 77-80 секцияга мансуб 591 турдан иборат. Туркум турларининг тарқалишини таҳлили бир-биридан яхши ажраладиган ғарбий ва шарқий тур ҳосил бўлиш марказларига бўлинишини кўрсатади. Ареалнинг ғарбий қисмида 251 тур тарқалган бўлиб, 4 та тур ҳосил бўлиш марказларига эга: 1. Антропатен. 2. Қурдистон. 3. Марказий-Жанубий Эрон. 4. Хуросон-Копетдог. Шарқий қисмида эса 340 тур тарқалган бўлиб, улар 3 та тур ҳосил бўлиш марказларига эга: 1. Помир-Олой ва Шимолий Афғонистон. 2. Жанубий Хиндикуш (Жанубий Афғонистон). 3. Жануби-Ғарбий Тиёншон. *Cousinia* туркумининг фақатгина 16 тури ғарбий ва шарқий минтақаларда тарқалган (Чернева, 1974). Жанубий-ғарбий Ҳисор округи, шарқий минтақанинг Помир-Олой ва Шимолий Афғонистон маркази худудига тўғри келади. Бу ерда 240 га яқин тур тарқалган бўлиб, шулардан Шимолий Афғонистонда 70 тур тарқалган (25 эндем тур). Мазкур турларнинг 26-27 таси Жанубий Помир-Олой тоғларида ҳам учрайди. Умуман Помир-Олой тоғларида 169-171 тур тарқалган бўлиб, уларнинг 76% (130 дан ортиқ тур) эндемлар қаторига киради. Помир-Олойнинг шимолий қисмида 86 тур тарқалган, 44 тур эндем. Помир-Олойнинг жанубида 112-113 тур тарқалган бўлиб, улардан 66 тур эндемлар ҳисобланади (Чернева, 1974). Жанубий-ғарбий Ҳисор округи худуди ўзига хос реликт ва эндем турларга бойлиги билан ажралиб туради. *Calispepla aegacanthoides* Vved., *Otostegia bucharica* В. Fedtsch., *Calophaca reticulata* Sumn., *Sphaerosciadium denaense* Pimenov et Kļjuikov, *Crambe gordjagini* Spryg. et Popov каби реликт ва эндем турлар бунга мисол бўлади. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра жануби-ғарбий Ҳисор тизмасида 2100 дан ортиқ тур борлиги маълум бўлиб, улардан 203 тур шу худуднинг эндемлари ҳисобланади (Васильченко, Васильева, 1985). Ф.О. Хасанов (1991) келтирган маълумотларида жануби-ғарбий Ҳисор тизмасида 1850 тур тарқалган бўлиб, шулардан 124 эндем турлардир. Тоғли Ўрта Осиёнинг локал флораларида *Astragalus* L., *Gagea* L., *Eremurus* M. Bieb., *Hedysarum* L., *Cousinia* Cass. туркумлари кенг тарқалганлиги ва бу туркумлар флоранинг элементларидан эканлиги маълум. Жанубий-ғарбий Ҳисор округи флорасида ҳам *Cousinia* туркуми турлар кўплиги билан *Astragalus* туркумидан кейинги иккинчи ўринда турсада, эндем турларнинг кўплиги жиҳатдан биринчи ўринда. Ўрта Осиёда *Cousinia* туркумининг 262 тури (Чернева, 1993), Ўзбекистон флорасида 150 тури тарқалганлиги (www.floruz.uz). Ўрта Осиёнинг

айрим тоғли худудларини флоралари ҳам *Cousinia* туркуми турларининг бойлиги билан ажралиб туради (Камелин, 1990; Бешко, 1999; Тожибаев, 2010 ва бошқ.). Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотлар Жанубий Помир-Олойдаги айрим локал флораларида *Cousinia* туркумининг флора таркибида катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Жанубий-ғарбий Ҳисор округи флорасида Ўзбекистон флораси учун эндем бўлган турлар 15 тур бўлиб, Ўзбекистон флорасидаги жами (150) туркум турларининг 10 % ташкил этади. Буларга: *Cousinia allolepis* Tschernova & Vved. *C. campyloraphis* Tschernova, *C. decurrentifolia* Juz. ex Tschernova, *C. glaphyrocephala* Jux. ex Tschernova, *C. gnezdilloi* Tschernova, *C. haplophilla* Tschernova, *C. leptocladoides* Tschernova, *C. newesskiana* Winkl., *C. ortholepis* Juz., *C. platystegia* Tschernova, *C. praestans* Tschernova & Vved., *C. rhodantha* Kult., *C. rosea* Kult., *C. subcandicans* Tschernova, *C. trichophora* Kult.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Жанубий-ғарбий Ҳисор округининг тоғ ва тоғ олди массивларида замонавий тур хосил бўлиш жараёни кечаётган худудлардан бири эканлиги эътироф этилмоқда.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ АСАРЛАРИ

Х.Б. Тожиева,

Навоий давлат педагогика институти.

Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар асосида, Навоий тафаккури кўзгуси “Муножот”, шариат аҳкомлари шеърий тарзда баён этилган “Сирож ул- муслимин”, қирқ ҳадис шарҳига бағишланган “Арбаъин”, ҳазрат Алининг “Наср ул- лаолий”(Сочма лаълу марварид, қимматбаҳо тошлар. Ҳазрат Али қаламига мансуб ҳикматлар мажмуаси) асарининг туркий таржимаси ҳисобланган “Назм ул- жавохир” асарлари Навоийнинг диний- маърифий асарлари қаторига киради.

Шеърий шаклга солинган бу ибратли Дурлар туркийзабон халққа чуқур таъсир кўрсатади. Олам ва Одамга дахлдор барча муаммолар, тушунчалар ўзининг юксак бадий ифодасини топган бу шаклан гўзал, мазмунан чуқур асарларни мутолаа қилар экан, бир томондан, шоирнинг қанчалик буюклигини эътироф этсангиз, унинг олдида ўзингизнинг шунчалик ожизлигингизни англаб етасиз.

Афсуски, бу жавохирлар ўзбек адабиётшунослигида етарлича ўрганилмаган. Совет навоийшунослигида, нафақат, бу асарлар ЎХамсаъ таркибидаги ҳамд, наът, муножот қисмлари ҳам нашрлардан четда қолдирилди. Навоийнинг ижодини тадқиқотчиларга ҳам Навоийнинг ижодий меросига тўғри баҳо бериш имкони берилмади. Навоийнинг йирик тадқиқотчиларидан бўлган Ойбек домла ҳам «... XIV-XV асар ўзбек адабиётида ҳам феодал идеологияси чуқур диний-схоластик руҳ ила суғорилган эди. Ҳар хил реал ижтимоий ходисаларни самовийлаштириш, уларга сирли ва қудсий баҳо беришга интилиш кўрилар эди»¹, - деб ёзади.

Ҳақгўй адабиётшунос «Гениал шоир» (1941) рисоласининг муаллифи Мақсуд Шайхзода эса мафкура таъсирида «... Навоийнинг лирик қаҳрамони ошиқ йигит» деб ёзади.²

Мустақиллик шарофати билан Навоий ижоди тўлиқ ўрганила бошланди. Бу борадаги энг катта ютуқлардан бири Навоийнинг ЎМукамал Асарлар Тўплами бўлди. Йигирма жилдлик бу бебаҳо тўплам туфайли халқимиз Навоий ижоди билан тўлигича танишди. Ўн бешинчи ва ўн олтинчи жилдлардан ўрин олган “Сирож ул- муслимин”, “Назм ул-жавохир”, “Муножот”, “Арбаъин” ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

“Арбаъин” Расуллоҳ ҳазратларига мансуб қирқ ҳадиснинг ўзбек тилидаги шеърий таржима шарҳи.

¹ Ойбек. Асарлар. 9 том. – Тошкент: Фан, 1974. –Б.38.

² Шайхзода. Навоийнинг лирик қаҳрамони. Т. Фан, 1968.

Ерур ул арбаъининг аввали ҳол,
Айла бу “Арбаъин” била аъмол¹.

Ҳадислар мазмуни шеърий сатрлар орқали янада теранроқ очиб берилади. Асарни олима Суйима Ғаниева нашрга тайёрлаган. Асар “МАТ”нинг 16- томига киритилган Навоийнинг ҳажман йирикроқ бўлган яна бир диний-маърифий асари «Назм ул-жавоҳир» саналади².

“Тизилган гавҳарлар” маъносини англлатувчи бу асар ҳижрий 890 милодий 1485-йилда ёзилиб, Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган.

Асар насрий дебеча билан бошланади. 255 рубоидан иборат. Алишер Навоийнинг уқтиришича, асарнинг ёзилишига сабаб бўлган манба ҳазрат Алининг “Наср ул- лаолий” номли ҳикматли сўзлар тўпламидир.

Айниқса, Навоий ижодини илоҳиёт, унинг тасаввуф назарияси билан алоқасини Раҳим Воҳидовнинг “Навоий ва илоҳиёт”, Ёқубжон Исъҳоқовнинг “Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти”, Дилодом Салоҳийнинг “Навоий насрида тасаввуф”, Эргаш Очиловнинг “Бир ҳовуч дур”, Иброҳим Ҳаққулнинг “Тақдир ва тафаккур”, Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” каби рисолаларида) атрофлича таҳлил қилинади.

1973-йилда “Адабий мерос-3”да Ҳамид Сулаймоннинг “Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан” номли мақоласи босилди. Унда ҳам мазкур асар ҳақида қисқача маълумот берилган. Академик

Ботурхон Валихўжаев ўзининг “Мумтоз Сиймолар” номли рисоласида “Муножот”асарини мақолотнома гуруҳига киритади

“Алишер Навоий қаламига мансуб “Маҳбуб ул-қулуб”ва “Муножот”ларни мақолотнома асарлар гуруҳига киритиш маъқул кўринди.ъ деб ёзади³ Алишер Навоийнинг кенг ўқувчиларга узоқ вақт номаълум бўлиб қолган бу асарини олима Суюма Ғаниева биринчи марта 1991-йилда “Боқий сатрлар”рукни остида, Тошкентда Ғафур Ғулом номли нашриётда, 60000 минг нусхада нашр қилдирди. Асар матн луғатлар ва ҳаттотлик иши(ҳаттот:Сайфиддин Рафиддин) ишидан иборат эди. Кейинчалик бу асар Алишер Навоий “Мукамал асарлар тўплами”нинг 16-томидан (Тошкент, Фан, 2000, 293-299 бетлар) жой олди.

Мутафаккир шоир сифатида Алишер Навоий Оллоҳ ва олам, олам ва одам, инсон умрининг мазмуни ҳақида кенг ва теран мулоҳаза юритган. Барча даврлар ва замонлар учун етук донишманд ҳисобланган бу фавқуллода тафаккур соҳибининг юксак бадиият пардасига ўраб тақдим этилган бу борадаги фикр-мушоҳадалари ўзининг фавқуллода теранлиги, тенгсиз фалсафий салмоғи ва бадиий юксаклиги билан алоҳида ажралиб туради

АМОРФ КРЕМНИЙ (a-Si) АСОСИДАГИ ЮПҚА ҚАТЛАМЛИ ҚУЁШ МОДУЛЛАРИНИНГ ЧИҚИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШ

**Б.Р.Умаров, Ҳ.Ж.Матчонов, А.Э.Ражабов,
Қуёш энергияси халқаро институти (ҚЭХИ).**

Мақолада замонавий ўлчаш асбоблари ёрдамида Республика иқлими шароитида аморф кремний (a-Si) асосидаги юпқа қатламли фотоэлектрик модулларнинг (ФЭМ) чиқиш кўрсаткичлари ўлчанган натижалар келтирилган. Натижалардан фойдаланиб модулнинг ички қаршиликлари, фойдали иш коэффициентлари хамда ФЭМ нинг чиқиш кучланиши, ток кучи ва чиқиш қувватига боғлиқ темепература коэффициентлари ҳисобланган. Аморф кремний асосидаги юпқа қатламли ФЭМ ларни Тошкент шаҳри иқлими шароитида кенг миқёсида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

¹ Навоий Алишер МАТ, 16-том. “Назм ул жавоҳир”, -Тошкент, Фан, 2000, 127-б

² Навоий Алишер МАТ, 16-том. “Назм ул жавоҳир”, -Тошкент, Фан, 2000, 127-б.

³ Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. Тошкент, 2000, 120-б.

Республикаимиз иктисодиёти соҳаларида куёш технологияларидан фойдаланишни ривожлантириш Ўзбекистон энергетика соҳаси олдида турган долзарб масалалардан биридир. Бунда Ўзбекистон иқлими шароитига мос ҳар-хил қувватли ФЭСларни ишлаб-чиқиш ва яратиш учун дунё бозорида мавжуд бўлган самарадорлиги юқори ва ишончли бўлган фотовольтаик (ФВ) технологияларини аниқлаш бўйича масалаларни ечишни талаб этади.

Куёш энергияси халқаро институтда олиб борилган лойихани бажариш доирасида АКШнинг UNI-Solar компанияси томонидан ишлаб чиқарилган PVL-136 маркали аморф кремний туридаги юпқа қатламли куёш модулларининг чиқиш параметрлари урганилган.

Тошкент шаҳри иқлими шароитида бир кун давомида куёш модулининг горизонтга нисбатан бурчаги 12° бўлган ҳолатда, ҳар 15 дақиқада замонавий ўлчов асбоблари билан модулининг чиқиш кўрсаткичлари $V_{сью}$, $I_{кт}$, P_m , V_m , I_m , Eff , FF "Prova-210" модул аналайзери ёрдамида ўлчаб борилди, модулниң температурасини "Fluke 62 MAX+" инфрақизил термометри билан ва куёш радиациясини АКШнинг Solmetric компанияси ишлаб чиқарган "PVA Solsensor" ўлчов асбоби билан бир вақтда аниқланди.

Аниқланган кўрсаткичлар ёрдамида куёш модулининг (PVL-136), куёш радиацияси 910 Вт/м^2 бўлган вақтдаги вольт-ампер харақтеристикаси ва қуйидаги формулалар ёрдамида, модулниң фойдали иш коэффициенти ва ички R_k ва $R_{шунт}$ қаршиликлари ҳисоблаб чиқилди.

$$\Phi ИК = \frac{P_m}{G_t \times S}$$

бу ерда: P_m - модулниң максимал қуввати, G_t - куёш радиацияси, S - модулниң ишчи юзаси. Юқоридаги формулага асосан ФИК нинг қиймати ўртача олганда ФИК = 6.55% ни ташкил қилди.

PVL-136 аморф кремний асосидаги юпқа қатламли куёш модулларининг Ўзбекистон иқлими шароитидаги чиқиш кўрсаткичлари ўрганилганда куёш радиацияси $G_t = 910 \text{ Вт/м}^2$ бўлган вақтда $V_{сью} = 40,35 \text{ В}$, $I_{кт} = 4,57 \text{ А}$, $P_m = 111,5 \text{ Вт}$, $V_m = 29,27 \text{ В}$, $I_m = 3,809 \text{ А}$, ФИК = 6,55 %, ТК = 0,604 га тенглиги, модул хароратининг энг қуйи ва энг юқори қийматларида модулниң ФИК лари 2% га фарқ қилиши ва температура коэффициентлари $\alpha=23,1 \text{ мА/}^\circ\text{С}$, $\beta=-47,3 \text{ мВ/}^\circ\text{С}$, $\gamma=-31 \text{ мВт/}^\circ\text{С}$ ларга тенглиги аниқланди. Олинган натижалар асосида PVL-136 модулниң шунт ва кетма-кетли қаршилиги қийматлари мос равишда $R_k=131,79 \text{ Ом}$ ва $R_{шунт}=1,77 \text{ Ом}$ эканлиги аниқланди. Аморф кремний асосидаги юпқа қатламли ФЭМлардаги харорат ҳисобига йукотишлар қиймати 6% дан ошмаслиги курсатилди.

Адабиётлар:

1. Н.А. Матчанов, А.М. Мирзабаев, Б.Р. Умаров, М.А. Маликов, А.У. Камолитдинов, К.А. Бобожонов. Экспериментальное исследование выходных параметров монокристаллических и поликристаллических кремниевых фотоэлектрических модулей в природных условиях. Гелиотехника №4, 2016, стр. 33-38.

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

М.М.Ўралова,

ЎЗР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи.

Ёшларнинг сиёсий - ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда биз аввало, ўқувчи-ёшларимизни шу муқаддас заминда туғилганликларидан, яшаётганликларидан, дунё эътироф этган буюк алломалар Хоразмий, Фарғоний, Исмоил ал-Бухорий ва Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий

давомчилари эканликларидан фахрланиш ҳиссини шакллантира олган бўлардик. Агар ёшларда ушбу туйғуни уйғота билсак, уларнинг хатти - ҳаракатларида, онгу - фикрида давлатимизни ҳар томонлама тараққий эттиришга масъул эканликлари билан боғлиқ кайфият юзага келади. Жамият маънавиятини янада юксалтиришда мустақил фикрлай оладиган, иймон-иродаси, эътиқоди мустаҳкам, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган, эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш ҳар бир педагогнинг энг асосий мақсади бўлмоғи лозим.

Глобаллашиб бораётган бугунги дунёда ахборот хавфсизлигинг олдини олиш энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда, шунинг билан бирга ўқувчи-ёшларимизни ана шу ахборот хавфсизлигидан асраш эса нафақат ота-оналардан, балки таълим тизими ходимларидан кучли эътибор ва масъулиятни талаб этмоқда. Ён атрофда содир бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатар эканмиз, жаҳондаги барча воқеликни яратувчиси сифатида маънавият ва ахлоқнинг бирламчи омили эканлигини ҳис қилиш қийин эмас. Албатта, глобаллашув жараёнлари давлатлар ва халқлар ўртасида интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши билан белгиланади. Яъни, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда «глобаллашув — энг аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. ... Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг кўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз” лозим деган эдилар.

Кишилиқ жамияти мавжуд экан, унда икки кутбга мансуб қарама-қарши кучлар ҳамиша бир-бири билан тўқнашади. Булар яхшилиқ ва ёмонлик, эзгулик ва ёзувлик, меҳр ва қаҳр, бунёдкорлик ва вайронкорлик. Маънавий таназзул, ватансизлик (космополитизм) ва ақидапарастлик (фундаментализм), жангари ирқчилик, буюк давлатчилик шовинизми, ашаддий миллатчилик, фашизм ва большевизм мафқуралари мана шундай вайронкор ғоялар тизимини ташкил этади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, маънавият, ёшлар тарбияси, маънавий таҳдидларни олдини олиш, маънавий-ахлоқий камолот масалалари жуда долзарб муаммоларига айланиб қолмоқда. «Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборотлар ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдонида тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабларига ҳам, бизнинг мақсад муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз».² Демак, XXI асрни «ахборот асри» ёки «Интеллектуал ёшлар асри» деб аталиши ҳам бежиз эмас албатта. Ҳозирги глобаллашув шароитида ахборотни саралаб оммага етказишда ОАВнинг ўрни ва роли катта аҳамияти эгадир. «албатта, шунинг билан бирга ҳеч қайси

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б 110.

² Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч, Т.: Маънавият. 114-бет.

давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайтда, аҳвол шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди, бундай таҳдидларга жавобан, биз ҳам, содда бўлмасдан, зарурий чора-тадбирларни кўришимиз керак»¹. Хуллас, мафкуравий таҳдидлар ўқувчи-ёшларимиз онги ва қалбини забт этишга ўз таъсирини ўтказётган бир пайтда ота-оналар, маҳалла, педагоглар ҳамкорликни кучайтириб, лоқайдликни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш» тўғрисида қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонундан кўзланган мақсад болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши белгиланди.

БОЛАНИ ЎЗ КУЧИГА ИШОНТИРИШНИНГ АКМЕОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ: БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗМИ МИСОЛИДА

Ғ.К.Уришова,

**Тошкент вилояти Ангрэн шаҳри Педагогика ва хизмат кўрсатиш КХК
«Педагогика ва психология» фани ўқитувчиси.**

Рейтинг – инглизча сўз бўлиб, у инсон фаолиятидаги ижобий ёки салбий томонларга ўзгаришларни англатади. Рейтинг – бола билими сифатни назорат қилиш тури, методи ва шакли бўлиб, унинг ёрдамида ўқув фани таълим стандартининг барча имкониятлари бўйича ўзлаштирилган билимлар сифатини баҳолаш жараёнини таъминлаб беради.

Педагогик жараёнда боланинг ҳар бир қўлга киритган ютуғи – бу унинг ўзига бўлган ишончининг ошиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, рейтинг баллари асосида устоз томонидан унинг билимига кўйилган баллар бўйича кўрсаткичлари унинг илк ғалабалари ҳисобланади.

Шу ўринда, таълимга бу каби акмеологик ёндошув – фарзандларимизнинг ҳар бир ғалабадан ўзига хос тарзда руҳланиб, бунданда кўпроқ, самаралироқ меҳнат қилишига олиб келишини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, **акме** – юнонча («расцвет», «вершина») камолот, юксалиш, етуклик маъноларини англатиб, касб-ҳунар эгаллаш жараёнида энг юксак босқичларга етишиш, юксакроқ чўккиларга, мукамаллик босқичига эришишни англатади. Шахс камолотида акмеология муҳим ўринни эгаллайди. Акмеология (Acmeology грекча сўз бўлиб акме-чўкки, юксалиш, logos-таълимот демакдир) табиий, умумжамоа ва инсоний қоидалар асосида касбий маҳоратнинг юксак муваффақиятга эришиш ҳақидаги фан бўлиб, инсоннинг етуклик босқичида ривожланиш қонунлари ва механизмини ҳамда асосан бунданда юксакроқ даражаларни эгаллаш феноменологиясини, инсоннинг етук ақлий ривожланиши ва шахсий ҳамда ижодий етуклик, муваффақиятга эришишларида омил вазифасини ўтовчи нозик ва қадрли туйғуларни, улардаги ижодиёт ва мукамаллашувга бўлган қобилиятини ўрганади. Мазкур қисқа изоҳли луғатда ахлоқ ва акмеологияга оид тушунчалар билан боғлиқ барча категориялар ўз аксини топган.

Шундай экан, таълим-тарбия жараёнида рейтинг усулида болани рағбатлантириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

– Биринчидан, ўқувчи билимини баҳолаш орқали унинг онгига адолатли мезонларини сингдириш. Адолат – бу жамият аъзоларини турли-туман йўл ва воситалар орқали тенг ҳолатда сақлашдан иборат эмас. Кишиларнинг ижтимоий фаоллигини назар-писанд қилмаслик, ҳақиқий меҳнаткашни боқибегам боқимандадан фарқламаслик, ижтимоий фаолиятнинг кадрига етмаслик жамият раванқининг ҳақиқий заволидир;

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч, Т.: Маънавият.129-бет.

– Иккинчидан, ўқувчининг мустақил ишлашга интилиши, эркин фикр юритиши, билимларни эгаллашда изчиллик билан ёндошувига;

– Учинчидан, кун тартибини тўғри режалаштириш орқали тартиблилик, тарбияланганлик фазилатларини шакллантириш. Тарбия – инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Гўзал фазилатлар инсонга хос нарса, фақат унинг мулки эмас. Яхши фазилат жамиятнинг бойлиги, умуминсоний маънога эга. Ижобий фазилатга эга бўлган кишилар жамиятга таъсир қилади, унинг ривожланишини тезлаштиради. Инсон боласи ҳам бу ёруғ оламга шунчаки келмайди. Ҳазрат Навоий таъбирича, инсон оламга камолотга эришиш учун келади. Инсон тўғри тарбия топмаса, унинг хатти-ҳаракатлари жамиятга зарар келтиради;

– Тўртинчидан, болада балларни қиёслаш орқали ўз хатоларидан тўғри хулоса чиқариш кўникмасини пайдо қилиш.

Аммо, таълим технологиясини қўллаш жараёнида ўз ўқувчиларини у ёки бу фанларга, индивидуал имкониятларини биргаликда ва лойиҳалаш жараёнида мунозара олинган натижаларни, олдида турган муаммоларини танқидий таҳлил қилиш орқали, ностандарт ечимларни топиш каби массаалаларни ишлаб чиқишга ёндашиш устида кетади. Шу боис, технологияни қўллаш педагогнинг тежалган вақти, таълим бераётган ўқувчиларининг малакаларини янада ошириш учун жуда зарур бўлган шахсий мулоқотлари учун асқотади.

Умуман олганда, якуний назорат рейтинг асосида ўтказилишини ҳисобга оладиган бўлсак, фан олимпиадаларини ҳам шу тартибда амалга ошириш мумкин. Бу илғор тизимни жорий этишда шошма-шошарликга йўл қўймаслик, уни пухта ўрганиш, етарли база яратиб кейин қўллаш керак. Бир сўз билан айтганда, ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш – бу болани ўз кучига ишонтиришнинг акмеологик механизмларидир.

ELEKTRON HUKUMAT –TARAQQIYOT TALABI

A.A.Usmanova,

Soliq akademiyasi talabasi.

Hukumatimiz tomonidan iqtisodiyotning barcha sohalariga, kundalik hayotga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish, “elektron hukumat” tizimini tatbiq etish borasida ilg‘or mamlakatlar safiga qo‘shilish maqsadida muhim qadamlar qo‘yildi.

Respublikamizda “Elektron hukumat” tizimini joriy etish va rivojlantirish ishlarining natijasi sifatida Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan har ikki yilda bir marotaba o‘tkazib kelinadigan elektron hukumat tizimining rivojlanish darajasini baholovchi reyting natijalariga ko‘ra, 2016 yilda O‘zbekiston 20 pog‘ona yuqoriga ko‘tarilganini misol qilib keltirish mumkin¹.

2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida ham elektron hukumat tizimini yanada rivojlantirish masalasiga alohida e‘tibor qaratilgan².

Bu borada tadbirkorlik subyektlari va aholiga tezkor, sifatli elektron davlat xizmatlari ko‘rsatilishini ta‘minlovchi «Elektron hukumat» tizimini yaratishga yo‘naltirilgan oqilona siyosat doirasida-Davlat soliq qo‘mitasi tomonidan soliq xizmati organlari faoliyatining barcha yo‘nalishlarida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini tatbiq etish bo‘yicha doimiy ishlar amalga oshirilayotganligi alohida e‘tiborga molikdir. Buni sohada amalga

¹<https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/reports/un-e-government-survey-2016>

²O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947-son Farmoni. //O‘R QHT, 2017 y., 6-son, 70-modda.

oshirilayotgan islohotlar, tizimni modernizatsiya qilish va avtomatlashtirish, yangi mahalliy dasturiy mahsulotlar ishlab chiqish, ularni ommalashtirish, soliq to'lovchilar hamda barcha toifadagi tadbirkorlik subyektlariga ko'rsatilayotgan elektron davlat xizmatlari sifati va turining ortib borayotganligida ham yaqqol ko'rish mumkin.

Ma'ruzada O'zbekiston Respublikasi davlat soliq xizmati organlari tizimini isloh etishning muhim yo'nalishlaridan biri bo'lgan-soliq ma'muriyatchiligi jarayoniga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ilg'or avtomatlashtirilgan tahlil uslublarini keng joriy etish, soliq to'lovchilarga, eng avvalo, tadbirkorlik subyektlariga to'g'ridan-to'g'ri muloqotsiz elektron xizmat ko'rsatishga to'liq o'tish muammolari hamda ushbu muammolarning yechimlari bo'yicha fikr-mulohazalar keltirilgan.

Jumladan, davlat hokimiyati va boshqaruv organlari tomonidan tadbirkorlik subyektlariga ko'rsatilayotgan barcha davlat xizmatlarini to'liq elektron ko'rinishga o'tkazish, elektron davlat xizmatlaridan foydalanish manbalarini takomillashtirish, tadbirkorlarning davlat organlari bilan o'zaro munosabatlarini elektron hukumat doirasida amalga oshirishlari uchun mamlakatimizning olis va chekka hududlarida yetarli darajada shart-sharoitlar yaratish bo'yicha hamda boshqa takliflar berilgan.

OPTIMAL INTERPOLATION FORMULA IN THE SPACE K_2

A.R. Hayotov, S.S. Babaev,
Institute of Mathematics, Bukhara state university.

There are algebraic and variational approaches in the spline theory. In the algebraic approach splines are considered as some smooth piecewise polynomial functions. In the variational approach splines are elements of Hilbert or Banach spaces minimizing certain functionals. The first spline functions were constructed from pieces of cubic polynomials. After that, this construction was modified, the degree of polynomials increased, but the idea of their constructions remains permanently. The theory of splines based on variational methods studied and developed, for example, by J.H.Ahlberg, R.Arcangeli, M.Attea, A.V.Bezhaev, V.A.Vasilenko, C. de Boor, M.I.Ignatev, A.B.Pevniy, P.J.Laurent, I.J.Schoenberg, L.L.Schumaker, S.T.Stechkin, Yu.N.Subbotin, Kh.M.Shadimetov, A.R.Hayotov and others. The present work is also devoted to the variational method. Here we construct optimal interpolation formulas.

Assume, we are given the table of the values $\varphi(x_\beta)$, $\beta = 0, 1, \dots, N$ of the function φ at the points $x_\beta \in [0, 1]$. It is required to approximate the function φ by another more simple function P_φ , i.e.

$$\varphi(x) \cong P_\varphi(x) = \sum_{\beta=0}^N C_\beta(x) \cdot \varphi(x_\beta), \quad (1)$$

which satisfies the following interpolation conditions $\varphi(x_\beta) = P_\varphi(x_\beta)$, $\beta = 0, 1, \dots, N$.

Here $C_\beta(x)$ and x_β ($\in [0, 1]$) are *the coefficients* and *the nodes* of the interpolation formula (1), respectively.

We suppose that functions φ belong to the Hilbert space

$$K_2(0, 1) = \{ \varphi : [0, 1] \rightarrow \mathbb{R} \mid \varphi' \text{ is abs. cont. and } \varphi'' \in L_2(0, 1) \},$$

equipped with the norm

$$\| \varphi \mid K_2(0, 1) \| = \left\{ \int_0^1 (\varphi''(x) + \varphi(x))^2 dx \right\}^{1/2} \text{ and } \int_0^1 (\varphi''(x) + \varphi(x))^2 dx < \infty.$$

The difference

$$(\ell, \varphi) = \varphi(z) - P_\varphi(z) = \varphi(z) - \sum_{\beta=0}^N C_\beta(z) \varphi(x_\beta) \quad (2)$$

is called *the error* of the interpolation formula (1). ℓ is the error functional of the interpolation formula (1) and belongs to the space $K_2^*(0,1)$. The space $K_2^*(0,1)$ is the conjugate to the space $K_2(0,1)$.

By the Cauchy-Schwarz inequality the absolute value of the error (2) is estimated as follows

$$|(\ell, \varphi)| \leq \|\varphi\|_{K_2} \cdot \|\ell\|_{K_2^*},$$

where

$$\|\ell\|_{K_2^*} = \sup_{\varphi, \|\varphi\| \neq 0} \frac{|(\ell, \varphi)|}{\|\varphi\|}.$$

Therefore, in order to estimate the error of the interpolation formula (1) on functions of the space $K_2(0,1)$ it is required to find the norm of the error functional ℓ in the conjugate space $K_2^*(0,1)$.

From here we get

Problem 1. Find the norm of the error functional ℓ of the interpolation formula (1) in the space $K_2^*(0,1)$.

It is clear that the norm of the error functional ℓ depends on the coefficients $C_\beta(z)$ and the nodes x_β . The problem of minimization of the quantity $\|\ell\|$ by coefficients $C_\beta(z)$ is the linear problem and by nodes x_β is, in general, nonlinear and complicated problem. We consider the problem of minimization of the quantity $\|\ell\|$ by coefficients $C_\beta(z)$ when nodes x_β are fixed.

The coefficients $\overset{\circ}{C}_\beta(z)$ (if there exist) satisfying the following equality

$$\|\overset{\circ}{\ell}\|_{K_2^*} = \inf_{C_\beta(z)} \|\ell\|_{K_2^*} \quad (3)$$

are called *the optimal coefficients* and corresponding interpolation formula

$\overset{\circ}{P}_\varphi(z) = \sum_{\beta=0}^N \overset{\circ}{C}_\beta(z) \varphi(x_\beta)$ is called *the optimal interpolation formula* in the space $K_2^*(0,1)$.

Thus, in order to construct the optimal interpolation formula in the space $K_2(0,1)$ we need to solve the next problem.

Problem 2. Find the coefficients $\overset{\circ}{C}_\beta(z)$ which satisfy equality (3) when the nodes x_β are fixed.

In the present work, we solve problem 1 and 2, i.e. we construct the optimal interpolation formula in $K_2(0,1)$ space.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ВА ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Д.У.Халдибекова,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, миллий маънавиятимизга эътибор янада кучайди. Жумладан, ёшлар онгига миллий ғоя, истиқлол мафқураси ҳамда бой

маънавий мероснинг асл моҳиятини сингдиришда кенг миқёсдаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ардоқли ва шодиёна айёмлар – «Наврўз», «Мустақиллик», «Хотира ва қадрлаш куни», «Хайит»лар, «8-декабрь - Конституция қабул қилинган кун» сингари умумхалқ байрамларини кенг нишонламоқда. Шунингдек, касб байрамлари - «1-октябрь - устоз ва мураббийлар куни», «14-январь Ватан ҳимоячилари куни» ва бошқалар қайта тикланиб, тантанавор тарзда нишонланиб келиниши нафақат сиёсий, балки муҳим ҳаётий аҳамият касб этади, албатта. Бундай шодиёна кунларда ўзбекистонликларнинг, айниқса ёшларнинг қалби ғурурга тўлиб, порлоқ келажакка бўлган ишончи янада ортмоқда!

Бундан ташқари ёшларни юксак маънавият соҳиблари сифатида тарбиялаш масалаларида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилиб, улар қуйидаги йўналишларда ўз аксини топмоқда:

Биринчидан, оммавий ахборот воситалари - телевидение, радио ва матбуотда кенг ёритилаётган мақсадли дастурлар намоиш қилинмоқда;

Иккинчидан, барча таълим муассасаларида олий малакали педагоглар илм толибларига маърифат ва маънавият асослари, одобнома, ҳадисшунослик сингари фанлардан сабоқ бермоқдалар;

Учинчидан, олий таълим муассасаларида ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Улардан кўзланган асосий мақсад - ёшларнинг ўз имкониятларига ишончини уйғотиб, етукликка етаклашдан иборатдир;

Тўртинчидан, спорт-соғломлаштириш борасидаги ишлар жадаллаштирилиб, бу тадбирларни оммалаштириш, айниқса, болалар спорти кўламини кенгайтириш ишлари йўлга қўйилди;

Бешинчидан, давлатимиз етакчиси Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида илм-фан, таълим, ишлаб чиқариш, маданият, спорт, санъат ва адабиёт соҳаларида ўтказилаётган кўрик-танловлар, давлат мукофотларига танловлар, талабалар учун махсус давлат стипендияларининг таъсис этилганлиги, ўқувчилар учун қатор фанлар бўйича ўтказилаётган олимпиадалар, анъанавий спорт мусобақаларидан “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” сингари спорт беллашувлари айнан баркамол инсонни шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон аҳлининг юзлаб йиллар мобайнида яратган маънавий ва маданий меросини ўзлаштирамай туриб, миллий ўзликни, умуминсоний қадриятлар жараёнида ўз мавқеини аниқлаб олмай туриб асл ватанпарварларни тарбиялаш мушкул, албатта.

Маънавият – нафақат ижобий ҳислатлар мажмуи, балки ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилувчи иммунитет ҳамдир. Маънавияти бутун инсон, айниқса ёшлар ташқаридан келатган турли исёнкорлик руҳидаги даъватлару тарғиботларга алданиб, эргашиб кетмайдилар. Чунки, қатъиятли, миллий-маънавий етук одам ўзлиги, Ватани учун, унинг софлиги, истиқболи учун кураш олиб боради.

Умуман олганда, истиқбол сари дадил йўл олган мамлакатимизнинг келажаги фаровон бўлмоғи, унинг бағрида ҳақиқат нурлари тўла порламоғи, ёшларнинг орзу-умидлари ушалмоғига ҳар бир киши албатта ишонмоғи лозим. Фақат ишонишгина эмас, бу йўлда ҳалол меҳнат, яхши ният билан самарали фаолият кўрсатмоғи керак. Элни деб, юртни деб яшаган ҳар бир инсоннинг тақдири ёрқин, топгани бахту саодат, эришгани камолот чўққиси бўлади. Халқнинг маънавий юксалиши нафақат юрт гўзаллиги, балки давлатнинг ижобий халқаро имиджини намоён этади. Шак-шубҳа йўқки, келажакда улуғвор тарихий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси ёшлар ўз ғояларига доимо содиқ бўлиб қоладилар.

ТАЪЛИМ ТАРБИЯ – АХЛОҚИЙЛИКНИНГ БОШ МЕЗОНИ СИФАТИДА

Ф.Т.Халдибекова,

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар Кимё саноати КХК бўлим мудир.

Азизиддин Насафий, комил инсонга таъриф бериб, шундай ёзади: «Билгилки комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамларга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: Билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолотга етган бўлсин: яхши феъл, яхши сўз, яхши ахлоқ ва маориф». А.Насафий келтирган ушбу таърифдан комил инсон бўлиш ҳар томонлама ривожланган ва унда тўрт нарса камолотга етган бўлишини таъкидлаб, яхши хулқ, яхши характерга эга бўлиши, нутқи равон, маданиятли, ва илм-фанда илм чўққиларини яхши эгаллаган бўлиши кераклигини уқтиради. Шунингдек, А.Насафий инсон камолотининг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб кўрсатади: биринчиси, ахлоқ, иккинчиси, ўз-ўзини англаш, шу сифатларни ҳисобга олиб, инсон ҳамма ахлоқий сифатлар билан безанган ва ўз-ўзини англаш, яъни «мен»ини билиш инсон камолотининг белгиси сифатида, «Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши ҳамда ахлоққа, яъни тарбияга эга бўлиши ва ўз-ўзини англаш билан амалга ошади», – деган хулосага келади.

Шундай ўринли савол юзага келади, хўш тарбия билан ахлоқ бир маънога эгами, ёки бошқа-бошқа тушунчаларми? Тарбияланганлик билан ахлоқийликчи?

Тарбия — шахсда муайян жисмоний, рухий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён, инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чоратadbирлар йиғиндиси. Тарбия инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий қадриятдир. Тарбиясиз алоҳида одам ҳам, кишилик жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайлигина бир авлоддан бошқасига ўтади.

Педагогик адабиётларда «тарбия» атамаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода тарбия инсон шахсини шакллантиришга, унинг жамият ишлаб чиқариши ва ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда тарбия фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, телевидение ва бошқаларни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, кенг маънодаги тарбия тушунчаси ичига таълим ва маълумот олиш ҳам кирилади.

Тор маънода тарбия шахснинг жисмоний ривожини, дунёқараши, маънавий ахлоқий қиёфасини, эстетик дидини ўстирилишига йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Буни оила ва тарбиявий муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари амалга оширади. Таълим ва маълумот олиш тор маънодаги тарбия ичига кирмайди. Лекин ҳар қандай тарбия таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг фақат билими кўпайибгина қолмай, балки ахлоқий-маънавий сифатлари қарор топиши ҳам тезлашади.

Ахлоқ инсоннинг маънавий қиёфасини белгиловчи сифат бўлиб, ижтимоий онгнинг муайян шакли сифатида кишиларнинг юриш-туришлари, уларнинг жамият олдидаги бурчи, масъулияти, ўзаро алоқалари ижтимоий меҳнатга муносабатлари сингари ҳаракатларини тартибга солувчи меъёрий қоидалар йиғиндисидан иборатдир.

Таълим тарбия эса, ахлоқийликнинг бош мезонидир. Шу боис биз фарзандларимизнинг илк кунлариданоқ тўғри тарбия бериш концепцияси устида бош қотирамиз. Зеро, Ёшлар – бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчилари. Уларга ўз оиласи, насл-насаби, мамлакатини билан фахрланишни ўргатсак, ватанпарварлик туйғуларини сингдира олсак, бу бизнинг

ютуғимиз ҳисобланади. Ҳар бир бола тимсолида аввало, шахсни, келажагимизни кўришимиз, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга комил инсон қилиб вояга етказишимиз зарур. Шундагина ёшларимизнинг таълим-тарбиясига, Ватанимизнинг буюк келажагига ҳисса қўшган бўламиз.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”. Ушбу пурмаъно сўзларнинг маъзани чақиб, унга амал қилсак, эртанги кунимиздан кўнгилик бўлади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида айтиш лозимки, таълим-тарбия – ахлоқийликнинг бош мезонидир.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ СЕЗОННЫХ КОМПОНЕНТ ВРЕМЕННЫХ РЯДОВ ОПОРНОГО ПУНКТА КИТАБ

**А.В.Халикова,
Астрономический Институт АН РУз.**

Временные ряды постоянных пунктов ГНСС включают в себя различные типы сигналов, такие как ошибки не учтенные при моделировании сигнала, влияние окружающей среды, случайный шум или ошибки программного обеспечения и стохастических моделей. Современная измерительная техника космической геодезии позволяет с высокой точностью (несколько мм) определять изменения координат в пунктах международной геодинимической сети. На основе полученных результатов предполагается в дальнейшем выявить воздействия перемещений атмосферных масс, континентального гидрологического цикла и приливов и др.

В работе выполнен анализ временных рядов координат опорной станции Китаб по данным спутниковых станций GPS (KIT3) и DORIS (KIUB) с целью определить параметры периодических вариаций. Фаза (φ) и амплитуда (A , мм.) периодического сигнала получены на основе спектрального анализа Фурье (таб 1.).

Спектральный Фурье анализ временных рядов широты, долготы и высоты после удаления тренда был проведен с помощью методов программы Period04 специально предназначенной для статистического анализа временных рядов, содержащих пробелы [1]. Спектральный анализ всех трех компонентов временного ряда выделил только сезонные годовые пики.

Таблица 1.

Станция	Широта, N		Долгота, E		Высота, U	
	A	φ	A	φ	A	φ
KIT3	1.52	9.0	4.32	2.1	3.27	7.2
KIUB	2.67	4.5	4.04	10.5	3.67	11.6

<https://www.univie.ac.at/tops/Period04/>

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

С.Ш.Халилов – ТДИУ ўқитувчиси.

Туристлик хизматлар экспорти ҳажмининг ортиши, ўз навбатида, мамлакат миллий иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлаб беради. Қолаверса, меҳмондўстлик индустрияси корхоналарининг жаҳон бозорига интеграциялашуви жадаллашишига фаол кўмаклашади. Шу ўринда, туристик хизматлар экспорти категориясига аниқлик киритиш зарур.

Туристлик хизматлар экспорти деганда мамлакатга сайёҳлик мақсадларида ташриф буюрган хорижий фуқаролар томонидан маҳаллий корхоналар таклиф этган хизматлардан фойдаланилишига айтилади.

Туристтик хизматларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ролини кучайтириш учун эса экспорт самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқ белгилаш лозим. Туристтик хизматлар экспорти самарадорлигини ошириш омилларини қуйидаги уч гуруҳга таснифлаш мумкин:

1. Институционал омиллар:

- туристик хизматлар экспортининг тартибга солиниши;
- туристик хизматлар бозоридаги рақобат муҳитининг мувофиқлаштирилиши;
- туристик хизматлар экспорти бўйича вужудга келаётган долзарб масалаларга илмий асосланган тартибда ечимлар таклиф этиб борилиши.

2. Иқтисодий омиллар:

- туристик хизматлар экспорти соҳасида тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг қўллаб-қувватланиши;
- ташқи иқтисодий алоқаларнинг либераллаштирилиши;
- туристик хизматлар экспортининг ҳудудлар кесимида мутаносиб тақсимланиши.

3. Ижтимоий омиллар:

- туристик хизматлар экспорти билан шуғулланиб келаётган ходимларнинг мотивацияси;
- туристик хизматлар экспорти соҳасидаги хўжалик субъектларида персонални ривожлантириш фондига молиявий ажратмаларнинг етарлилиги;
- туристик хизматлар экспортида инновациялар жорий этилиши рағбатлантирувчи муҳитнинг яратилганлиги.

Туристтик хизматлар экспорти самарадорлигини оширишга институционал омиллар таъсирини кучайтириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

- туризмнинг алоҳида йўналишлари бўйича кластерларни ташкил этиш;
- ташқи бозорларда комбинацион турлар сотув ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилган маркетинг коммуникацияси стратегиясини ишлаб чиқиш;
- ташқи бозорларни сегментлаш асосида мақсадли аудиторияга манзилли ёндашувни шакллантириш;
- туристик хизматлар экспорти соҳасида мавжуд ечимталаб масалаларнинг ягона маълумотлар банкини яратиш;
- туристик хизматлар соҳасида фан, таълим ва бизнес интеграциясини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш.

Туристтик хизматлар экспорти самарадорлигини оширишга иқтисодий омиллар таъсирини кучайтириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

- ✓ туристик хизматлар экспорти соҳасида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларининг барқарор ривожланиши учун қулай иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;
- ✓ туристик хизматлар экспорти билан шуғулланиб келаётган хўжалик субъектларининг молиявий ресурслардан кенг фойдаланишига устувор аҳамият бериш;
- ✓ инвестицион таклифлар портфелини шакллантиришда туристик хизматлар экспортига нисбатан стратегик жиҳатдан муҳим йўналиш мақомини қатъий белгилаш;
- ✓ туристик хизматлар экспортининг ҳудудлар кесимида мутаносиб тақсимланишига эришиш;
- ✓ туристик бозорда хизматлар диверсификациясини таъминлаш.

Туристтик хизматлар экспорти самарадорлигини оширишга ижтимоий омиллар таъсирини кучайтириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

- туристик хизматларни экспортга тақдим этиш билан шуғулланиб келаётган хизмат кўрсатувчи ходимларни мотивациялашнинг мақбул усулларини танлаш;
- туристик хизматлар экспорти соҳасидаги хўжалик субъектлари молиявий ресурсларини стратегик режалаштиришда персонални ривожлантириш фондида ажратмаларни квоталаш;

● инновацион тавсифга эга бўлган туристик хизмат турларининг экспортга мунтазам тақдим этиб борилишини тизимлаштириш.

Туристтик хизматлар экспорти самарадорлигини ошириш омилларини тадқиқ этиш натижасисифатида куйидаги хулосавий фикрларни келтириб ўтиш жоиз:

1. Туристтик хизматлар экспорти самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ўзаро уйғунликда баҳолаш зарур;

2. Хизматлар экспорти самарадорлигини оширишга институционал, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсирини кучайтиришнинг концептуал йўналишлари ва услубий ёндашувларини умумлаштириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсияларни туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш жараёнида инобатга олиш лозим;

3. Туризм алоҳида йўналишлари бўйича хизматлар экспортининг маркетинг коммуникацияси стратегиясини амалиётга жорий этиш босқичларини аниқ белгилаб олиш муҳим саналади;

4. Туристтик хизматлар экспортида тадбиркорлик фаоллигини қўллаб-қувватлаш моделини ишлаб чиқиш ҳамда иқтисодий ривожланиш хусусиятларига мослаштириш асосида ушбу моделдан худудлар туристик жозибадорлигини оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ

Б.Ш.Халилов,

Навоний давлат педагогика институти.

Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар мамлакатнинг буюк келажagini таъминлашнинг кафолати сфатида хизмат қилади. Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ижтимоий ҳаётга кираётган, замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаган, навқирон ёш авлод тимсолида яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидландек, “ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда”¹. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар сиёсати мамлакат ҳаётининг устувор йўналишига айланиб улгурди.

Ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, улар болалар ва ёшларга оид 22 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 та Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 46 та қарори ҳамда 200 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлар билан мустаҳкамланиб қўйилган.

Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлар билан мустаҳкамланиб қўйилган.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, адлия органлари рўйхатидан ўтган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 641

¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. // <https://www.gazeta.uz/uz/2017/07/01/nutq/> (10.07.2017)

тадан иборат. Ушбу ташкилотларнинг фаолияти ёшларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга ҳамда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва бошқа шу каби йўналишларга қаратилган¹.

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар сиёсати мамлакат ҳаётининг устувор йўналишига айланиб улгурди. Кейинги сиёсий воқеалар жараёнида Ўзбекистон Республикасида илм-фан соҳасини ривожлантириш, соҳага ёш авлод вакиллари янада кўпроқ жалб этиш борасида кўплаб амалий тадбирлар амалга оширилди.

Тобора глобаллашув жараёнлари авж олиб бораётган бир даврда эса ёшлар камолоти ва тарбияси муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясида нутқ сўзлаб "... ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги кунини, фаровонлигини фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим"², деб таъкидлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади. Ўзбекистоннинг мазкур халқаро ташаббуси ўз вақтида билдирилган муҳим воқелик эди.

Хулоса сифатида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон бахтли малакатлар сирасига киради. Чунки унинг кўчалари, хиёбонлари, таълим муассасалари ёшлар билан тўла. Бу эса мамлакат келажагига юксак ишончни кўрсатиб турибди. Ўзбекистонда ёшлар сиёсати натижасида олиб борилган самарали тадбирлар натижасида мамлакат ёшлари жаҳон ареналарида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу ёшларнинг иқтисодиёт, сиёсат, спорт, маънавият, илм-фан соҳаларидаги ютуқларида намоён бўлади.

УЮШМАГАН ЁШЛАРНИНГ ИШСИЗЛИК МУАММОСИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

М.Э.Хамзалиева,

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар Кимё саноати КХК

«Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси асослари» фани ўқитувчиси.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш,

¹ <http://nimfogo.uz/uz/node/1385> (31.08.2017)

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи. // Халқ сўзи. 2017 йил 20 сентябр.

ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Биз, аввало, «Уюшмаган ёшлар» тушунчасининг луғовий маъносини таҳлил этсак. Жамиятимизда «Уюшмаган ёшлар» тушунчасининг маъно-мазмуни хусусида турли баҳс-мунозаралар кетмоқда. Хўш улар ким ўзи? Нима сабабдан йигит-қизларнинг бундай тарқоқ ҳолатга келиб қолишди? Энг аввало, «уюшмаганлик» қандай маънони англатади?

Мавзу долзарб. Чунки «уюшмаган ёшлар» деган тушунча шу пайтгача тўлиқ очиб берилмаган. Ҳанузгача улар билан ишлаш борасида амалий ҳаракатлар сезилмаяпти. «Ким уюшмаган?», «қаерда уюшмаган?», «нима учун уюшмаган?» каби кўплаб саволлар ечимини кутмоқда.

Уюшмаган ёшлар — фаол ижтимоий ҳаётдан четда қолган ўғил-қизлардир. Барча норозилик ва кўнгилсизликларнинг асосий кўзғатувчилари ҳам улар. Бундай ёшларнинг сони, таркиби бўйича аниқ маълумот йўқ. Шуниси равшанки, республикамизда 700 минг нафарга яқин ишсиз йигит-қизлар мавжуд. Яна бир манбага кўра, мамлакатимиздаги ёшларнинг 650 минг нафари «уюшмаган». Уларнинг 98 фоизи ишламайди. Бундай ёшлар ўзларини жамиятдан ажралиб қолган микрокосмос сифатида билиб, ўзларини ҳеч кимга керак эмасдек ҳис этишади.

Зеро, бугунги кунга қадар фақат фаол, кўзга кўринган, иқтидорли ёшлар билан ишлаб, қолганларни эсдан чиқариб келинди. Шу туфайли уюшмаган йигит-қизлар сони кундан-кунга кўпайиб борди. Биргина мисол, хотин-қизлар кўмитаси ҳам асосан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган қизларни ўз атрофига йиғиб, олган. Уюшмаган, чекка ҳудудлардаги иқтидорли ёшлар эътиборсиз четда қолдирилди. Бундан ташқари, асосий урғу таълимга қаратилиб, тарбия ёддан кўтарилди.

Шундай экан, бу муаммонинг олдини олиш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.07.2017 йилда «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон Фармони билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари қошида «Уюшмаган ёшлар жамияти» тузилиб, республика миқёсида ҳар бир ёш оталиққа олинди.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизматининг ёшлар сиёсатини амалга ошириш соҳасида давлат ва жамоат ташкилотларини мувофиқлаштириш шўъбаси негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизматига раҳбарлик қилиш юклатилди.

Бу каби тадбирларнинг амалга оширилишининг бош сабаби – ҳар бир уюшмаган ёш авлодни қийнаётган масалаларга безътиборлик уларнинг турли иллатлар гирдобига тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Зеро, ҳар бир соҳа уюшмаган ёшлар масаласига ўз нуқтаи назари билан ёндашади. Биз, ёш авлодни келажагимиз, деб овуниб қоляпмиз. Аввало, улар бизнинг бугунимиздир. Зеро бугунини ўйламаган, эртанинг тугунини еча олмайди.

Шу маънода, хулоса ўрнида, аввало, уюшмаган ёшлар билан ишлаш борасида хориж тажрибасидаги ижобий жиҳатлар билан бирга, салбий омилларни ҳам ўрганиб, улардан хулоса чиқаришимиз зарур. Иккинчидан, уюшмаган ёшлар муаммосини бартараф этишда алоҳида ташкилотлар эмас, балки барча биргаликда ҳаракат қилса ижобий натижага эришиш мумкин. Учинчидан, уюшмаган ёшларнинг хабардорлик

даражасини фаоллаштириш орқали мамлакатимизда улар учун яратиб берилётган имкониятлар ҳақида маълумотга эга бўлиб боришларини таъминлаш, уйлаймизки, яхши натижаларга эришимизга олиб келади.

ШИМОЛИЙ БАКТРИЯНИНГ СЎНГГИ БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР АСРИГА ОИД ЯНГИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

О.Хамидов,

ЎзРФА Археологик тадқиқотлар институти.

Мил. авв. III-II мингйилликда, бронза асрида Шимолий Бактрия ҳудудида Сополли маданияти шаклланган бўлиб, мазкур маданият Қадимги Шарқ типигаги маданият бўлиб, Ўрта Осиёда бронза даврида пайдо бўлган “Окс цивилизацияси” ёки Бактрия-Марғиёна археологик комплекси (БМАК) га киритилади (Аскарлов, 1977; Francfort, Tremblay, 2010; Luneau, 2010; Luneau, 2015.). Мил. авв. II мингйиллик охири – I мингйиллик бошлари (сўнги бронза-илк темир асри) га келиб, жамият тараққиётининг кўплаб соҳаларида кескин ўзгаришлар кузатилади (Francfort, Kuz'mina, 1999). Албатта, бу ўзгаришлар аҳолининг миграцион жараёнлари билан боғлиқ. Ўрта Осиёнинг кўплаб тарихий ҳудудларида тарқалган шу давр маданиятлари турли номларда аталса-да (Чуст, Бургали, Яз I, Кучуктепа, Тиллатепа), уларга хос бўлган, умумий хусусиятни характерловчи, умумий ном - “қўлда ясалган нақшли сополлар маданияти” («культура ручной расписной керамики», in English - “handmade painted ware cultures”) бирлаштириб туради (Lhuillier, 2011). Мазкур маданиятларнинг пайдо бўлиши, тарқалиш географияси, меъморчилик анъаналари, аҳолининг диний дунёқараши, дафн маросимлари бўйича олимлар ўртасида ягона фикр йўқ. Ушбу маданиятларга хос бўлган умумий хусусиятлар - сополларнинг қўлда ясалганлиги, тош ўроқларнинг тарқалиши, хлоритдан ясалган бежирим ўғирларнинг мавжудлиги ва қабрларнинг учрамаслигидир.

Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедицияси Шимолий Бактрияда Яз I - Кучук I даврига оид янги суғорилиш районини ва у ерда жойлашган 9 та янги ёдгорликни аниқлади (Шайдуллаев, Станчо, 2016; Шайдуллаев, Хамидов, 2017). Худди шу ҳудудда тошлар қаламасидан иборат, диаметри 8-12 метргача борадиган 27 та кўрғон-дахма ва 160 та қора тошга чўкичлаб ишланган петроглифлар ҳам қайд этилди (Augustinova, Stančo, 2016; Шайдуллаев, Хамидов, 2017). Натижада Бургуттепа ва Кайриттепа ёдгорликлари овал шаклда эканлиги, уларнинг аторофи 1,20-1,30 м қалинликда тош девор билан ўраб олинганлиги аниқланди. Бургуттепа илк зардуштийлик характеридаги дафн иншооти - “Авеста” тилга олинган ката, шунингдек, зардуштийлик дини муқаддас ичимлиги – хаома култига оид миниатюрлик ўғирдаста ва ўғирча аниқланди. Кайриттепада Кучук I даврига минглаб сопол парчалари ўрганилиб, улардаги нақшлар ушбу турдаги сопол идишларда кузатилмаган нақшлар ва янги сопол шакллари аниқланди. Тадқиқотлар замонавий технологиялар асосида олиб борилиб, ёдгорликлар топоплани, казишмалар плани 3D кўринишида, фотограмметрия усулларида фойдаланиб олинди. Бургуттепа, Кайриттепа ва улар атрофида аниқланаётган ёдгорликлар фанда янги суғорилиш воҳаси – Зарабоғ суғорилиш воҳаси номи остида кирди.

Адабиётлар:

1. Шайдуллаев Ш.Б. Станчо Л., 2016. Бактриянинг Яз I даврига оид янги ёдгорликлари // Археология Узбекистана в годы независимости: достижения и перспективы. Материалы международной научной конференции посвященной 25-летию Независимости Республики Узбекистан. – Самарканд. 43-44 бб.
2. Francfort H.-P., Tremblay X., 2010. –Marhaši et la civilization de l'Oxus // Iranica Antiqua. Vol. XLV. P. 51-224

3. Luneau Elise, 2010. L 'age deu Bronze final en Asie central meridionale (1750-1500/1450 avant N.E.) : la fin de la civilisation de l'Oxus. Thèse de doctorat présentée et soutenue publiquement le 27 novembre 2010. 614 pages
4. Luneau Elise, 2015. A new Assessment of the End of the Oxus Civilization (Southern Central Asia, ca. 1750-1500 / 1400 BCE): Overview of the Transformation of the Society // Broadening Horizons 4. A Conference of young researchers working in the Ancient Near East, Egypt and Central Asia, University of Torino, October 2011. BAR International Series 2698. - 2015
5. Francfort H.-P., Kuz'mina E.E., 1999. « Du nouveau dans la chronologie de l'Asie centrale du Chalcolithique à l'Age du Fer », in J. Evin, e. OBERLIN, J.-P. DEGAS, (dir.), Actes du congrès « 14C Archéologie » , Lyon, 6-10 avril 1998, Mémoires de la Société préhistorique française, 26, Revue d'archéométrie, Supplément, Rennes: Presses de l'Université de Rennes, P. 467-469.
6. Lhuillier J. 2011. A synthetic note about the phenomenon of the Central Asian Early Iron Age "painted ware cultures" (2nd – 1st milleneum B.C.) // Bulletin of ICAS. Volume 13. P. 9-20

СЕЙСМИЧЕСКИЕ КОЛЕБАНИЯ ПЛОТИНЫ ГИССАРАКСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩА

Х.Л.Хамидов,

Институт сейсмологии им. Г.А.Мавлянова АН РУз.

В работе излагается постоянный учет, слежения и контроль за инженерно-сейсмологическим состоянием плотины и бортов каньона Гиссаракского водохранилища при землетрясениях. Показаны условия организации записи сейсмических колебаний на теле плотины. Координаты очагов локальных и сильных землетрясений определены по данным записей трех локальных сейсмических станция в ближней зоне плотины (на расстоянии 5 – 8 км), координируя по сейсмическим станциям Пачкамар (73 км) и с/с Китаб (25 км). Составлен местный каталог землетрясений для радиуса от створа плотины до 100 км. Его унификация произведена использование региональных каталогов Республиканского центра сейсмопрогностического мониторинга МЧС РУз, международной системы IRIS и Национального ядерного центра Казахстан. По мелким местным землетрясениям и сильным транзитным землетрясениям оценены предварительные динамические параметры колебания бортов чащи Гиссаракского водохранилища и плотины. Выделены шумы от ближних взрывов или источников высокочастотных колебаний без определения расчета динамических характеристик плотины. Произведена фильтрация записей по длине касающихся постоянных шумов и не касающихся записям местных колебаний от землетрясений. В системе сейсмологического мониторинга в Гиссаракском водохранилище впервые использовано система велосиметров СМ-3 и акселерометров Guralp CMG-5T. Система представлена аппаратурно-методическим комплексом, включающим следующие блоки: серийно выпускаемые аналоговые сейсмометры (велосиметры СМ-3 и акселерометры Guralp CMG-5T). Съёмки колебаний произведены в установленных в 19 нестационарных измерительных пунктах, по профилю восток-запад, пересекая гребень и все бермы на западном борту плотины Гиссарак. Регистрация во всех точках – трехкомпонентная. Блоки цифровой регистрации, были расположены непосредственно у сейсмометров и связаны в среде кабельной оптоволоконной сети, соединяющей точки регистрации и пункт сбора данных - станцию сейсмического мониторинга, устройство сбора и хранения данных и датчики GPS для привязки к точному времени.

Плотина состоит из частей крупнообломочных консолидированных и мелкообломочных менее консолидированных массивов. Поэтому проведены специальные

измерения на не тронутым массиве. Результаты инструментальных сейсмометрических исследований показали, что максимально возможные сейсмические ускорения находятся в пределах 0,24-0,31 g, или в диапазоне 8,0-9,0 баллов.

**ТЕТРАГИДРОИЗОХИНОЛИН ҚАТОРИГА МАНСУБ БАЪЗИ
АЛКАЛОИДЛАРНИНГ АНТИОКСИДАНТ ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ
У.Б. Хамидова, Е. А. Цай, Е. О. Терентьева, Ш.С. Азимова,
ЎзР ФА акад. С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти**

Адабиётлардан тетрагидроизохинолинларда цитотоксик, антибактериал каби биологик фаолликлар намоён этиши маълум. Ушбу тадқиқот ишининг мақсади бир ва икки асосли тетрагидроизохинолинларнинг антиоксидантлик хоссасини ўрганишдан иборат бўлди. Юқоридаги синфга мансуб тетрагидроизохинолин ҳосилаларининг антиоксидантлик фаоллиги липидларнинг перекисли оксидланиши бирламчи (ДК) ва иккиламчи (МДА) маҳсулотларининг миқдорини пасайтиришини баҳолаш орқали ўрганилди. Бунинг учун каламуш жигари асосида олинган гомогенатга ўрганилаётган моддалар маълум концентрацияда таъсир эттирилди ва натижалар спектрофотометр ёрдамида қайд этилди. Солиштирма препарат сифатида флавоноид дигидрокверцетин олинди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, барча тадқиқ этилган бирикмалар ўрганилган концентрацияларда перекисли оксидланиши бирламчи маҳсулотлари китодиенларнинг ўсишига таъсир кўрсатмади. Бирасосли тетрагидроизохинолинлар икки асослиларга нисбатан МДА даражасини кучсиз пасайтирувчи таъсир этди. Бунга кўра кузатилган тетрагидроизохинолинлар орасидан 1,11-бис-(6,7 диметилендиокси 1,2,3,4 тетрагидроизохинолин-1-ил ундекан (МДА - 50 мкМ да 43,1 %) маълум антиоксидант дигидрокверцетинга (МДА - 50мкМ да 42,3%) нисбатан солиштирганда энг юқори антиоксидант фаоллик намоён этди. Ушбу тадқиқот натижалари келажакда тетрагидроизохинолинларнинг янада фаол антиоксидантлик хусусиятга эга янги ҳосилаларини синтез қилишга асос бўлади.

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ЁШ ОЛИМЛАРИНИНГ БУҒДОЙ
ГЕНЕТИКАСИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

**Н.У.Хамраев,
Хоразм Маъмун академияси.**

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан ҳисобланган ғаллачилакни ривожлантиришда инновацион технологияларни қўллаш орқали сифатли ҳосил етиштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Бу борада Хоразм Маъмун академияси ёш олимлари томонидан ҳам бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Академия олимлари Хоразм вилоятида етиштирилаётган кузги юмшоқ буғдой навларининг идентификация паспортларини яратиш, буғдой дон таркибидаги глиадин оксилларида мавжуд ички полиморфизмни аниқлаш ва улар асосида янги стресс омилларга бардошли биотипларни ажратиш, уларни кўпайтиш ишларини амалга оширмоқдалар. Навларнинг глиадин оксиллари полиакриламид гелида электрофоретик таҳлил қилинди ва тўртта фракцияга ажратиб ўрганилди. Баъзи навларнинг фракциялархудудида аллел (кўш) генлар жойлашганлиги кузатилди. Ушбу аллел генлар навларнинг тупроқ шўрланиши, қурғоқчилик, қишнинг совуғи, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилик каби муҳим омилларини бошқариши дунё олимлари томонидан исботланган. Хозирги кунда стресс омилларга бардошли нав намуналари устида илмий изланишларимиз дала ва лаборатория шароитида давом этмоқда.

Шу кунга қадар академия ёш олимлари томонидан илмий изланиш олиб борилаётган мавзу доирасида “Хоразм вилоятида етиштирилаётган кузги буғдой

навларининг идентификация паспортлари” номли каталоги, “Полиакриламид гелида электрофорез услуги орқали буғдой глиадин оксилларини тадқиқ қилиш” мавзусидаги услубий қўлланмаси, 6 та хорижий журнал ва тўпламларида, 14 та республикаимизнинг нуфузли журнал ва тўпламларида илмий мақола ва тезислар чоп қилинган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Хоразм вилоятида етиштирилаётган кузги юмшоқ буғдой навларининг идентификация паспортларини яратишда полиакриламид гелида (ПААГ) электрофорез услубидан фойдаланиб буғдой дони таркибидаги глиадин оксилларини тадқиқ қилиш, нав ичида мавжуд бўлган полимофизмни аниқлаш, популяция таркибида бир-биридан фарқланувчи бир нечта биотоп гуруҳларини ажратиш олиш келгусида зараркунанда ва стересс омилларига чидамли, ҳосилдорлиги юқори навларни яратишга имкон беради.

**КОТРАНСФЕКЦИЯ ДНК ТРАНСФЕРНОГО ВЕКТОРА И ДНК ВИРУСА
ЯДЕРНОГО ПОЛИЭДРОЗА ДИКОГО ТИПА WTMNPV В КЛЕТКИ *BOMBYX
MORI* VMN1 ДЛЯ ПРОВЕДЕНИЯ ГОМОЛОГИЧНОЙ РЕКОМБИНАЦИИ
Ш.Ш. Хасанов, Ж.М. Абдурахманов, О.Н. Аширов, Ф.Б. Эшбоев, Э.Г. Юсупова,
С.А. Сасмаков, Ш.С. Азимова,
институт химии растительных веществ им. акад. С.Ю. Юнусова АН РУз.**

Геном вируса ядерного полиэдроса тутового шелкопряда (*Bombyx mori*) – двуспиральная кольцевая ДНК размером 128,413 т.п.н. и может включать большие фрагменты чужеродной ДНК. Высокий уровень продукции рекомбинантных белков в бакуловирусной системе экспрессии достигается генами полиэдрина (*polh*) и *p10*, которые контролируются мощными поздними промоторами и активируются на поздних стадиях вирусной репликации [1]. Традиционно, чужеродную ДНК, кодирующую целевой белок вводят в геном бакуловируса путем замещения какого-либо из несущественных для репликации вируса генов при помощи трансферного вектора [2]. Механизм гомологичной рекомбинации заключается в обмене между вектором и бакуловирусной ДНК участком, ограниченным гомологичными последовательностями. Промотор, контролирующий кДНК, располагается в правильном положении и регулируется таким же образом, как и в вирусе дикого типа. В нашем исследовании был делетирован ген полиэдрина (*polh*), который не является важным для репликации бакуловируса. Гомологичную рекомбинацию между плазмидной ДНК и геномной ДНК вируса *BmNPV* проводили *in vitro* в клеточной линии *Bombyx mori*. Для этого клетки *Bombyx mori* VMN1, депонированная в коллекции культур клеток насекомых лаборатории Молекулярной генетики ИХРВ АН РУз ко-трансфецировали смесью ДНК трансферного вектора и ДНК *BmNPV* дикого типа с помощью липосомального реагента Metafectene PRO и полиэтиленаминного трансфекционного реагента ExGen500™.

В результате нами была установлена линейная зависимость количества трансфецированных клеток от количества трансфецирующего реагента ExGen500 и липосомального реагента Metafectene PRO. Полученные данные показали, что наибольшую эффективность трансфекции имеет место использование при 10 ед. ExGen500 реагента и 10 мкл Metafectene PRO для 3,0 мкг ДНК.

Литература:

1. BacPAK™ Baculovirus Expression System User Manual. Cat. No. 631402 PT1260-1(072313), 2013. <http://www.clontech.com>
2. O'Reilly D.R., Miller L.K., Luckow V.A. Baculovirus Expression Vectors: A Laboratory Manual. Oxford University Press, 1994, 347 pp.

КУСТОВОГО ЦЕНТРА МОНИТОРИНГА ПРЕДВЕСТНИКОВ ЗЕМЛЕТРЯСЕНИЙ

Ш.Холбоев, М.З.Шаякубова,
Институт Сейсмологии им.Г.А.Мавлянова АН РУз.

ЭМИ- Электра магнитных импульсов изучаем подземной и над земной магнитных полях. Магнитный колебания в сезонном ходе и их действие на землетрясений. В исследования этих колебаний, можно применить предвестником землетрясений.

Кустового центра мониторинга предвестников землетрясений, содержит в своем составе следующие устройства:

Промышленный компьютер (РС)

Интерфейсный блок (ИОМ)


Генератор постоянных напряжений (UTST)

Генератор-иммитатор электромагнитных импульсов (ЕМИТСТ)

Установка для поверки датчиков давления, влажности и температуры воздуха (НРТА) и датчиков давления (или уровня) и температуры скважинной воды (РТВ).

Генератор постоянных напряжений UTST формирует эталонные постоянные или медленно изменяющиеся напряжения для измерителей электротеллурического поля (ЭТП) и измерителей атмосферного электрического поля (АЭП).

Тестирования кустового центра мониторинга предвестников землетрясений



Генератор-иммитатор электромагнитных импульсов ЕМИТСТ формирует калиброванные импульсы сложной формы с изменяемыми программно характеристиками для поверки и настройки двухканальных двухчастотных приемников кГц электромагнитных импульсов (ЭМИ).

Установка для поверки датчиков давления, влажности и температуры воздуха НРТА и датчиков давления (или уровня) и температуры скважинной воды РТВ обеспечивает изменение и поддержание физических параметров, измеряемых указанными датчиками, и содержит эталонные датчики этих параметров. Показания эталонных и поверяемых датчиков сравниваются друг с другом в заданном интервале измеряемых физических величин.

МАКТАБГАЧА ТА'LIMGA TAYYORLASHDA SHAXMAT O'YINING PSIXOLOGIK VA PEDAGOGIK ASOSLARI.

U.K. Xoliqov,
Guliston davlat universiteti.

Bolalarda shaxmat donalari orqali narsalarning rangi, shakli, kattaligiga ko'ra tahlil qila olish malakasini shakllantiriladi. Maktabga borish arafasidagi bolalar yoshida bolalar ranglar turidagi 7 xil asosiy ranglarni bemalol farqlay oladilar. Bolalar shaxmat o'rganishdan oldin asosiy geometrik: to'rtburchak, uchburchak, kvadrat, aylana, konus, tsilindr shakllarni bilishlari lozim. Ular ko'rsatilgan yoki nomi aytilgan ma'lum bir shakldagi narsalarni ajrata

olishlari kerak. Bolalar narsalarning katta-kichikligini farqlashda ularni bo'yiga qarab terib chiqishni biladilar. Shaxmat donalari to'g'ri terish, nomlarini to'g'ri aytish, ularni kuchlarini farqlash olish va qanday yurishlarni o'rganish orqali bolalar o'z diqqat, e'tiborlarni o'quv predmetlarini yaxshi o'rganishga, ayniqsa umumta'lim maktablarida eng murakkab fan deb e'tirof etilgan matematika fanini qiziqib o'rganishga harakat qiladi.

Diqqat - individning hissiy, aqliy yoki harakatlantiruvchi faoliyatini bir narsaga qaratilganligidir. Shaxmat o'yini orqali bolalarda diqqatni rivojlantirishga, voqelikdagi ma'lum jarayonlarga diqqatni qaratish va diqqatni to'plashga erishish mumkin. Shaxmat o'yini orqali maktabgacha yoshdagi bolalar diqqatining turg'unligi, doimiyligi, ko'chirish, bo'linuvchanlik kabi xususiyatlar shakllanadi. Diqqatning turg'unligi fikrni biror narsa ustida uzoq vaqt to'plab tura olish demakdir. Maktabga borish arafasidagi bolalar yoshida bolalar 15-20 daqiqagacha uzluksiz ravishda shaxmat o'yini bilan shug'ullana oladilar. Diqqatni ko'chirish-fikrni bir faoliyatdan ikkinchisiga o'tkaza olishdir. Diqqatning bo'linuvchanligi bir vaqtning o'zida kishining ikki yoki undan ko'proq mashg'ulot bilan shug'ullana olishida namoyon bo'ladi. Katta maktabgacha yoshdagi bolalar 6-7 ta mashg'ulot o'rtasida diqqatni mustaqil ravishda taqsimlay oladi. Maktabgacha yoshda ixtiyorsiz diqqat jarayoni bola uchun qiziqarli narsaga diqqatni qaratishda yuzaga keladi. Ixtiyorsiz diqqat bolaning o'zi uchun qiziq bo'lmagan faoliyat bilan shug'ullanishni nazarda tutadi. Shaxmat o'yinining yana bir jihati xotirani o'stirishga qaratilgandir. Katta maktabgacha yoshdagi bola o'z oldiga maqsad qo'ya oladi. Biror narsani eslab qolish, ana shu maqsadni amalga oshirish vositalarini izlab topish va maqsadni bajarishga kirishishi mumkin. Tafakkurni o'stirish ko'rgazmali harakatli, ko'rgazmali tasvirli, mantiqiy tafakkur turlarini egallashdan iboratdir. Bolalar turli rejalar va jadvallardan erkin foydalana olishi lozim. Maktabgacha yoshning oxiriga kelib, bolalarda mantiqiy tafakkur elementlari shakllana boshlaydi, ya'ni ular xulosa qila oladilar. Mantiqiy tafakkur qonunlari asosida fikrlay oladilar. Bolalar ijodiy qobiliyatini o'stirish deganda tasavvur va hayolning taraqqiyoti va noan'anaviy tafakkur qila olish tushuniladi. Ijodkor ko'p jihatdan o'z his tuyg'ulari, olam haqidagi tasavvurlarni turli usullar bilan bayon eta olishiga bog'liq. Buning uchun esa bolalar har bir narsada uning turli tomonlarini ko'ra olishi, narsaga xos alohida belgilarining barchasini xis qila olishi, obrazli tarzda ko'z oldiga keltira olishi kerak. Bolalarni maktabgacha tayyorlash jarayoniga yordam beradigan omillardan biri bo'lgan shaxmat o'yini orqali kichikintoylarda sodda matematik tasavvurlarni rivojlantirish, nutqning tahlili bilan tanishtirish, bolalarni qo'lda yozish malakasini puxta egallashga va oshirishga hizmat qiladi. Bu jarayonda ham bolalarning individual xususiyatlari albatta hisobga olinishi muhim omildir. Agar bolalar o'ziga qattiq ishongan bo'lsa, uni o'z javoblarini tanqidiy baholashga o'rgata boshlashi kerak. Agar tortinchoq, uyatchan bola bo'lsa, uni qo'llab-quvvatlash, uning har qanday shaxsiy tashabbusini ma'qullash lozim. Agar bolalar topshiriqlarni tez almashtirmoqchi bo'lsa, ularni topshiriq mohiyati bilan qiziqtirish kerak. Topshiriqlarning yangi jihati tomonlarni topishga, bolalarni rag'batlantirishga harakat qilinadi. Aksincha, bola topshiriqlarni bajarishda o'ralashib qolsa, ularni bir g'oyadan boshqa bir ikkinchi g'oyaga e'tiborini ko'chirishga undash lozim.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni. Toshkent. "Sharq" 2001. Oliy ta'lim me'yoriy xujjatlari. 3-8 betlar.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning mamlakatimizni 2013 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2014 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma'ruzasi. "Xalq so'zi". 2014 yil 18 yanvar. 3 bet.
3. Muhiddinov M. O'n to'qqiz chempion. -T.: Yulduzcha, 1998. 9 bet.
4. Muhiddinov M. Katalarda yashiringan olam. -T.: O'zbekiston, 1976. 66 bet.

ОИЛА-МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИДА ШАХМАТ ЎЙИНИ ОММАВИЙЛАШТИРИШ

У.Холиқов,

Гулистон давлат университети.

Ўз-ўзини бошқариш органларига кирадиган маҳалланинг ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли турмуши, унинг соғлом ҳаёт кечириши, ижтимоий-иқтисодий юксалиши ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида турганлиги ижобий ҳолдир. Бинобарин, ушбу ижтимоий тузилманинг барча ижобий хусусиятларидан фойдаланиб, ёшларда шахмат ўйини спортга нисбатан қизиқишни ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бизга ўтмишдан маълумки, ота-боболаримиз шахмат спортдан ҳаётининг эҳтиёж сифатида фойдаланишган. Оилавий байрамларда, ишдан бўш вақтларда, шахмат мусобақалари ўтказилган. Бу мусобақалар айниқса Наврўз байрами кунлари кенг авж олган. Унда турли шахар ва қишлоқлардан келган шахматчилар иштирок этишган. Бугунги кунда Сирдарё вилоятида жойлашган маҳаллаларда шахмат ўйини спортга таянган ҳолда ёшларнинг бўш вақтини камраб олиш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида шахмат ўйини спортдан самарали фойдаланаётган маҳаллалардан етишиб чиққан шахматчиларни полвонлвримизнинг довуғи бутун оламга машхур бўлмоқда.

Шунга қарамадан, барча маҳаллаларда ёшлар билан ташкил этилаётган спорт тадбирларини талаб даражасида, дейиш қийин. Бу масалага агар ҳудудий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, айрим қишлоқ ва шахар жойларда бу масала анча ижобий ҳал қилинган, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақти турли спорт машғулоти ва спорт тадбирларида иштирок этиш ҳисобига маълум даражада изга солинган. Бироқ, айрим маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини ташкил этиш масаласи ҳали ўзининг тўла ечимини топган эмас. Бу эса тўғридан-тўғри ҳар бир маҳаллада ташкил этиладиган спорт тадбирлари ва уларнинг савиясига бориб тақалади. Бугунги кунда маҳаллаларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган маҳалла фаоллари, маҳалла раислари, маслаҳатчилар, мураббийлар, педагоглар ўзларининг иш услубларини асосан ёшлар жисмоний тарбиясини биринчи ўринга қўйган ҳолда ташкил этишлари зарурлигини кўрсатади.

Барчамизга аёнки тарбия оиладан бошланади. Тарбия онгини, ҳулқ-атвори, шахсни ҳар томонлама ривожлантиришни бирор мақсадга қараб шакллантиришга қаратилган жараёндан иборат бўлади. Чунки оилада бериладиган бу тарбия жараёнида фақат билимлар ўзлаштирилиб, малака ва кўникмалар ҳосил қилинмайди, ўзбек кишининг ахлоқий эътиқоди, ҳис-туйғуси, ахлоқий, иродавий ва жисмоний сифатлари, характер хусусиятлари таркиб топтиради. Шахмат ўйини спортини миллий қадрият эканлигини аввалом бор оилада ҳис қилиб уни маҳаллаларда оммавийлаштириш билан умум инсоний қадриятга айлантиришга барчамиз масул эканлигимизни ва ушбу орқали ўзбек ёшларни дунёга танитиш имкониятлари мавжудлигини назарда тутганда, ушбу масалага янада жиддий қараш зарурлигини кўрсатади.

Энг асосийси ота-оналар, ёшларни жисмонан соғлом бўлиши, маънавий юксалишида шахмат ўйини билан шуғулланишнинг аҳамиятга катта эканлигини тушунишлари ва ҳис қилишлари зарур.

Шунингдек юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда ёшларда шахмат ўйини спортини тўғрисида онгли муносабатини таркиб топтириш ва бу орқали маҳаллаларда шахмат ўйини спортини оммавийлаштириш мумкинлигини ҳисобга олиб қуйидагиларни тақлиф этамиз.

1. Маҳалла ёшларида уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шахмат ўйинига нисбатан тасаввурларни шакллантириш;

2. Ота-оналар ўртасида миллий қадриятимиз, миллий ифтихоримиз бўлган шахмат ўйинига нисбатан ижобий таъсавурни шакллантириш;
3. Оила ва мактабгача таълим масканларидан бошлаб шахмат ўйинига қизиқишни тарбиялаш;
4. Мамлакатимиздан етишиб чиққан Жаҳон ва Осиё чемпионлари фаолиятини кенг тарғиб этиш, уларни ибрат қилиб кўрсатиш;
5. Ёшларни маҳаллий спорт усталари фаолияти билан яқиндан таништириш;
6. Айнан шахмат ўйини спорти орқали маҳалла ва оила ҳамкорлигини шакллантириш.

Хулоса қилиб айтганда, ёшида шахмат ўйинларидан фойдаланиш орқали уларнинг идроки, тафаккури, хотираси ва мантиқий фикрлашини ўстиради ва ривожлантиради.

УАК ПОПУЛЯЦИЯСИ БОШЛАНҒИЧ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ҚУРҒОҚЧИЛИК ШАРОИТИДА ЎРГАНИШ

**М.М.Холмурадова, О.С.Тураев, И.С.Нормаматов, С.М.Набиев, Ф.Н.Кушанов,
ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази.**

Сўнги йилларда об – ҳаво ўзгариб бориши оқибатида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун зарур бўлган сув танқислиги кузатилмоқда. Сув танқислиги қишлоқ хўжалигидаги энг муҳим экологик стресс ҳисобланган қурғоқчиликни келтириб чиқаради. Қурғоқчилик экинларнинг ҳосилига ва унинг сифатига, шунингдек ғўзанинг физиологик ўсиши, гуллаши, кўсаклаш хусусиятининг пасайишига ҳамда ҳосилигасалбий таъсир этади ва ҳосилдорликнинг кескин тушиб кетишига олиб келади. Бу эса олимларни қурғоқчиликка чидамли ғўза навларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Карталаштиришнинг илғор технологияларидан бири бўлган уяли ассоциатив карталаштириш (УАК) – бугунги кунда баъзи ўсимликлар, шунингдек қишлоқ хўжалик экинлари генларини карталаштиришда ўз самарасини бермоқда. Бу технологияни ғўза молекуляр-генетик тадқиқотларига тадбиқ қилиш, ғўзадаги муҳим генетик локусларни/генларни ўта аниқликда карталаштириш имконини беради.

Ўзада қимматли хўжалик белгиларни бошқарувчи генларни идентификация қилиш учун махсус УАК стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, бунга кўра энг аввало яратилган популяциянинг ота-она генотипларини фенотипик ва генотипик жиҳатдан чуқур ўрганиш талаб этилади.

УАК популяцияси бошланғич материаллари сифатида танлаб олинган муҳим морфо-хўжалик белгилари ва ноёб QTL (Quantitative Trait Loci) аллеллари билан ҳарактерли 19 та хилма-хил генотиплар ва она генотип сифатида танланган маҳаллий Наманган-77 нави марказининг махсус уруғчилик хўжалигида қурғоқчилик фонида экиб, уларнинг сувсизликка чидамлилик хусусиятлари текширилди. Тажирибада намуналар оптимал суғориш ва сув танқислиги фонида уч такрордан экиб ўрганилди. Намуналар оптимал суғориш фонида 1x2x1 (гуллашгача x гуллаш даврида x гуллашдан сўнг), сув танқислиги фонида эса 0x1x0 схемасини қўллаб суғорилди. Тажириба намуналарида биринчи ҳосил шоҳининг баландлиги, ўсимликнинг бўйи, шоҳланиш типи, моноподиал ва симподиал шоҳлар сони, умумий ва очилган кўсалар сони каби морфо-биологик кузатувлар олиб борилди.

Тадқиқот натижалари УАК популяциясининг ота-она намуналарида қурғоқчиликка чидамлилик даражаси турлича эканлигини кўрсатди. Бундай юқори хилма-хиллик улар асосида яратилган УАК популяциясидан фойдаланиб мазкур белгини бошқарувчи генларни юқори аниқликда молекуляр карталаштиришни таъминлайди.

ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ В ЭПОХУ НЕОЛИТИЗАЦИИ (X—IV ТЫСЯЧЕЛЕТИЯ ДО Н.Э.)

Х.Хошимов,

АН РУ институт Археологических исследований.

В Центральной Азии в ранние периоды первобытного и доисторического общества до сих пор остаются трудными для изучения, как с точки зрения обнаружения, так и с точки зрения понимания задействованных механизмов передачи культуры, и это несмотря на образцовую ситуацию с археологическим достоянием в регионе. Анализ данного трансфера зависит от определений, даваемых археологическим культурам, которые остаются зачастую неточными в приложении к этим эпохам, а также от структурных элементов, составляющих эти ансамбли и подразумевающих возможность их «передачи».

Тем не менее, мы предполагаем рассмотреть случай трансфера в эпоху неолитизации региона (X-IV тысячелетия до н.э.), в период, когда наблюдаются глубокие социально-экономические и технические трансформации человеческого общества (доместикация природной среды, диверсификация образа жизни между номадизмом и оседлостью, специализация ремесленного производства и т.д.), трансформации, которые становятся более понятными и очевидными в свете последних исследований. Этот процесс, охватывающий многие тысячелетия от мезолита до энеолита дает возможность проследить в течение длительную периода эволюцию некоторых трансферов в «местных или принимающих культурах», что является непременным условием понимания истории изучаемых культур, выявления постоянства структурных элементов и перемещения культурных феноменов. Таким образом, мы наблюдаем, еще задолго до эпохи Великого шелкового пути, создание обширной сети взаимоотношений между сообществами Центральной Азии, которая проявляет себя по-разному, в зависимости от контекста (заимствование, принятие, присвоение, имитация, распространение, обмен и т.д.), и некоторые механизмы функционирования которой нам еще предстоит прояснить.

Перекрестный анализ ряда случаев культурного трансфера, касающихся ключевых моментов неолитизации и связанных с появлением эмблематических технологий, отдельных предметов или стилей, распространившихся впоследствии по всей Центральной Азии, позволяет задуматься не только о средствах передачи, о логике (природа и предмет трансфера, динамика процессов и межкультурные обмены) и о формах становления самого перенесенного «факта», но также и о понятии границ, культурных традиции и гибридизации культур.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Ў.Қ.Хошимов,

ЎзР ФА Тарих институти.

Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасига қаралса, улар тараққийнинг юқори чўққисига чиқишларида ёшларнинг таълим-тарбиясига қаратган эътибори орқали эришганликларини кўриш мумкин. Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ёшларга сифатли таълим тарбия бериш, замон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратмоқда. Ҳар бир болани мактабгача таълимдан тортиб, етук кадр бўлишигача бўлган давр қамраб олинди.

Шу билан бирга таълим тизимида ислохотларда муаммо ва камчиликларга йўл қўйилди. “Биринчи вазифа-мактабгача таълим соҳасида,- дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, - Очиқ тан олишимиз керак, биз бу муҳим

соҳадаги ишларни эътибордан четда қолдирдик”¹, деб таъкидлади. Дарҳақиқат бу соҳадаги энг катта ва долзарб муаммолардан бири, мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинишида бўлди.

Агар мустақилликка эришмасдан олдинги вақтга назар ташласак, хусусан республикада 80-йилларнинг ўрталарида болаларнинг 39 фоизи мактабгача тарбия муассасаларига жалб этилган. Биз шу кўрсаткич юзасидан умумиттифоқ даражасидан (57 фоиз) анча орқада² қолган эдик.

Мустақиллик йилларида яъни 1991 йилда республика бўйича 1-6 ёшгача бўлган болаларни МТМ га қамраб олиш 35,1 фоиздан 2016 йилга келиб 17,3 фоизга тушиб қолди. Водий вилоятларида Андижон 1991 йилда 40,8 % дан 2016 йилга келиб 15,8 %га, Наманган вилоятида тегишлича 38,3 %дан 16,4 %га, Фарғонада эса 44,2 %дан 17,9 фоизга³ қисқариб кетди. Бундай бўлишига сабаб МТМлари моддий-техник базаси мустахкамланмади, соҳада ишловчи педагог-тарбиячилар билим савиясининг пастлиги ва бошқа кўплаб муаммолар сабаб бўлди.

Бугунги кунга келиб соҳани ривожлантиришга ҳукумат даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 30 сентябр ПФ-5198-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман(шаҳар)лардаги бўлимлари ташкил этилди.⁴

Мактабгача таълим тизимида 2017 йилда 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланди.⁵ Бу каби ишларни бундан кейинги йилларда ҳам амалга ошириш режалаштирилган. Масалан Фарғона вилоятида келгуси 5 йилда 272 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция ва капитал таъмирланишини таъкидлаш лозим.⁶ Республикада 2018 йил учун тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари рўйхатига мувофиқ, 771 миллиард сўм бюджет маблағлари ҳисобидан 60 та боғча янгидан қурилади, 295 таси реконструкция қилинади ва 176 таси мукамал⁷ таъмирланиши режалаштирилган.

Биз мактабгача таълим тизимини ривожлантириш орқали қандай натижаларни қўлга киритишимиз мумкин: болаларни соғлом, билимли, баркамол бўлиб вояга етишларлари учун янада кенг имконият яратилади; азиз опа-сингилларимиз ўзларининг соғликлари ҳақида кўпроқ қайғуришларига вақт бўлади; аёлларимиз жамият ривожига ўз имкониятларини тўлиқ намоён этишлари учун имконият пайдо бўлади; аёлларимизга хос бўлган тикувчилик, касаначилик бир сўз билан айтганда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, оилавий бюджетга ўз хиссаларини қўшишлари учун имконият пайдо бўлади.

Энг муҳими фарзандларимизнинг тарбияси, соғилгига ота-оналар билан бирга давлат ҳам ғамхўрлик қилиши, келажакда қалбида Ватанга мухаббат, юртга садоқатли, билимли, давлатимиз ривожига ўз хиссасини қўшадига ёшларни тарбиялашимизга имконият яратилади.

¹Ш.М. Мирзиёев Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: Ўзбекистон, 2017. 45-бет

²Наманган ҳақиқати 1984 йил 29 июн №123. 3-бет.

³Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 19. 01. 2018 йил №01/2-01-19-84 сонли берган маълумоти асосида тайёрланди.

⁴http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3362886 7.12.2017

⁵<http://prezident.uz/uz/lists/view/1369> 25.12.2017

⁶Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни март ва олийжаноб халқимиз билан қўрамит. Тош. «Ўзбекистон» 2017. 60 б

⁷<http://www.uza.uz/oz/politics/prezident-maktabgacha-talim-tizimini-islo-ilishga-ba-ishlang-14-02-2018> 15.02.2018

ШАРҚШУНОСЛИК СОҲАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИ

Р.Т.Худайбергенов,

ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти.

Шарқшунослик соҳасининг мураккаб жиҳатларидан бири бу манбашунослик йўналиши ҳисобланади. Бу соҳа тадқиқотчисидан бир вақтнинг ўзида асосий мавзудан ташқари қатор фан соҳалари – классик шарқ тили, тарихий вазият, замондош олимларнинг мавзу билан боғлиқ ижоди ва бошқалардан яхшигина хабардор бўлиш талаб этилади. Соҳанинг янада мураккаб жиҳати, тадқиқот билан боғлиқ кўпгина манбаларнинг кўлэзма ва тошбосма ҳолида бўлиб, кенг оммалашмаганидир.

XX асар информацион технологиялар тараққий этган давр бўлди. Кутубхоналарга ахборот техноллогияларнинг кириб келиши натижасида уларнинг фаолиятида катта ўзгаришлар содир бўлди. Эндиулар маҳаллий аҳолигагина эмас, узоқ масофадаги китобхонлар учун ҳам ўз хизматларини кўрсата бошладилар. Бунинг учун фондларда сақланаётган адабиётларни рақамли тизимга ўтказилиб, турли маълумотлар базалари яратилди ва бу борадаги ишлар давом этмоқда. Рақамли тизимга ўтказилган маълумотлар такомиллашиб бориши натижасида фойдаланувчи манбанинг ичдаги керакли маълумотни қидирув йўли билан излаб топиш имконига эга бўлмоқда.

Бугунги кунда интернет тармоқларида шарқшунослар учун ҳам фойдали бўлган халқаро микёсдаги турли маълумотлар базалари пайдо бўла бошлади. Натижада яқин ўтмишда мураккаб бўлган ҳолат – маълумотни манбадан қидириб топишнинг ўзи билан ишнинг илмий аҳамиятини ошириб бўлмай қолди. Бугун тадқиқотчига умуман янги талаблар – масалага инноватсион ёндашиш ва кучли аналитик таҳлил қилиш талаби қўйиладиган давр бўлди.

Илмий тадқиқотга қўйиладиган талаб борасида айтилган сўнгги гап қанчалик чиройли бўлмасин, бундай талабни шарқшунослик соҳасига тўлалигича жорий қилишнинг иложи йўқ. Чунки, бу борада аниқлаштирилмаган кўплаб масалалар мавжуд. Шулардан бири, бугунги кунда шарқшунослик билан боғлиқ қандай маълумотлар базалари яратилганлиги, уларда қандай манбалар жамлангани ўрганилмаган.

ЎРТА АСРЛАРДА ХОРАЗМ КУЛОЛЧИЛИГИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР

Х.Худайбергенов,

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали.

Хоразмнинг ўрта асрлардаги кулолчилик тарихи, у билан боғлиқ анъана, урф-одат, маросимлари воҳага хос локал хусусиятларини бугун тарихий-этнологик жиҳатдан тадқиқи қилиш долзарб муаммолардан биридир.

